

ИСЛОМХОН ГАФАРОВ

# ЖОН ФИЦЖЕРАЛЬД КЕННЕДИ

*Катта орзулар билан яшовчи инсонларга  
улкан орзулар соҳибининг умр йўли ҳақида кичик ҳикоя...*



ISBN 978-9943-7731-7-2



9 789943 773172

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ИСЛОМХОН ГАФАРОВ

# ЖОН ФИЦЖЕРАЛД КЕННЕДИ



Тошкент – 2022

**Онам Гафарова Раъно Фозиловнага  
бағишланади.**

---

**УЎК 94:32(073)**

**КБК 63.3(7)**

**Г 23**

**Гафаров, Исломхон**

Жон Фицджеральд Кеннеди [Матн]: сиёсий-тарихий /  
И.Гафаров. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2022. – 160 б.

ISBN 978-9943-7731-7-2

*Мазкур китобда Америка Қўшма Штатларининг 35-Президенти Жон Фицджеральд Кеннедининг олиб борган сиёсати, ҳаёт йўли ва мақсадлари ҳақида маълумотлар бериб ўтилган. Шунингдек, Америка тарихида ёрқин из қолдирган Кеннедининг оила аъзолари, унинг президентлик сирлари, ўша вақтдаги сиёсий жараёнлар ва тарихий вазият батафсил ёритилган.*

**УЎК 94:32(073)**

**КБК 63.3(7)**

*Тақризчилар:*

**А.Умаров,**

сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**В.Мухамеджанова,**

тарих фанлари номзоди, доцент

**З.Шукурова,**

филология бўйича фалсафа доктори (PhD)

ISBN 978-9943-7731-7-2

© И.Гафаров.  
© “Muharrir nashriyoti”,  
Тошкент, 2022



**ПРЕЗИДЕНТ ЖОН ФИЦЖЕРАЛЬД КЕННЕДИ  
(1917-1963)**

**МУҲДАРИЖА**

Кириш.....	5
Катта оила .....	9
Улкан орзу рўёби.....	28
Оқ уй.....	62
Ғарб Президенти.....	83
Халоскор.....	94
XX аср жумбоғи.....	113
У президент бўлишга лойиқ эди.....	134
Хотима.....	155
Адабиётлар рўйхати .....	159

*Буюкликни орзу қилинг...*

***Марк Аврелий***

### КИРИШ

Ушбу китоб Америка ва жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган лидер АҚШнинг 35-Президенти Жон Фицджеральд Кеннеди ҳамда унинг оила аъзолари тўғрисида ёзилган. Асардаги воқелик Кеннедилар оиласининг орзуси – “Мен ҳам президент бўламан” мақсади орқали очиб берилган.

Кеннедилар оиласи Американинг бадавлат хонадонларидан бўлиб XX аср давомида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида улкан ўрин эгаллаганлар. Уларнинг ҳокимият, хусусан, президентликка интилиши ҳам феномен, ҳам қисмати эди. Жон Кеннедининг ҳам ёшлигидан президент бўлиш орзуси бор эди. У орзуси учун ҳаётини бағишлади ва охир-оқибат ўз ниятига эришди. Шунинг учун ҳам китобда Кеннеди шахсига ушбу орзу – “Мен ҳам президент бўламан” мақсади орқали ёндашишга қарор қилдик. Китоб кириш, етти боб ҳамда хотимадан иборат. Унда Жон Кеннеди, Кеннедилар оиласи, Роберт Кеннедига бағишланган ҳамда ўша даврни ўз ичига олган энг сара асарлардан фойдаланилган. Мисол учун, Артур Шлезингер ҳамда Анатолий Громиколарнинг китоблари. Қаҳрамонларни ҳамда сиёсий тарихий вазиятни ҳар томонлама ва тўлиқлигича

очиб бериш учун ҳам америкалик, ҳам рус адилларининг ишларига юзланганмиз. Улардан келиб чиқиб Кеннеди образи ҳамда сиёсий масалаларга холисона фикр билдиришга ҳаракат қилдик. Ҳар бобда Кеннедилар оиласининг орзусига айланган “Мен ҳам президент бўламан” мақсадига турли хил персонажлар орқали такрор ва такрор ёндашдик.

Шунингдек, Америка Қўшма Штатлари ва дунёдаги XX асрнинг 50-60 йиллардаги сиёсий жараёнлар ва тарихий воқеалар, хусусан, Президент Жон Кеннедининг сиёсий фаолияти, 1959 йилги Куба инқилоби, Кочинос кўрфазидаги авантюра, 1963 йилда Берлинда сўзланган “Мен берлинликман” нутқи, дунёни Учинчи жаҳон уруши ёқасига олиб келиб қўйган 1962 йил 14-28 октябрдаги Кариб инқирози, космос соҳасида эришилган ютуқлар, афроамерикаликларнинг тенгликка бўлган кураши каби мавзулар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Бундан ташқари, АҚШ сиёсий тизими, президентлик сайловлари ва лидер бўлиш сирлари Кеннедилар оиласининг орзулари орқали етказилган. АҚШда ҳарбий саноат комплекси, махсус органлар, мафия ва бадавлат оилаларнинг ўрни ҳамда Жон Кеннедининг президентлик давридан кейин Кеннедиларнинг, чунончи, унинг укаси Роберт Кеннеди ҳақидаги ахборот ҳам китобда ўз аксини топган.

Китобнинг актуаллиги шундаки, унда глобал миқёсда лидер бўлган инсонинг кечинмалари, муҳим қарорлар қабул қилаётган вақтдаги аҳволи, қалтис вазиятларда қандай иш тутиш ва вазиятга

ечим топиш сирлари, одамларнинг гапига кириб алданиб қолиш, бошқаларнинг фикри билан иш тутиб хато қилиш ва, аксинча, ўз қалбига қулоқ солиб тўғри қарорга келиш ҳоллари атрофлича ёритилган.

Президент Кеннедига бағишланган асаримиз катта орзуларни ўз олдига қўйган ҳар бир инсон учун керакли бўлган фойдали маслаҳатларни берса ажабмас. Чунки Кеннеди образида исталган инсон дунё даражасида лидер бўлиб етишиб чиқишини кўришимиз мумкин бўлади. Ўз устида бўлган тинимсиз меҳнат Кеннедини уруш қахрамони, атоқли адиб, ёш сиёсатчи ва доно раҳбарга айлантиради. Кеннеди 2017 йилгача АҚШнинг энг бой президенти бўлган (2017 йилдан ўз лавозимига киришган миллиардер Президент Дональд Трампдан ташқари, албатта), сўровномаларга қараганда, у ўз миллатининг энг сеvimли раҳнамоси ҳисобланади, 1961 йили дунёга машҳур “Time” журнали уни “Йил одами” деб эълон қилган, бинобарин, қўққисдан келган аянчли қисмат барчасини остин-устин қилиб юборди ва Кеннеди билан боғлиқ масалалар XX асрнинг энг катта жумбоғига айланади.

Раҳбар бўлишни болаликда кўпчилик орзу қилади, аммо бу мансабга фақат санокли инсонларгина сазовор бўлади. Қолганлари эса етарлича орзу қилмаганлиги, унга ишонмаганлиги ҳамда у учун курашмаганлиги туфайли енгиледи. Биз китобимизда бу лавозимга эришган ва эришмаган инсонларнинг ҳаётини кўриб чиқамиз. Уларнинг хато, камчилик ва ютуқларига эътибор қаратамиз. Уларнинг барчаси бир оила аъзолари бўлиб, ушбу



мансабга сазовор бўлган Жон Кеннедининг портретини асосий образ сифатида қабул қилиб, у ва унинг улкан орзулари орқали вазиятга ёндашамиз. Ушбу муваффақият негизида орзу ётгани ва у энг муҳим омил эканлигини инобатга олган ҳолда асаримизни бошлаймиз. Ўйлаймизки, китобда берилган керакли билимлар орқали ҳар бир китобхонда лидерлик хусусиятларини ривож топишида ўз ҳиссамизни қўшамиз.

## КАТТА ОИЛА

Ушбу бобда қаҳрамонимиз Жон Кеннедининг туғилиб ўсган оиласи, яъни Кеннедилар оиласи ҳақида гап кетади. Бу йирик католик-насроний оила ўзининг бойлиги, билимга чанқоқлиги, ортга чекинмаслиги ва энг муҳими бирдамлиги билан ажралиб турарди. Шунинг учун ҳам китоб давомида уларга – Катта оила деб мурожаат қиламиз ва унинг ютуқлари ҳамда Америка тарихида эгаллаган ўрни тўғрисида батафсил маълумот етказамиз.

Жон Фицджеральд Кеннеди 1917 йил 29 май куни Америка Қўшма Штатларинг энг бадавлат хонадонларидан бирида дунё келади. Кеннедилар оиласи асли келиб чиқиши Ирландиядан бўлиб XIX асрнинг ярмида АҚШга кўчиб келадилар. “Янги дунёга”<sup>1</sup> келиши билан улар ўзларига яхши таълим олишни бош мақсад этиб қўядилар. Жон Кеннедининг отаси Жозеф дунёнинг энг нуфузли университетларидан бирида, чунончи, Гарвардда тахсил олади. Бунда унга отаси Патрик яқиндан ёрдам беради. Патрик савдогар бўлиб, савдодан тушган даромадни ўғли Жозефга ва унинг яхши таълим олишига сарфларди. Кеннедилар АҚШда ва умуман бутун дунёда фақат таълим орқали юқори натижалар, хусусан бойлик ва мансабга эришиш мумкинлигини яхши билишарди. Шунинг учун ҳам улар чўнтагидаги охирги долларини ҳам таъ-

---

<sup>1</sup> “Янги дунё” – Буюк географик кашфиётлардан сўнг Америка китъасини шундай номлашганди.

лим йўлида ишлатарди. Бир кун келиб ушбу кичик пуллар эртага миллионларни олиб келиши ва ўзлари кўзлаган барча орзулари фақат яхши таълим орқали рўёбга чиқишини билишарди. Шунинг учун ҳам ушбу оила, авваламбор, кўпроқ билим олишни ва фарзандларини ўқишга бўлган қизиқишини оширишни ўзига асосий қоида қилиб олади. Таълим ва тарбия Кеннедилар оиласида илк болаликдан бошланарди.

Жон Кеннедининг отаси Жозеф ўта айёр тадбиркор эди. Унинг учун бу оламда энг муҳим нарса бу пул эди. Ҳамма нарса мумкинлигига, ўзи хоҳлаган барча орзуларига, истаганини сотиб олишига, атрофдагиларни ўзи ҳақида ижобий фикрда бўлишига фақат пул ёрдамида эришиш мумкин деб биларди. Ёшлигидан қийинчиликда улғайган Жозеф ўз олдига миллионер бўлишни мақсад қилиб қўяди. Қора меҳнат билан узоққа бормаслигини билиб, у ўз орзулари йўлида Гарвардга ўқишга киради. Ўқиш у учун диплом олиб бирон жойда ишлаш учун керак эмасди. Бу йўл билан у ўзи истаган миллионларга эришиб бўлмаслигини яхши биларди. Миллионни фақат бизнес орқали олиш мумкинлиги билган Жозеф тадбиркорлик билан шуғуллана бошлайди. Миллионларни олиб келадиган бизнес янги ғояларни, янги усулларни ва уддабуронликни талаб этади. Булар эса китоб, фантазия ва дунёқарашнинг кенглигидан ҳосил бўлади. Мана шунинг учун ҳам у Гарвардга боради, яъни диплом учун эмас, балки яхши билим олиш мақсадида.

Ўқишдан сўнг у ота касби савдо билан шуғулланади. Кейинчалик АҚШнинг Калифорния штатига кетиб у ерда Голливуд компанияларини мо-

лиялаштириш орқали пул топади. Аммо бу билан орзусига эришиш мушкул эканлигини билиб бор эътиборини биржага қаратади ва Уолл стрит<sup>2</sup>нинг “бўри”ларидан бирига айланади.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ ғалаба қозонган давлатлар ичида энг бадавлатига айланади. Урушга кеч кирганлиги ҳамда жанг майдонлари унинг ҳудудига тўғри келмаганлиги бунинг бир сабаби бўлса, ўша даврда барча давлатларга керакли хомашё етказиб, кенг тижорат сиёсатини қўлаганлиги ушбу натижага эришишнинг асоси бўлади. АҚШ президентларидан бири К.Кулидж бекорга “Америка иши – бу бизнес” демаганди. Уруш вақтида нафақат АҚШ давлати, балки унинг аҳолиси ҳам бойиб кетади. Жозеф Кеннеди ҳам янги миллионерлар қаторида эди. У юк ташувчи кема компанияларидан бирида раҳбар ўринбосари лавозимида ишлаб ўзининг биринчи миллион долларига эришади. Шу кундан бошлаб унинг миллионлари фақат ва фақат кўпаяди. Ушбу натижага у ўз зехни ва билими ёрдамида эришганди. Бир миллионни ўн қилиш осон, аммо ўша биринчи миллионни топиш мушкул. Ўзининг биринчи миллионини топишда унга бутун Гарвард кутубхонасини ўқиб чиқиш зарур бўлганди. Айтишадик, ҳаётда муваффақиятга эришиш учун ўнта китоб ўқиб чиқса ҳам бўлади, аммо ўша ўнта китобни қидириб топиш учун минглаб китобларни ўқиш керак. Жозеф Кеннедининг ҳаёт йўли ва оддий инсондан бадавлат миллионерга айланиши ушбу ҳикматли сўзларнинг мисолидир.

---

<sup>2</sup> Уолл стрит (Wall Street) – АҚШ биржа бозори маркази.

Ёш, шижоатли миллионернинг обрўси тез кўтарилади. Бунинг натижасида, у Бостон шаҳри мэр<sup>3</sup>ининг қизи Роуз Фицжеральдга уйланади. Агар билим унга бойлик ато этган бўлса, турмуш Жозефга АҚШ катта сиёсат оламига эшик очади. Энди унинг ҳам тижорат, ҳам сиёсатда ўз танишлари бор эди. Бу орзулар йўлида ишончли қадам бўлади.

1929 йилда бутун дунёда иқтисодий инқироз бошланади. Ушбу инқироз АҚШда “Буюк депрессия” номини олиб, у ўттизинчи йилларни ўз ичига олади. Таназзул вақти миллионлаб инсонларнинг ёстиғи қуриydi, аммо уддабурон кишиларнинг бойлиги янада ортади. Жозеф ҳам ана шундай ишбилармон шахслардан эди. Ушбу даврда у 15 миллионга яқин пул ишлаб олади ва жаҳоннинг энг бой давраларида ўз ўрнини топади. Хусусан, Рокфеллерлар, Морганлар ва Дюпонлар<sup>4</sup> оилаларининг эътибори ва ҳурматига сазовор бўлади. Айтишларича, кейинчалик унинг давлати тахминан 400 миллион доллар атрофида бўлган экан. Шу даражага кўтарилгач, Жозефнинг қалбида юрагининг энг тубига яшириб қўйган “Мен ҳам президент бўламан” орзуси бонг ура бошлайди. Орзу энди мақсадга айланиб, борган сари ҳақиқатга яқинлашади. Давлат орттирганидан сўнг бор эътибори сиёсат оламидаги энг нуфузли лавозим – президентликка қаратилади. 1932 йилги сайловларда у Франклин Делано Рузвельтни қўллаб-қувватлайди ва ўз ёнидан 75 минг доллар пул маблағини унинг ғалабаси учун сарф этади.

---

<sup>3</sup> АҚШда шаҳар ҳокимларини шундай аташади.

<sup>4</sup> Дунёнинг энг бадавлат оилалари.

Рузвельт АҚШнинг 32-президентига айланади, Жозеф эса юксак ишонч билан тақдирланади. Натижада, Рузвельт унга давлатга қонуний равишда спиртли ичимликларни импорт қилишга рухсат беради<sup>5</sup> ва бу билан Жозефни тижорати янада яш-нашига замин яратади. Энди у ушбу соҳада моно-полия ўрнатиб алкоголь қиролига айланганди. Айнан, шу ерда Америкада сиёсат ва бизнес бир-бирига қанчалик боғлиқ эканлигини пайқашимиз мумкин бўлади. Бизнесменлар сиёсатчиларга пул билан кўмаклашадилар, улар эса ғалаба қозонгач ўша бизнесменларга барча “йўллар”ни очиб берадилар. Натижада, уларнинг бойликлари бунданда кўпайиб кетади. Сиёсатчи ўз карьерасига, тадбир-кор эса пулга эга чиқади. Жозеф ва Рузвельт муносабатлари ҳам шунақа эди. Аммо Жозеф фақат пул билан чекланмайди. Унинг амбициялари кундан кунга ортиб боради. Рузвельт учун бу ўз-ўзидан хавф туғдира бошлайди. Натижада, Жозефдан қутулиш мақсадида ФДР<sup>6</sup> уни Буюк Британияга элчи қилиб юборади.

Лондонда элчи вазифасини бажарар экан унинг муносабатлари Британия Бош вазири Невилл Чемберлен билан аъло эди. Бунда Жозеф томонидан Чемберлен олиб бораётган “Гитлерни тинчлантириш” сиёсатини<sup>7</sup> қувватланилиши асосий ўринни эгаллайди. Жозеф 1939 йилги президентлик сайловларида демократлар парти-

---

<sup>5</sup> АҚШда 1920-1933 йиллари спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, сотиш ва мамлакатга олиб кириш қонун билан тақиқланганди.

<sup>6</sup> Франклин Делано Рузвельтни шундай ҳам аташади.

<sup>7</sup> 1933-1939 йилларда Буюк Британиянинг Гитлер Германиясига нисбатан олиб борган сиёсати. Унга кўра, муроса ва музокаралар ёрдамида Иккинчи жаҳон урушининг олдини олиш мумкин эди.

ясидан ўз овозини қўймоқчи эди. Унинг обрўси партияда юқори эди ва ҳеч қандай рақиби йўқ эди. Аммо ФДРни учинчи бор номзоди қўйилиши барча режаларни чиппакка чиқаради. Шунинг учун ҳам Кеннеди унга тескари бўлган сиёсатни танлайди ва бунинг учун ҳатто фашистларга ҳам ўз хайрихоқлигини билдиради. Аслида, Жозефни фашистларга ҳеч қандай ижобий муносабати йўқ эди, бу унга фақат Рузвельтни енгилда таянч вазифасини бажариши керак эди. “Мен ҳам президент бўламан” орзуси уни мана шундай тубанликларга ҳам олиб келади.

Президент Рузвельтни ташқи сиёсати фашистларга қарши эди, шунинг учун ҳам Жозеф ўзбошимчалик билан ҳаракатланганлиги ҳамда давлат сиёсатига қарши иш тутганлиги учун ўз лавозимидан четлаштирилади ва партияда вазнини батамом йўқотади. У учун сиёсат ўша кунни яқун топади. “Мен ҳам президент бўламан” орзуси армонга айланади. Аммо Жозеф шу билан тўхтаб қолмайди. У бор эътиборини ўз болаларига қаратади ва улар президент бўлишлари учун керакли шарт-шароитларни ташкил қила бошлайди.

Жозеф ва Роузни тўққиз нафар фарзандлари бор эди, бўлар Жозеф-кичик (Жо), Жон (Жек), Розмари, Кэтлин, Юнис, Патриция, Роберт (Бобби), Жин ва Эдвард (Тедди)<sup>8</sup>. Оилада тўрт нафар ўғил фарзанд бор эди ва уларнинг ичида тўнғичи Жо отасининг энг севган ва ишонган ўғли эди. Президентликка ҳам, айнан, уни тайёрлашарди. Жо болалар ичи-

---

<sup>8</sup> Китоб давомида ака-ука Кеннедиларни Жо, Жек, Бобби ва Тедди деб ҳам номлаймиз.

да сардор эди, у ҳам жисмонан кучли, ҳам зукко ва билимли эди. Бизнинг бош қаҳрамонимиз Жек ёшлигида нимжон бўлишига қарамай шижоати ва интилишлари бўйича ҳеч кимдан кам эмасди. Жо билан Жек ўртасида рақобат мавжуд эди ва бунда Жо ҳамиша зафар қучарди. Бинобарин, айрим ҳолларда Жек ҳам матонат кўрсатиб акасини енгарди. Жекнинг китобга бўлган меҳри болаликдан шаклланади, айрим манбаларга кўра, у дақиқасига 1200 атрофида сўз ўқиган экан. Кеннедилар ҳам ўқишда, ҳам спортда ҳаммадан ҳам яхшироқ бўлишга ҳаракат қилишарди. Аммо китобга бўлган муносабат устувор эди. Агар улар ўқишни севмаганда, балки ушбу китоб ҳам ёзилмаган бўлар эди, чунки Катта оила ўзининг барча ютуқларига, айнан, китоб орқали эришганди. Тарихий манбаларга қараганда, Жон Кеннеди кейинчалик ҳам ўз фаолияти давомида ўқишни зинҳор ташлаб қўймаган. Унинг нонушталари икки-уч соат давом этиб, у шу вақт ичида АҚШдаги барча газеталарнинг аксарият маълумотлари билан яқиндан танишиб чиққан. Янгиликлардан доимо хабардор бўлиши унга муваффақиятга элтувчи калитлардан бирини тухфа этган.

Жек акаси изидан Гарвард университетининг ҳуқуқ факультетига ўқишга киради, аммо Жонинг соясида қолиб кетади. Жо Кеннеди ҳам спорт, ҳам ўқишда Гарварднинг энг олди талабаси эди. Ўқиш ва спортда эришган натижалари туфайли у Гарвард талабалар иттифоқининг раси даражасига кўтарилади. Жо отаси каби пулнинг кучига ишонарди. У қандайлиги эмас, балки у ҳақида бошқаларнинг фикри қандайлиги



уни кўп ташвишга соларди. Ўзи ҳақида ижобий имиж яратиб берадиган восита бу пул эканлигини яхши биларди. Ёшлигидан “Мен ҳам президент бўламан” орзуси уни доимо ҳаракатда бўлишга ундарди. Отаси бор эътиборни, айнан, унга қаратганди, шунинг учун кун келиб орзусига албатта эришишига ишонарди. Бунинг учун унда ҳамма имкониятлар мавжуд эди: яхши таълим, билим, пул, отасининг мансаби, танишлар, обрў в.х.

Унинг укаси Жек на спортда, на ўқишда акасига тенг келарди. Бундан ташқари, унда акасидек туғма лидерлик хусусияти йўқ эди. Кўп фанларни “тўрт баҳо”га билар эди. Спортда ҳам ишлари аъло эмасди. Бир сафар футбол ўйнаб белини шикастлаб олади ва ушбу жароҳат умрининг охиригача уни азоблайди.

Дадаси Англияда элчи бўлган вақти ака-ука Кеннедилар талабалик йилларининг бир қисмини ушбу давлатда ўтказадилар. Бу ерда улар дунёнинг яна бир нуфузли университети Лондон иқтисодиёт мактабида (London School of Economics and Political Science / LSE) таҳсил оладилар. Шу вақт ичида Жон бутун Европани кезиб чиқади ва ўз кўзлари билан фашизм амалга ошираётган тубанлик ва разилликларга гувоҳ бўлади. Жонда фашизмга нисбатан нафрат ҳисси пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам у отаси олиб бораётган “Гитлери тинчлантириш” сиёсатини қувватламайди. У фашизмни мураса билан тўхтатиб қолиб бўлмаслигини ва фақат куч билан унга қарши туриш кераклигини биларди. Шунинг учун ҳам отаси ва акаси билан бу масалада гапи тўғри келмас эди.

Жек ёшлигидан акасидан ортда қолмасликка ҳаракат қиларди, унда ҳам “Мен ҳам президент бўламан” орзуси ўша вақтлардан ҳосил бўлганди. Аммо отаси эътиборни Жога қаратганлиги сабабли Жек буни амалга ошмас орзу деб ҳаётдан бошқа мақсад ва маъно излашга ҳаракат қиларди. Бошланган уруш унга шу мақсадни тухфа этади.

Иккинчи жаҳон уруши президентлик орзусида юрган ёш сиёсатчилар учун ажойиб имкон эди. Урушда иштирок этиш ва қахрамон бўлиш Конгресс<sup>9</sup>га сайланишга яхши восита бўлиб хизмат қиларди. Гап шундаки, АҚШда сиёсатчилар, асосан, олдинига Конгресс, кейин Сенатга сайлангач ўз номзодини Оқ уй<sup>10</sup>га қўйишади. Жо Кеннеди ҳам фурсатни бой бермасдан урушга отланади. Соғлиги аъло бўлганлиги сабабли у учувчи бўлиб хизмат қилади ва Британия оролларида Германияга қарши ҳаво курашларида жанг қилади. Аммо, афсуски, биронта ҳам жангда унга медаль олиб келадиган жасорат кўрсатолмайди.

Ҳаётдан мазмун излаб ва кексаликда афсус қилмаслик учун Жон ҳам урушга отланади. Лекин у Европа эмас, балки Тинч океанига сафарбар этилади. Жон Америка қуроли кучлари рамизи бўлмиш денгиз пиёда қўшинларида хизмат қилади. Япон милитаризмига қарши курашда у ўзини ҳали очилмаган қирраларини намоён этади ва лидер сифатида аскарларнинг жанговар руҳиятини оширади. Бундан ташқари, 1943 йил-

---

<sup>9</sup> Конгресс – АҚШ Парламенти.

<sup>10</sup> Оқ уй – президент қароргоҳи, кўпинча президент ҳокимияти, президент девони маъносида келади. Бу ерда президентликка деган мазмунда ишлатилган.

да “Амагири” номли япон кемаси билан бўлган тўқнашувда Жон чинакам жасорат кўрсатади. Жангда у раҳбарлик қилаётган РТ-109 ҳарбий катерига талафот етади. Жон ўз лидерлик маҳорати туфайли гуруҳининг жонини сақлаб қолади. Бунинг учун у АҚШ ҳарбий денгиз флотининг медали билан тақдирланади. Бинобарин, ушбу жангда олган жароҳати унинг бел оғриғини янада кучайтиради, шунинг учун ҳам Жон уйга қайтади. Аммо энди у эркатой бой фарзанди эмас, балки ҳақиқий эркак ва қаҳрамон эди. Ҳарбийдаги хизмат унинг дунёқарашини бутунлай ўзгартиради ва Жон улғайиб тинчлик қадрини биладиган ватанпарвар шахс бўлиб ортга қайтади.

Унинг акаси Жо урушда тўрт йил хизмат қилиб ҳарбий ҳаво кучлар лейтенанти унвонига кўтарилади, аммо қаҳрамонлик кўрсатолмайди, натижада, уйга қуруқ қўл билан қайтмаслик учун энг хатарли вазифаларни ўз зиммасига олади. У 1944 йили Германия ҳудудида жойлашган “Фау-2” русумидаги душманнинг баллистик ракеталирини йўқ қилиш вазифасига рози бўлади, чунки вазифа аъло даражада бажарилса, Жо уйга энг шарафли медаль билан рағбатлантирилиб, Миллий қаҳрамон сифатида қайтарди. Бу эса, ўз навбатида, Конгресс ва Оқ уйга ишончли қадам бўларди. Аммо Жо қайтмайди.... Самолёт юқорига кўтарилиши билан портлаб кетади. Жонинг кўз ўнгида бутун ҳаёти бир лаҳзада ўтиб кетади. Бир вақтлар укаси айтган “Энди бошқа урушга борма” деган сўзларини эслаб, “Мен ҳам президент бўлмоқчи эдим” деган фикрлар хаёлидан ўтганлиги ажаб эмас. Жо Кеннеди вафотидан кейин бир эмас, тўрт медаль би-

лан тақдирланади, аммо бўлар энди унга керакмас эди.

Жонинг ўлими Жозеф ва бутун Кеннедилар оиласига мусибат кунларини олиб келади. Жозеф ўзи президент бўлолмаганлигига қарамай, энди энг ишонган ва шу лавозимга тайёрлаётган ўғлидан ҳам ажралиб қолади. Шундан сўнг, унинг нигоҳи ва барча эътибори иккинчи ўғли Жонга йўналади. Жон Кеннеди Катта оиланинг ёлғиз умидига айланади.

\* \* \*

Кеннедилар оиласининг яна бир ёрқин вакили Роберт ҳам ўз билими ва тарбиясида акаларидан кам эмасди. У ҳам барча Кеннедилар каби Гарвардга ўқишга кириб, юрист бўлиб етишиб чиқади. Роберт Америка ва жаҳон тарихида муҳим роль уйнаган шахслардан биридир. Шунинг учун ҳам унинг ҳаёти ва сиёсий фаолиятига кейинроқ алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Катта оиланинг энг кенжа ўғил фарзанди Эдвард ҳам АҚШ сиёсий ҳаётида улкан марраларни забт этади. У 1962 йили Массачусетс штатидан сенатор этиб сайланади ва 2009 йилгача, қарийб 47 йил мобайнида, ушбу лавозимда қолади ва Сенатнинг “арслони”га айланади. Тедди 1980 йили президентлик сайловларида асосий номзодлар қаторига кирар эди. У ҳам “Мен ҳам президент бўламан” деган орзу билан яшарди.

Барча Кеннедиларнинг орзуси ягона эди. Улар болалигидан президент бўлишга интиларди. Бир вақтлар Жон Кеннеди шундай гапларни айтганди: “Агар мен президент бўлмасам, укам Боб-

би бўлади, у ҳам бўлолмаса, Тедди бўлади”. Ушбу сўзларда Кеннедилар бир оила бўлиб ягона орзу учун курашиши ва ушбу орзу уларнинг ҳаёт мазмунига айланганлигини англаймиз.

Уларни бунга йўналтириб турган раҳнамоси оила бошлиғи Жозеф эди, айнан, Жозеф барча ўғилларига ушбу орзуни сингдиради ва шу йўналишда тарбиялайди. Тарбия масалалари Жозеф учун алоҳида соҳа эди. У фарзандларига қаттиққўл эмасди, лекин ўзига яқин олиб талтайтириб ҳам юбормасди. Ҳеч қачон бирон бир нарсани мажбурламасди, фақат тўғри тушунтирар ва шу ишни қилишга уларни иқроқ қиларди, натижада, болалар ўз хоҳишлари билан ушбу юмушларга киришардилар.

Ҳар қандай иш ҳам меҳнатга бўлган муҳаббат орқали ривожланади, Жозеф ўз фарзандларида ўша меҳнатга бўлган қизиқишни орттирарди. Фарзандлари президент бўлгилари келяптими, демак, отаси талаб қилган ишларни бажаришлари лозим. Сидқидилдан қилинган меҳнат, албатта, ўз натижасини бермай қолмайди. Кеннедиларнинг ғалабаси ҳам, айнан, шунда, яъни ҳар бир иш меҳр билан амалга ошириларди.

Жозеф Кеннеди учун болалар тарбиясига бағишланган вақт ҳар қандай ишдан афзалроқ эди. Унинг “Менинг ишим – бу менинг ўғилларим” сўзлари буни тасдиқлайди. У берган тарбия орқали оилада билим олишга бўлган истак кучайиб боради, натижада, уларнинг барчалари Гарвард университетига ўқишга кириб, билим борасида айтарли ютуқларга эришадилар. Бой бўлишларига қарамай, Жозеф ҳамиша

уларни ёшлигидан меҳнат қилиб пул топишга кизиқтирган. Хусусан, Жон Кеннеди ўн ёшидан бензоколонкада ишлаб ўзининг ўқиши учун пул топган.

Жозеф ҳеч қачон фарзандларини урмаган, унинг биргина норози кайфиятдаги юзи болалар учун энг оғир жазо эди. Агар инсонни ҳурмати оилада баланд бўлса, у болаларга қўл ишлатиб тарбиялаши шарт эмас, биргина юз ифодаси ҳам етарлидир. Жозеф, айнан, шундай оталардан эди. Унинг норозилиги кичик Кеннедилар учун трагедия эди. Шунинг учун ҳам улар отасини хафа қилмасликка, бунинг учун эса уни уялтирмасликка ва панд бермасликка ҳаракат қилардилар.

Бундан ташқари, Катта оилада бир қонун бор эди, унга кўра “Кеннедилар ҳамиша ва ҳар соҳада биринчи” бўлишлари шарт эди. Агар маълум бир спорт мусобақасида, фан олимпиадаси ёки яна бир қандайдир турнирда иккинчи ўринни эгалласалар, улар учун ушбу кун мотамга айланарди. Тарбия шуни тақозо этарди. “Муҳими иштирок” деган ўзини-ўзи овутовчи сўзлар Кеннедилар оиласида нафақат ишламас, балки тақиқланганди. Отасининг кўз ўнгида қаҳрамон бўлишлари учун улар ҳамиша фақат ва фақат биринчиликка интилардилар.

“Ҳамиша биринчи бўлиш” шиори Кеннедилар оиласида катта ўрин касб этди ва уларнинг ғалабаларига керакли замин яратди. Катта оиланинг ютуғи унинг бойлигига боғлиқ эмасди. Америкада уларга қараганда анча бойроқ кишилар етарлича эди. Аммо Кеннедилар улардан ўзиб кетишга муваффақ бўлишади, чунончи, Жон Кенне-

ди демократлар партиясининг праймериз сайловлари<sup>11</sup>да ғалаба қозонган бўлса, республикачилар партиясида дунёнинг энг бадавлат кишиларидан бири миллиардер Нельсон Рокфеллер мағлубиятга учрайди. Бу Кеннедиларнинг ғалабаси пулга эмас, балки тарбия, билим ва отасининг эътиборига боғлиқ бўлганлигидан далолат беради. “Агар ушбу оиланинг омад сири нимада эканлигини айтган кишига миллион доллар бераман” деган Жозеф, “Бу Сиз” жавобини олади. Ҳа, Жозеф Кеннеди чиндан ҳам Катта оиланинг сири ва асоси эди. Айнан, у ва унинг орзуси нафақат бир оила, балки бутун Америка ва халқаро муносабатларга ўз таъсирини ўтказиб, жаҳон тарихида аҳамиятли из қолдирди. У тарбиялаган фарзандлар инсоният ва тинчлик йўлида хизмат қилдилар.

Кеннедилар яқин кунларгача Америка сиёсатида ўз ўринларига эга бўлиб келишди. Хусусан, Жон Кеннедининг қизи Кэролайн Барак Обама президентлик даврида АҚШнинг Япониядаги элчиси ва демократлар партиядан президентликка номзодлардан бири эди. Аммо Дональд Трамп ва республикачилар партияси ғалабасидан сўнг Кэролайн Кеннеди лавозимидан озод этилди. Ҳозирги кунда Катта оила вакиллари катта сиёсатдан узоқлашишган. Уларнинг кўпчилиги адабиёт, санъат ва ҳуқуқшунослик соҳаларида ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Катта оила мавжуд экан “Мен ҳам президент бўламан” орзуси улар-

---

<sup>11</sup> АҚШ президентлик сайлов тизимида кўра, аввалига партиялар ички сайловлари бўлиб ўтади. Сайловларда ғолиб чиққан номзод партия номидан президентликка овози кўйилади. Ушбу партия ичидаги сайловлар праймериз деб аталади.

ни тарк этмайди. Ушбу оиладан такрор ва такрор дунё ва АҚШ тарихини ўзгартираман деган шахслар етилиб чиқаверади.

Китобимизни кейинги бобларида бош қаҳрамонимиз Жон Кеннеди ва унинг укаси Роберт хақида сўз юритамиз. Зеро, улар Катта оилада энг юқори чўққиларга эришган ва ушбу оилани бутун оламга машхур қилган шахслардир.





*Катта оила*



*Уруш қаҳрамони Жек Кеннеди*



Жозеф Кеннеди ўғиллари Жо ва Жек билан



*Жон Кеннеди, рафиқаси Жаклин ва фарзандлари  
Кэролайн ҳамда Жон.*



*АҚШ 44-Президенти Барак Обама ҳамда унинг  
Япониядаги элчиси Кэролайн Кеннеди  
(Жон Кеннедининг қизлари)*

## УЛКАН ОРЗУ РЎЎБИ

Урушдан сўнг Жон Кеннеди журналистика билан шуғуллана бошлайди. Катта ишонч билан яқинда ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сан-Франциско шаҳридаги конференциясида журналист сифатида иштирок этади. Аммо 1945 йилга келиб дунё икки қутбга бўлинганди. Бир томонда Совет Иттифоқи бошчилик қилаётган социалистик лагеръ бўлса, иккинчи томон АҚШ ҳамда Шимолий Атлантика ҳарбий иттифоқи (НАТО) давлатлари эди. Кўпчилик мутакхассислар яқин келажакда бу икки блок ўртасида янги уруш бошланишини тахмин қиларди. Натижада, Кеннедининг БМТга нисбатан қизиқиши сўнади ва у яна ўзи севган адабиёт соҳасига қайтади. Ўша вақтларда унинг “Нега Англия ухлады?” номли китоби чоп этилади. Китобда Англия олиб борган “Гитлерни тинчлантириш” сиёсати, инглизлар рақибни кучайтириб урушга йўл очиб берганлари ҳамда отасининг ўкинчи акс этганди. Ушбу китобнинг адади 80 минг нусхани ташкил этади ва муаллиф юксак эътироф билан адабиётда ном чиқаради. Кеннеди ажойиб адиб эди, у ҳатто ушбу соҳада Америка Қўшма Штатларида энг нуфузли бўлган Пулитцер мукофоти билан ҳам тақдирланган. Айнан, ушбу мисолда Жон, ҳақиқатдан ҳам, юксак истеъдод соҳиби эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Ўз рафиқасига “Агар сиёсатни танламаганимда, албатта, ёзувчи бўлар эдим” деган гаплари, ижод унинг ҳаёт мазмуни бўлганлигидан далолат берарди.

Жон журналистика ва адабиёт билан шуғулланар экан, отаси унга бошқа йўлни режа қилиб қўйганди.

Энди Жон отасининг орзусини амалга ошириши керак эди. Қаҳрамонимиз ўзи айтганидек, “Энди акамни ковушини кейишга мажбур бўлгандим, агар Жо ҳаёт бўлганида, мен ҳеч қачон бу ишлар билан шуғулланмаган бўлар эдим”. Ҳақиқатдан ҳам, аввалига Жонга жуда ҳам оғир бўлади, чунки у ич-ичидан президент бўлишни хоҳлаган бўлсада, ҳеч қачон ўзини бунга лойиқ деб билмаганди. Нега деганда, ёнида шу лавозимга муносиб деб фикр юритишган девқомат зукко акаси бор эди. Маънан ушбу йўлга тайёр эмаслиги уни ҳатто барчасини ташлаб кетиб оддий инсон бўлишга ундайди. Отасининг “Нимани унда хоҳлайсан?” деган саволига “Гарвардда таҳсил олишни, тарих китобларини ўқишни” дея жавоб қайтаради. Айнан, шу ерда Жон Кеннеди ҳам ҳамма каби оддий инсон эканлигини пайқашимиз мумкин бўлади. Чунки ҳар бир инсон янги соҳада қийинчиликка дуч келса, албатта, ўзининг аввалги ҳолатига қайтишни истайди. Бу “комфорт зонаси” деб аталади. Ким ушбу “зона”дан чиқиб янги мақсад бўйича йўлини давом эттира олса, ўша ғалабага эришади. Барча муваффақиятга эришган шахсларнинг сири, айнан, ўша аросат вақтида енгилмаганлигидадир. Бунда мақсадга бўлган ишончнинг ҳиссаси катта. Жон Кеннеди ушбу ишончга яқинлари, оила аъзолари ва отасининг далда бўлган сўзлари орқали эришади. Кеннедилар оиласида жамоа бўлиб бир бирини қувватлаш асосий қоидалардан бири эди, шунинг учун ҳам улар камдан кам мағлуб булардилар. Уларнинг омадининг асоси бирдамлигида эди. Бошқа кўрсаткичлар бўйича улар ҳам ҳамма каби оддий инсонлар эди.

Жон Кеннеди 1947 йилда Конгресс сайловларида ғалаба қозонади ва ёш депутат сифатида парламентдан ўз ўрнини эгаллайди. Сайлов давомида Жон тўлиқлигича ўзгаради ва ўзининг сиёсий образини яратишга муваффақ бўлади. У бошқаларга қараганда ўзининг баланд-парвоз сўзлари ҳамда нотиклиги билан ажралиб турарди. Бунда у “нима гапириш муҳим эмас, қандай гапириш муҳим” деган ҳикматли сўзларга риоя қиларди. Чиндан ҳам, Кеннеди ўзининг нотиклик маҳорати билан омманни лол этиб қўярди, бунинг сабаби унинг самимийлиги ва сўзларни ёд олиб эмас, балки қалбининг тубидан акс садо беришида эди. Ҳеч ким иқтидор билан туғилмайди, истеъдод йиллар ва машқлар давомида шаклланади ва ортади. Жон ҳам, айнан, ўша омма олдида чиқишлардан уялиб сиёсатни ташлаб кетишга уринганди. Аммо яқинларининг ишончи туфайли ўз устида кўп ишлаб, оммавий чиқишлар “қироли” даражасига кўтарилади. Демак, ушбу тарихий шахснинг муваффақият калити унинг оиласи, ишга бўлган ишончи ҳамда ўз устида бўлган меҳнатда эканлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин бўлади.

Конгрессга бўлган сайловларда унинг отасининг ўрни ва “айрим ҳолатлар”да масалани “танишлар” ва пул ёрдамида ҳал этганлиги ҳам рост. Унга “Бу сиёсат ўйинида баъзида шунақа қоидалар бор” дея таъкидлашарди. Сиёсат олами шундай, ушбу соҳада фақат истеъдод ва билим баъзида камлик қилади. Соҳага кираётган шахслар сиёсатда кўп нарса ишбилармонликка боғлиқ эканлигини тушуниб олишлари лозим, зеро, отасининг уддабуронлиги бўлмаганида, Жон ҳам катта эҳтимол

билан етарли овоз тўплай олмасди. Креативлик ва инновацион ёндашув барча соҳа каби сиёсатда ҳам энг муҳим омилдир.

1952 йилда Жон Кеннеди Массачусетс штатидан АҚШ парламентининг юқори палатаси Сенатга ўз номзодини қўяди. Сайловда у тажрибали сиёсатчи Кэбот Лоджга тўқнаш келади. Аммо ғам чекишга ҳожат йўқ эди, чунки унинг сайлов олди ташвиқот ишларини XX асрнинг энг кучли ва маҳоратли сиёсий маслаҳатчиси<sup>12</sup> укаси Роберт Кеннеди бошқарарди. Робертнинг сиёсатга хос бўлган креатив фикрлаши Кеннедиларга ғалабани тақдим этади. Роберт сайловларда Катта оила аъзоларини тарғиботчи сифатида ишлатишни жорий этади. Яъни жойлардаги учрашувларда етти ёт бегона бўлган инсонлар эмас, балки Жоннинг ака-укалари, сингиллари ва яқин қариндошлари иштирок этадилар. Бунда оиланинг хоними Роуз Фицджеральд Кеннедининг ўрни алоҳида эди. У бир она сифатида ўғлининг болалиги ва ўзи кечирган воқеалар тўғрисида сўзларди. Гапларида самимийлик акс этганлиги учун Массачусетс штати аҳолиси унинг ўғлига ишонч тақдим этади. Аёлни аёл тушунади. Роуз хоним ҳам ўз чиқишлари орқали штатнинг аксарият аёлларининг овозини ўғлига йиғиб беради. Аслида, бу аёллар Жонга эмас, унинг онасига овоз беришганди.

Роберт қўллаган сиёсий усул ўзини оқлайди. У биринчилардан бўлиб тарғибот масалаларига чуқур урғу беради ва кўплаб инновацион ғояларни амалда қўллайди. У ишлатган усуллардан ҳозирги

---

<sup>12</sup> Ушбу атаманинг оммалашган муқобили – политтехнолог.



кунда ҳам дунёда кенг фойдаланишади. Қайсидир маънода, Роберт сайловларга жон ато этган ва унинг “оталари”дан бирига айланган шахсдир. Роберт кенг тарғибот ишлари ва рекламага ўртача 70 минг доллар сарф этади, натижада, Кэбот Лодждек кучли сиёсатчи нокаут этилади ва Жон Кеннеди АҚШнинг энг ёш сенаторларидан бирига айланади. Шу ерда, ўша йили Калифорния штатидан яна бир ёш сенатор Ричард Никсон сайланганлигини эътироф этишимиз зарур бўлади. Чунки ушбу тарихий шахс Жон ҳамда унинг укаси Роберт билан ҳали кўп тўқнаш келади ва АҚШ тарихида ёрқин из қолдирган шахслардан бирига айланади. Ўша вақтдан бошлаб Жон Кеннеди ва Ричард Никсон ўртасида рақобат бошланади, аммо Ричард Никсон нафақат сенатор, қўшимчасига ўша вақтлардаги АҚШ Президенти Дуайт Эйзенхауэрнинг администрациясига вице-президент лавозимига ҳам тайинланади ва бу билан Кеннедидан анча олдинга ўтиб кетади. Аммо кураш энди бошланган ва ҳали ҳаммаси олдинда эди....

Кеннеди Сенатга сайланган вақтлари маккартизм<sup>13</sup> ҳаракати авж олади. Жон бу масалада четда томошабин бўлиб туришни жоиз деб билади. Унинг фикрига кўра, бунда у яхшилиқни ҳам, зийённи ҳам кўрмасди. Бундан ташқари, Сенатор Маккарти унинг отаси Жозефнинг яқин дўсти эди ва Роберт ҳам бир вақтлар унинг кўл остида ишлаганди. Шунинг учун ҳам Жон маккартизмга қарши

---

<sup>13</sup> Маккартизм – ушбу ҳаракат уни бошқарган сенатор Жозеф Маккарти номидан олиниб, 40-йиллар охиридан 1954 йилгача коммунистлар ва антиамерикачиларга қарши давом этган ижтимоий ҳаракатдир.

курашолмасди, аммо қувватламасди ҳам, чунки ушбу ҳаракатнинг инқирози яқин эканлигини сезарди. Сиёсатда баъзида четда жим кузатиб туриш энг тўғри йўлдир. Кеннеди ҳам қандайдир бир ҳаракатни деб ўз олий мақсади йўлида эгаллаб турган позициясини йўқотиб қўйишни истамасди ва бу у қабул қилган энг тўғри қарорлардан бири бўлади. Сабр ҳамда сукунат унинг мақсад йўлидаги усулларидан бирига айланади.

Гарчанд, сенатор лавозимида ишлаб сиёсат оламида фаолиятини олиб борар экан, Жон ўзининг хоббисига айланиб улгурган адабиётни ташлаб қўймайди. Вақт топдим дегунча ижодга берилиб янги ва янги асарлар ёзишга ҳаракат қилар эди. 1956 йили Жон Кеннеди ўзининг энг машҳур ижод маҳсули “Жасорат фазилатлари” номли китобини чоп этади. Айнан, ушбу китоби учун у Пулитцер мукофотини қўлга киритади. Асарда у сенаторлик иши қанчалик мураккаб эканлиги, Вашингтондаги ишларни йиғиштириб ўз штатидаги муаммоларга кўпроқ вақт сарфлаш кераклиги, асосий эътиборни уларни сайлаган халққа қаратиш тўғрисидаги ўз қарашларини билдириб ўтганди.

Энди қаҳрамонимизнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларга ҳам озгина тўхталиб ўтсак. 1952 йили 35-ёшли сенатор Жон Кеннеди ўша вақтлари эндигина 23-баҳорини қарши олган латофатли ва сулув Жаклин (Жеки) Бувье<sup>14</sup> билан танишади. Жаклин ҳам келиб чиқиши католик черковига мансуб бўлган француз зодагон оиласидан эди. Бир нечта газеталарда муҳаррир бўлиб ишлаганлиги сабабли сиёсат оламига ишончли қадам қўйган ёш сена-

---

<sup>14</sup> Жаклинни китоб давомида Жеки деб ҳам номлаймиз.

тор ҳақида яхши биларди. Илк учрашувдаёқ Жон ўзининг фантазия ва орзулари билан Жаклинда ижобий таассурот қолдиради. Бундан ташқари, у бадавлат ва зиёли шахс эди. Жаклин ҳам бир кўришдаёқ ўзининг рўпарасида бўлажак президент турганини фаҳмлайди ва бутун умр орзу қилган Америка Қўшма Штатларининг Биринчи хоними бўлиш орзусини, айнан, ўша инсон амалга оширишини англаб етади. Шундан сўнг улар учраша бошлайдилар ва 1953 йил 12 сентябрь кuni турмуш қуришади. Жон ва Жаклиндан бахтлироқ инсонлар йўқ эди. Аммо уларнинг бахти узоққа чўзилмайди. Жон отаси каби аёлларни ўзига ром этишга уста эди ва унинг ишқий саргузаштлари тўйдан кейин ҳам ўз ниҳоясига етмайди. Хиёнат кетидан хиёнат Жаклинни ажримга боришга ундайди, аммо қайнотаси Жозеф уларнинг муносабатларига араллашиб вазиятни тўғирлайди. Жозеф учун бу турмуш ўта муҳим эди, чунки ажрим ўғлининг номига доғ тушириб, олий мақсад йўлида барча қилинган ишларни барбод қилар эди. Жаклиннинг Худонинг олдидаги қўрқуви ва тарбияси оиласини сақлаб қолишга мажбур этади ва у ҳаммасига кўз юмади, алоқаларни тиклаб, Оқ уйга бўлган йўлининг ҳар бир қадамида эрининг яқин сирдоши, ёрдамчиси ва ўртоғига айланади.

1957 йили уларнинг илк фарзанди Кэролайн, 1960 йили Жон Фицжеральд Кеннеди-кичик дунёга келадилар. Жон ва Жаклиннинг учинчи ва охирги фарзанди Патрик 1963 йили туғилиши билан нобуд бўлади. Бу йўқотиш уларнинг муносабатларини янада мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, кундан кун оғирлашиб бора-

ётган Жоннинг соғлиги Жаклинни унинг ёнида қолиб ғамхўрлик қилишга ундайди. Аввал айтганимиздек, Жон болалигида футбол ўйнаб белини шикастлаб олади. Кейинчалик бу жароҳат Иккинчи жаҳон уруши фронтларида янгиланади ва Жон ҳаракатланишда сезиларли муаммоларга дуч келади. Бир неча бор самарасиз операцияларни бошидан кечирган Жон оғриқ билан яшашга рози бўлади. У кунига ҳар турдаги ўнлаб оғриқ қолдиручиларни қабул қиларди. Укаси Роберт унинг соғлиги ҳақида: “Ҳаётининг ярмини кучли жисмоний оғриқлар билан ўтказарди, аммо ҳеч қачон тақдирдан норози бўлмасди”, – деган фикрларни билдирган. Аммо бир кун қаттиқ оғриқдан Жон “Мен бошқа бундай яшолмайман...” дея сиёсатдан кетишни ҳам режалаштиради. Чунки сиёсат уни туну кун меҳнат қилишга, тик оёқда туришга, югур-югур ишларга банд бўлишга ҳамда ҳамиша инсонлар кўз ўнгида кучли ва навқирон бўлиб гавдаланишга мажбур этарди. Касал, ўзини ўзи эплолмайдиган номзодга ким ҳам овоз берарди? Шуларни эътиборга олиб Кеннеди касал бўлишга ҳаққи йўқ эди. Айнан, шу вақт унинг ҳаётига Жаннет Травель исмли табиб кириб келади ва Жоннинг нажоткорига айланади. Травель унга махсус корсет тайёрлаб беради ҳамда оғриқни қолдирувчи новокаин уколлари билан жонига оро бўлади. Саломатлик тикланмайди, аммо оғриқ йўқолади. Бу Кеннедига етарли эди. “Мен ҳам президент бўламан” орзуси ҳамма оғриқ, кулфат ва мусибатларга қарамасдан олдинга интилишни талаб этарди. Кеннеди орзуни танлайди ва у томон шахдам-шахдам қадамлар билан яқинлаша бош-

лайди. 1958 йили у яна бир бор Сенатга сайланади ва Янги Англия<sup>15</sup>нинг энг машхур сенаторига айланади. Шунинг учун ҳам ўша вақтлари уни “Янги Англиялик сенатор” деб аташарди.

1960 йилги президентлик сайловлари яқинлашиб келаётганди ва Кеннеди бор эътиборини ушбу олдиндаги сайловларга қаратади. Бинобарин, унда сезиларли камчиликлар бор эди. Биринчидан, у эндигина 43 ёшга тўлганди. АҚШда ва умуман бутун дунёда бу ёшдаги раҳбарлар давлат тепасига чиқиш вақтида ўткир танқидга учрайдилар. Президентлик у ерда турсин, Кеннеди сенатор бўлганида ҳам ёши туфайли танқид ва қизиқ ҳолатларга тушиб юрарди. Мисол учун, хизмат сафари бўйича поездга чиқаётган вақти вокзал ходимлари унга “бу жой сенаторларга мўлжалланганлиги” тўғрисида огоҳлантириб, уни тўхтатишга ҳаракат қилган эканлар. Чунки АҚШда Кеннедининг ёшидаги сенаторларни учратиш камдан кам учрарди.

Иккинчидан, Кеннеди насронийликнинг католик черковига мансуб эди. Гап шундаки, Америкага Европадаги католиклардан қочиб келган эмигрант-протестантлар асос солишган ва бу ерда улар ҳукмрон ҳисобланишади. Қўшма Штатлар ташкил топиши билан протестантлар WASP (White anglo-saxon protestants) номли элитани шакллантиради ва бу элита АҚШ ҳаётининг барча соҳаларида (Оқ уй, Конгресс, Сенат, Wall Street, Пентагон, в.х.) ўз ҳокимиятини ўрнатади. 1960 йилга қадар

---

<sup>15</sup> Янги Англия – АҚШнинг Шимолий-шарқий ҳудуди. Ўз ичига Коннектикут, Мэн, Массачусетс, Нью-Гэмпшир, Род-Айленд ҳамда Вермонт штатларини олади. Энг йирик шаҳри – Бостон.

АҚШнинг барча президентлари WASPга мансуб протестантлар бўлишган.

Мана шу муаммоларни ҳал этишда энг кучли сиёсий маслаҳатчилар жалб этилади. Жон Кеннедининг президентлик сайлов олди ташвиқот ишлари таркибига О’Доннел, О’Брайн, Соренсен, Роберт Кеннеди ҳамда Катта оиланинг барча аъзолари киришади. АҚШ президентлик сайловларига кўра олдинига партия ичида ягона номзод праймериз сайловлари орқали аниқланиб олинади, сўнгра икки партия ўртасида рақобат бошланади. Кеннедининг ички праймериз сайловларида асосий рақиблари бу Хамфри, Жонсон, Стивенсон ва Саймингтонлар эди. Линдон Жонсоннинг обрўси Жанубда юқори бўлса, Стивенсон охириги икки (1952 ва 1956 йиллари)<sup>16</sup> президентлик сайловларида демократлар партиясидан номзод бўлиб чиққанди, бинобарин, уларнинг ичида энг хавфлиси бу ақлли ва айёр Хамфри эди. Жон Кеннеди ҳам, айнан, уни асосий рақиб сифатида танлайди ва у билан беллашишга интилади, чунки Хамфрини ютса, ўзининг позициясини анча яхшилаб оларди. Жон Кеннеди табиатан кучсизлар билан эмас, балки кучлилар билан курашадиган шахс эди. Кучли билан рақобатлашиб, уни мағлуб этса кўпроқ шон-шуҳратга эришиш мумкинлиги ҳамда рақобат давомида ўзининг ҳам қудрати ортишини биларди. Шунинг учун ҳам доимо кучли рақибни танларди. Кўпчилигимиз ҳаёт йўлимизда енглини танлашга интиламиз. Ортиқча машаққат

---

<sup>16</sup> Ўша йилги сайловларда республикачилар партиясини номзоди генерал Дуайт Эйзенхауэр ғалаба қозонган ва АҚШ тарихига 34-президент сифатида кирган.

чекмасдан, осонликча ўз ниятларимизни амалга ошишини хоҳлаймиз ва шунинг учун ҳам уларга эришолмаймиз. Кеннеди буларнинг аксини қилар эди. Бой ва бадавлат бўлишига қарамай, у доимо ўз олдига юқори марраларни қўярди, шу йўл давомида кўп тер тўкарди ва охир-оқибат кўзлаган ниятига етарди. Қийинчиликка талаб билан чиқиш унинг ҳаёт кредо<sup>17</sup>си эди.

Кеннеди билан рақобатлашар экан Хамфри аҳолисининг 95% протестантлардан иборат Ғарбий Виржиния штатига ишонарди. Кеннеди католик бўлганлиги учун Ғарбий Виржиния унга овоз бермаслигига ишончи комил эди. Кеннеди ҳам Хамфрига, айнан, ушбу штатда зарба беришга қарор қилади. Эътибор беринг, у муаммодан қочмайди, аксинча, ўзини қийинчиликка уради. Ғарбий Виржиния штатини забт этиш мақсадида укаси Роберт бошчилигида махсус кинофильм суратга олинади. Фильм Жон Кеннедининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати ҳақида эди. Аммо у шунчалик бўрттириб олингандики, натижада, томошабинда ғалабани антигитлерчи давлатлар иттифоқи эмас, балки Кеннедининг якка ўзи олиб келган деган хулоса уйғонарди. Жон ўзининг чиқишларида уруш қахрамони эканлигини оммага кўп эслатарди ва шунинг учун ҳам ёнида урушдаги тўқнашувдан сўнг ишлатган эски қўлтиқтаёғини ва тақдирланган медалини олиб юрарди. Аммо фақат тарғибот-ташвиқот ишларига ишониб қолиш хато эди. Бундай чиқишлар аҳолининг маълум бир қисмининг овозини йиғиб бера олади. Сиёсатда айрим нарсалар ими-жими-

---

<sup>17</sup> Кредо – маслак, шахсий дунёқарашнинг асоси, принцип.

да, тинч, ҳеч ким эшитмайдиган қоронғу кабинетларда маълум бир танишлар ёки пул эвазига ҳал бўлади. Шунинг учун ҳам Жон АҚШнинг 32-Президенти Франклин Рузвельтнинг ўғли билан келишиб олади. Рузвельтнинг ўғли ушбу штатда сўзи кучли эди ва у Кеннедига яқиндан ёрдам беради.

Бундан ташқари, сайлов жараёнида Кеннеди телевиденияни тарғибот воситаси сифатида ишлатади. Кўчалардаги реклама баннерлари, телевизор, газеталарда фақат ва фақат Кеннедини тарғиб этувчи материаллар мужассам бўлганди. Бу ишларда Катта оиланинг бойлиги ҳам қўл келади. Агар Хамфри сайлов учун 25 минг доллар сарф этган бўлса, Кеннедилар унга қараганда яна 10 минг доллар кўпроқ ишлатишганди.

Бинобарин, асосий масала ҳал этилмаганди, Кеннеди машҳур бўлиши мумкин, аммо у ҳали ҳануз католик эди. Масалани ҳал этиш мақсадида Жон бу мавзуга ўзи тўхталади. У ҳар маърузасини, айнан, ўша унга муаммо яратадиган дин мавзусидан бошлар эди. Ўз гапларида урушга отланган вақтида ундан ҳеч ким католикмисан ё протестантмисан деб сўрамаганлиги ва мазҳаби протестант бўлмасада, аммо ватанини бошқалардан кам ҳимоя қилмаганлигини сўзларди. Учрашувнинг сўнггида, албатта, фаолияти давомида ўз католик қарашларини четга суриб, халқ манфаатлари ва эҳтиёжлари йўлида хизмат қилишини таъкидлар эди.

Буларинг барчаси ўз натижасини бермай қолмади ва Жон католик бўлишига қарамай, энг кўп протестантлар яшовчи штатлардан бирида ғалаба қозонади ва Хамфрини праймериз сайлов-



ларидан чиқариб юборади. Бу улкан ғалаба Жон Кеннедини демократлар партиясидан асосий номзод бўлишига ажойиб замин яратади. Энди фақат партия съездини кутиш қолганди<sup>18</sup>.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, Кеннедининг Ғарбий Виржиниядаги ғалабасида Америка мафия оталаридан бири Сэм Жанкана-ни қўли бор. Жоннинг отаси Жозеф ўзининг орзуси йўлида ҳар нимага тайёр инсон эди. У таниқли ҳофиз ҳамда Голливуд актёри Фрэнсис Синатра орқали Жанканага мурожаат қилиб, агар ўғли президент бўлса, мафия учун “яшил чироқ” ёнишига оғзаки ваъда беради. Шунинг учун ҳам мафия Кеннедида “ўз одамими” кўргач, сайлов жараёнининг маълум бир қисмига ўз таъсири ўтказди ва яқунда Кеннеди ғалаба қозонади. Бинобарин, Кеннеди билан мафия ўртасидаги алоқа тўлиқлигича исботланмаган, шунинг учун ҳам ушбу омилни асосий сифатида олиб чиқиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди.

Праймериз сайловлари якуни бўйича демократлар партиясини съезди Лос-Анжелес шаҳрининг Билтмор отелида бўлиб ўтади. Унга кўра Жон Кеннеди керакли бўлган 806 овозни кўлга киритади ва демократлар партиясидан 1960 йили бўлиб ўтадиган президент сайловларида асосий номзод этиб тайинланади. Энг қизиғи съездда Кеннеди рақибларига қараганда икки баравар кўпроқ овоз тўплайди. Бу партиядан унга бўлган ишонч сезиларли даражада эканлигидан далолат берарди. АҚШ президентлик сайловларига кўра, номзод ўзининг

---

<sup>18</sup> 2020 йилги сайловларда ғалабага эришган Президент Жо Байден АҚШ тарихидаги иккинчи католик президент ҳисобланади.

бўлажак вице-президенти ва ҳам аниқлаб олиши шарт, чунки АҚШда ҳам бўлажак президентга, ҳам унинг вице-президентига бир вақтни ўзида овоз беришади. Жон Кеннеди бу лавозимга кечагина ўзига рақиб бўлган Линдон Жонсонни танлайди ва бу ҳаракати билан ҳаммани ҳайрон қолдиради. Жонсон АҚШ Жанубидан эди, унинг обрўси нафақат демократик партиядан, балки бутун Жанубда юқори эди. Жонсон билан сайловда қатнашиш Кеннедига жанубий штатларда ғалабани тақдим этарди, шунинг учун ҳам у Жонсонни танлайди ва бу билан ёш эмаслигини, сиёсатни тушуниши ва етарлича тажрибага эга эканлигини намоён этмоқчи бўлади. Олдинига Жонсон ҳам нима дейишни билмай қолади, чунки праймериз вақтида Кеннедини ҳаммадан кўп умасхара қилганди, энди бўлса Кеннеди унга ўзидан кейин иккинчи мартабани таклиф қиляпти. Кеннедини ғайриоддий инсонлигига амин бўлиб, Жонсон рози бўлади ва уни “гўдак”ликда айблаганлигига пушаймон бўлади, чунки Жонсоннинг ўзи рақибига бу мавқеини раво кўрмаган бўлар эди. Кеннеди ҳамма каби фикрламас эди, ҳеч ким ўйламаган, ҳамма нотўғри деб билган йўлни қўрқмасдан танларди ва кун келиб ҳақлигига атрофдагиларни ишонтирарди.

Ўша вақти ҳам Жоннинг бу қарорини ҳамма аҳмоқлик деб билади. Отасининг “Ғам чекма, икки ҳафтадан кейин уларнинг барчалари сен энг тўғри қарор қабул қилганлигини таъкидлашади” деган сўзлари Жонга далда бўлади. Бир оз вақт ўтгач шундай ҳам бўлади, демократлар партиясини республикачиларни мағлуб этиш учун янада жипслашдилар ва бунда Кеннеди–Жонсон дўстлиги асос

бўлади. Агар Кеннеди Жонсонни танламаганида, партия иккига бўлиниб қолиши ва бу эса керак бўлган бирдамликни йўқ бўлишига олиб келарди. Аини вақтда партия ичидаги ижобий муҳит ҳар нарсадан устун эди, чунки республикачилар ҳам ўз съездини ўтказиб амалдаги АҚШ вице-президенти Ричард Никсонни ўзларининг номзоди этиб тайинлашганди.

Праймериз вақтида Никсоннинг рақиби Нью-Йорк штати губернатори афсонавий Жон Рокфеллернинг невараси миллиардер Нельсон Рокфеллер эди. Рокфеллер нафақат пул, балки ўз олдида кучли жамоа йиғганлиги билан ҳам ажралиб турарди. Мисол учун, унинг праймериз сайлов олди ташвиқот ишларига Гарвард университетининг ёш профессори, замоннинг энг илғор интеллектуалларидан бири Генри Киссинжер<sup>19</sup> бошчилик қилар эди. Аммо Ричард Никсон Рокфеллер ва унинг ёрдамчиси Киссинжерни мағлуб этади. Бунда нафақат Ричарднинг, балки бошқа кучларнинг ҳам таъсири бор эди. Рокфеллерлар каби Морганлар, Дюпонлар, Калленлар ҳам АҚШнинг энг бой оилаларидан бири эди. Ушбу оилалар ўртасида рақобат мавжуд бўлиб, у баъзида адоватга ҳам ўтиб кетарди. Рокфеллерларнинг вакили президент бўлиб кетса, бу бошқа миллиардер оилаларга қимматга тушарди, шунинг учун ҳам улар Нельсонни ҳали праймериздаёқ тўхтатиб қолишади ва ишончни Никсонга инъом этишади. Шундай қилиб, Ричард

---

<sup>19</sup> Генри Киссинжер – АҚШ давлат арбоби, дипломат, 1969-1975 йилларда Миллий хавфсизлик бўйича президент маслаҳатчиси, 1973-1977 йилларда АҚШ Давлат котиби (Ташқи ишлар вазири), Нобель мукофоти совриндори (1973й.)

Никсон 1960 йилги президентлик сайловларида республикачилар партиясининг номзодига айланади. Президент бўлиш учун у сайловда ўзининг эски рақиби демократлар партиясининг номзоди сенатор Жон Кеннедини мағлуб этиши лозим эди. Бу осон эмаслигини Ричарднинг ўзи ҳам яхши билар эди, чунки праймериз давомида Жон Кеннеди ўзининг икки нозик нуқтасидан батамом қутулганди: урушдаги қаҳрамонлигини эслатиб мазҳаб масалаларини узил-кесил ҳал этган бўлса, Линдон Жонсонни ўзига вице-президент этиб эълон қилиб сиёсатда “ёш” эмаслигини исботлаганди.

1960 йилги президентлик сайловлари аввалги йилларга қараганда ўзгача тус олади. Бошқа йилларга қараганда бу сайловларда номзодлар ўртасида теледебатлар ташкил этилади. Фақатгина сентябрь ва октябрь ойларида тўртта шундай теледебат бўлиб ўтади. Кеннеди ҳамда Никсон бутун халқ олдида АҚШнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларида савол-жавоб шаклида беллашишади. Дебат устаси бўлмиш Кеннеди ҳеч ҳам бўш келмайди. Никсон ушбу дебатларнинг бирида ҳатто Кеннеди ҳақлигини ҳам тан олади ва ўзи билмаган ҳолда дебат қоидалари бўйича рақибга ғалабани тортиқ этади. Кўпчилик тарихчиларнинг фикрига кўра, Кеннеди ўзини экранда намунали тутгани, аксарият сайловчиларни ўзига тортишига сабабчи бўлган. Бундан келиб чиқадики, раҳбар кадрлар омма олдида ўзига нисбатан ижобий фикр яратиш аурасини шакллантириш хусусиятига эга бўлишлари лозим. Бунда этикет қоидаларини мукамал билиш, хушчақчақлик, муомала маданияти, нутқ салоҳияти, озодалик ва адаблилик инобатга олинади.

Сайлов олди гуруҳи энг кучли мутахассислардан иборат эди. Улардан бири Дик Так Р.Никсонни икки бор “сиёсий нокдаун” ҳолатида тушириб қўяди. Биринчи сафар у машинист формасида Никсон маъруза қилаётган поездга миниб олади. Ўзининг нутқи чўққисига етган вақт у олдида йиғилган оломон ундан анча узоқ эканлиги пайқайди. Дик Так поездни юргизиб, Никсонни ноқулай аҳволга солиб қуяди. Иккинчи вазият Сан-Францискода жойлашган Чайнатаунда рўй беради. Дик Так топшириғига биноан нутқ сўзлаётган Никсонни бир гуруҳ хитойликлар хитойча ёзув туширилган плакатлар билан ўраб оладилар. Никсон бунга аҳамият бермайди, чунки ҳаммаси аъло даражада кетаётганди. Шунинг учун ҳам маъруза телевидение орқали ҳам узатилади. Аммо эртаси куни маълум бўладикки, ушбу плакатларда хитойча “Хьюзни пулларига нима дейсан?” деб ёзилган экан. Гап шундаки, Ричард Никсон бой бўлмаган оиладан чиққан эди, у Жон каби миллионер эмасди, шунинг учун ҳам баъзида миллиардерлардан пора олиб туриши ҳақида миш-мишлар юрарди. Албатта, бу ҳақда кўпчилик биларди ва Никсоннинг жиғига тегиш учун шу масалани кўтаришарди. Аммо буниси ошиб тушганди, чунки бойвачча Хьюзнинг ноқонуний ишларига алоқадор бўлиб кўриниши Никсоннинг бор обрўсини бир зумда йўққа чиқарарди. Буларнинг натижасида, 1960 йил 8 ноябрь<sup>20</sup> санасида бўлиб

---

<sup>20</sup> Америка Қўшма Штатларида президентлик сайловлари ҳар тўрт йилда бир учрайдиган кабиса йилининг ноябрь ойида бўлиб ўтади. Янги сайлаган президент ўз лавозимига кейинги йилнинг январь ойидан қасамёд қабул қилиб киришади.

ўтган президент сайловларида Жон Кеннеди Америка Қўшма Штатларининг 35-президенти этиб сайланади. Кеннеди билан Никсон ўртасидаги тафовут жуда кичик эди: 49.7% – 49.6% Кеннеди ҳисобига. Кеннеди АҚШнинг 22 штатида ғалаба қозонганди, Никсон эса 26 та штатда. Бу Кеннеди аҳоли сони кўп бўлган штатларга эътиборини қаратганидан далолат берарди, чунки АҚШда штатларга сайлов овози аҳолиси сонидан келиб чиқиб берилади. Нью-Йорк, Нью-Джерси, Пенсильвания, Массачусетс штатларидаги ғалабада Роберт Кеннедининг ҳиссаси кўп бўлса, Иллинойс штати отаси ва у билан боғлиқ мафия орқали қўлга киритилганди. Яна бир йирик штат Техас Кеннедига Линдон Жонсон туфайли ўтганди. Никсон эса фақат биргина аҳолиси гавжум бўлган ўзининг она ватани Калифорнияда ғалаба қозонганди.

Тўғри стратегия танланганлиги ва ташвиқот ишлари ўзини оқлаганлиги кўп жиҳатдан укаси Роберт Кеннедига боғлиқ эди. Бекорга, отаси унга “Агар Жон ғалаба қозонса, биз ҳаммамиз биламиз, сен бу ишни амалга оширганлигингни” деган сўзларни айтмаганди. Роберт, ҳақиқатдан ҳам, кучли политтехнолог эди, у акаси ёнида 1952 йилги Сенатга бўлган сайловлар вақтидан буён бирга эди. 1958 йилда у Сенат сайловларидан четга чиқади, бироқ 1960 йилги президентлик сайловларида у амалдаги АҚШ вице-президентини мағлуб этишга муваффақ бўлади. Буларнинг барчаси кўп нарса унга боғлиқ бўлганлиги ва АҚШда президент бўлиш учун, авваламбор, яхши сиёсий маслаҳатчига эга бўлиш кераклигини англатади. Акасини президент этиш вазифасини бажаргач

Роберт сиёсатдан узоқлашиб, оддий юрист сифатида ишлаб, ўз оиласига вақтини кўпроқ ажратиш хоҳишини билдиради. Буни Жон ҳам қўллаб-қувватлайди, аммо Катта оиланинг баъзи бир аъзолари бунга қарши эдилар...

1961 йил 21 январь куни АҚШнинг 35-Президенти Жон Фицджеральд Кеннедининг инаугурация<sup>21</sup>си бўлиб ўтади. Ўз нутқида у Ғарбий ярим шарни коммунизм балосидан ҳимоя қилишга ваъда беради ва бу билан яқиндагина коммунистик ҳукумат ўрнатган қўшни Куба давлати ҳамда унинг иттифоқдоши Совет давлатига талаб билан чиқади. Шу вақтни ўзида у Совет Иттифоқини энергетика, саноат ва космос соҳаларида ҳамкорликка чақириб, биргаликда очлик, касалликлар ва урушларга чек қўйишни таклиф қилади. Американинг бошқа президентларига қараганда Кеннеди советлар билан дўст бўлишга кўпроқ интиларди, у ҳатто қуролланиш пойгаси<sup>22</sup>га ҳам чек қўймоқчи эди, аммо Совуқ уруш<sup>23</sup>нинг энг кульминацион нуқтаси, афсуски, айнан, Кеннедига тўғри келади. Нима бўлганда ҳам унинг советларга бўлган муносабати илиқроқ эди. Ташқи сиёсат масалаларига тўхталар экан, у бу борада советлар билан “Музокаралардан қўрқмасликка” чорлайди, чунки музокаралар бош-

---

<sup>21</sup> Инаугурация – Янги сайланган давлат раҳбарининг ўз лавозимига киришиш тантанали процедураси.

<sup>22</sup> Қуролланиш пойгаси – икки ёки бир нечта давлатларнинг бир-биридан қуролли кучлар соҳасида устунлик қилиши учун бўлган сиёсий рақобати.

<sup>23</sup> Совуқ уруш – 1945-1991 йиллари АҚШ ҳамда Совет давлати ўртасида глобал геосиёсий, ҳарбий, иқтисодий, мафкуравий соҳаларда бўлиб ўтган қарама-қаршилик.

ланган жойда уруш тугайди, уруш тўхтаган жойда тинчлик ўрнатилади.

“Озодлик ғалабаси йўлида исталган дўст билан исталган душманга қарши кураш олиб борамиз” чақириқ сўзлари АҚШ ташқи сиёсатини янги даврга олиб чиқади, чунки бу билан Кеннеди давлат манфатларини глобал даражада ҳимоя қилишни назарда тутганди. Шунинг учун ҳам унинг даврида интернационализм ўзининг юқори чўққисига чиқади. Кеннеди дунёда “адолатли кучлилар ва хавфсиз заифлар” бўлган янги тартиб ўрнатилишига чорлайди ва бунга керак бўлса бир авлод умри кетса ҳам “Келинг бошлаймиз” дея бонг уради.

Ички сиёсатга тўхталар экан у “Давлат сенга нима қила олади эмас, сен давлатга нима қила оласан!?” саволи билан юзланади. Бу билан у Иккинчи жаҳон урушидан кейин ижтимоий сектор кенгайиб, маълум бир қатламлар давлатга боқиманда бўлиб қолганлигини таъкидлаб, энди буларга чек қўйилиб, тадбиркорлик ривожланиши учун янада кўпроқ имкониятлар очилишини ифодаламоқчи эди. Кеннедининг ушбу гапи машҳур бўлиб кетиб, ҳозирги кунда ҳам сиёсий давраларда афоризм сифатида қўлланиб келинади.

Ўз сайлов олди ташвиқот дастурида Кеннеди “Янги марралар” концепциясини ишлаб чиққанди. Энди, айнан, ўша концепция асосида ҳукумат шакллантириб АҚШ олдида турган янги марраларни забт этиш зарур эди. Кеннедининг “Дунё стратегияси”, “Қарорлар вақти” номли нутқларида концепциянинг моҳияти тўлиқ очиб берилади. “Бугун баъзи бировлар барча урушларда зафар қучилди, барча уфқлар ўрганилди, Америка учун янги мар-



ралар қолмади деб айтишади, аммо ҳамма муаммолар ҳануз ечилгани йўқ, ҳамма урушларда ҳам ғалаба қозонганимиз йўқ, биз янги давр остонасида турибмиз, бу 60-йиллар остонаси жаҳон тарихида катта ўзгаришлар ясайдиган давр бўлади. Бу давр ортида ҳали ҳал қилинмаган уруш ва тинчлик масалалари, ўрганилмаган фан ва космос соҳалари, ўз ечимини топмаган очлик ва ночорлик ўчоқлари муаммолари ётибди...”, – деди Кеннеди ушбу маърузаларнинг бирида.

Ушбу концепцияда Кеннеди қуролланиш пойгасини қатъиян ман этарди ва бунинг ўрнига советлар билан иқтисод ва саноат соҳаларида ҳамкорликни таклиф қиларди. Кеннедининг фикрига кўра, қуролланиш икки томон зарарига ишламоқда эди, шунинг учун ҳам ундан воз кечиб, кундалик ҳаёт ташвишларига биргаликда жавоб излаб, рўзгорни яхшилаш керак эди. Бундан ташқари, шу вақтгача АҚШ Совет Иттифоқига ядро қуроли билан таҳдид қилиб келар эди. Ўша вақтлари АҚШнинг ядро захираси шунчалар кўп эдики, ҳар бир совет бомбасига ўнта Америка бомбаси тўғри келар эди. АҚШнинг бутун ядро тизими рақибга биринчи бўлиб зарба беришни кўзда тутарди, бунинг учун ядро қуроли сонидаги устунликни сақлаб туриш лозим эди. Бу ўз навбатида ушбу соҳага Америка халқининг миллиардлаб пул маблағини сарф этиш билан яқунланарди. Кеннеди биринчи бўлиб рақибга ҳамла қилиш режасидан бош тортади, у ядро қуролини фақат ва фақат мудрофаа йўлида ишлатишни таклиф этади, яъни, мабодо, рақиб ҳужум қилса, унга жавоб қайтарилади. АҚШ рақибни қўрқувда сақлаш учун ядро захирасини

бойитмайди ва бу билан миллиардлаб долларларни асраб қолади.

Кеннеди катта ўзгаришлар ҳақида гапиргани билан, у барибир, АҚШнинг асосий ташқи позицияларига содиқ қолади. У шунчаки усул ва ёндашувни ўзгартиради, аммо мақсад ва вазифалар ўша-ўша бўлиб қолаверади. Буюк сиёсатшунос Ганс Моргентгау: “Давлат манфаатлари объектив бўлади” деб айтганди. Яъни ҳукумат, ҳукмрон партиялар, раҳбар-шахслар ўзгараверади, аммо давлатнинг асосий манфаатлари ўзгармайди. Кеннеди “Янги марралар” концепцияси билан янги сиёсатни таклиф этарди, аммо у ҳам ҳамма каби эски манфаатларга бўлган услубни янгилашга интиларди, манфаатлар эса ўзлигича қолаверарди.

Президентлик қўлга киритилганди, аммо энди янги мақсад – Америка тарихида қоладиган шахс бўлиб оламшумул ишларни амалга ошириш лозим эди. Бунинг учун яхши кадрлар зарур бўлади, шунинг учун ҳам Кеннеди ўз администрациясини энг кучли мутахассислар билан ташкил этишни асосий вазифа деб билади. Демократлар партияси Рузвельт давридан ҳукумат шакллантирмаганди, бунинг натижасида, Кеннеди Оқ уйга янги кадрлар билан келишига тўғри келади. Рузвельт ва Трумэн давридаги кадрларнинг аксарият қисми катта сиёсат учун кексайиб қолишганди, шунинг учун ҳам Кеннедилар демократларга хайрихоҳ бўлган мамлакатнинг энг кучли кадрлари, ўз соҳаларининг усталари, профессор ҳамда фан докторларини қидириб администрацияга таклиф эта бошлайдилар. Бу ишларда уларга Роберт Ловетт ҳамда Жон Макклойлар ёрдам беришади. Ловетт ва Макклой нафақат Уолл стритда, бал-

ки бутун АҚШда катта вазнга эга шахслар эди. Иккаласи ҳам биржа, Мудофаа вазирлиги ҳамда Рокфеллерлар оиласи билан боғлиқ эдилар. Кеннеди уларга биринчи бўлиб мурожаат қилиб, ўз администрациясидан юқори мансабларни таклиф этади. Улар буни инкор этиб, аммо одам танлашда ёрдам беришга тайёрлигини билдиришади. Шундай қилиб, Кеннеди администрациясини Ловетт ҳамда Макклойлар шакллантиради. Албатта, улар бу лавозимларга “ўзларининг” кишиларини таклиф этишарди.

Шундай ҳам бўлиб чиқди. Кеннеди администрациясининг 80% аъзоси Уолл стритнинг ташқи ишлар вазифасини бажарувчи бўлимига айланган Халқаро муносабатлар бўйича Кенгашидан<sup>24</sup> олинганди. Буларнинг барчаси ўқимишли, зиёли бўлиб Рокфеллерлар, Морганлар, Меллонлар в.х. оилаларига жуда яқин эди. Асосийси, улар ўша биз юқорида таъкидлаган WASP қатламига тегишли эди. Улардан бири Роберт Макнамара “Форд моторс” компаниясининг директори эди ва унга Кеннеди администрациясидан Мудофаа вазири бўлишни таклиф қилишади<sup>25</sup>. Макнамара аввалига иккиланади, чунки “Форд моторс”да йилиги 400 минг доллар топарди, Мудофаа вазирлигида узоғи билан 20 минг доллар. Шунга қарамасдан, у бир оз вақт ўтиб, Форд оиласининг маслаҳати билан рози эканлигини билдиради. АҚШда шундай, инсон муҳим керакли шахс бўлса бўлди, унинг мутахассислиги кейинги ўринда. Шу-

<sup>24</sup> Халқаро муносабатлар бўйича Кенгаш (Council on Foreign Relations) – халқаро алоқалар бўйича хусусий ташкилот. Ўз ичига жаҳондаги энг кучли таҳлилий марказлардан (think tank) бирини олади. Ҳар икки ойда машхур “Foreign affairs” журналинини чоп этади. АҚШ ташқи ишларига энг кучли таъсир этувчи хусусий ташкилот ҳисобланади.

<sup>25</sup> АҚШда бу вазифани ҳарбий бўлмаган шахс бажариши лозим.

нинг учун ҳам раҳбариятдаги инсонлар иқтисоддан сиёсатга, сиёсатдан ҳарбий соҳага ўтиб кетаверишади. Муҳими шахс билимли ҳамда WASPга тегишли бўлса бўлди.

Давлат котиби<sup>26</sup> этиб Рокфеллерлар оиласига яқин бўлган Дин Раск тайинланади. Молия вазири лавозимига шу кунга қадар Францияда элчи вази-фасини эгаллаб келган Дуглас Диллон кўтарилади. Администрациянинг энг муҳим лавозимларидан бири Давлат хавфсизлиги бўйича президент маслаҳатчиси этиб Макжорж Банди тайинланади. Марказий Разведка Агентлигининг (МРА/ЦРУ/СІА) раҳбари Аллен Даллес ўз лавозимида қолади<sup>27</sup>. Федерал Қидирув Бюроси (ФҚБ/ФБР/FBI) раҳбари Эдгар Гувер ҳам ўз жойини сақлаб қолади. У бу ташкилотга асос солган ҳамда у ерда 1924 йилдан ишлаб келаётган раҳбар эди.

Тўғриси айтсак, нафақат Кеннеди, балки АҚШнинг бошқа президентлари ҳам Даллес ҳамда Гувердек гигантларга таъсир ўтказиши ўта мушкул эди. Чунки йиллар давомида бу икки раҳбар илдиз отиб президентларни ҳам курсисидан “силжитиб юборадиган” даражага кўтарилганди. Кўлларидан махфий маълумотлар жамланганлиги туфайли истаган кишининг кирдикорларини фош этиб йўлдан “олиб ташлар” эдилар, ёки шантаж қилиб ўз таъсирини ўтказардилар. Кеннеди ҳам Даллес ҳамда Гувер билан ҳазиллашкиси келмайди ва уларни вази-фаларида қолдириб дўстлик қўлини чўзади.

<sup>26</sup> АҚШ Ташқи ишлар вазири шундай аталади. Ташқи ишлар вазирилиги эса Давлат департаменти дейилади.

<sup>27</sup> Аллен Даллес (1893-1969) – дипломат, разведкачи, 1953-1961 йилларда СІАнинг директори. Айнан, у биз билган СІАни юксалтириб дунёга машхур қилган шахс.

Жон Кеннеди ўз администрациясига нафақат демократларни, балки республикачиларни ҳам таклиф этмоқчи эди<sup>28</sup>. Мисол учун, Вьетнамга элчи этиб Генри Кэбот Лодж юборилади. Кеннеди билан Кэбот Лодж ўртасида 1952 йилги Сенатга бўлган сайловларда тўқнашув бўлиб ўтганди. Ўшанда Жон ғалаба қозонганди, энди эса у эски рақибига дўстликни таклиф этиб юқори мартабалардан бирини беради. Бу билан Жон ўзини ёш эмаслигини яна бир бор исбот қилади. Чунки демократлар ва республикачилар ўртасидаги қўшма ҳукумат халқ фаровонлиги учун жуда муҳим эди.

Гарвард университетининг тарих фани ёш профессори Артур Шлезингерга Кеннедининг шахсий ёрдамчиси ва спичрайтери лавозими таклиф этилади. Ушбу лавозимда ишлаш Шлезингерга қўл келади, чунки Жон Кеннеди ва унинг оиласи ҳақида ёзилган китоблари уни бутун дунёга машҳур қилиб юборади. Артур Шлезингер Гарвард университетида ва ўз йўналиши бўйича кўплаб ютуқларга эришган, аммо олам уни Кеннедилар ҳақида ёзилган энг зўр китоблар муаллифи деб эсда тутуди<sup>29</sup>.

Администрация тўлиқ ташкил этилиши учун яна бир муҳим лавозимнинг эгасини топиш шарт эди. Бу Генерал атторней<sup>30</sup> лавозими эди. Бундан ташқари, Кеннедининг сайлов олди ташвиқот иш-

<sup>28</sup> Кеннеди биринчилардан бўлиб бундай қўшма ҳукумат тузди. Унгача администрация таркиби ёки демократлар, ёки республикачилардан иборат бўлиб келар эди.

<sup>29</sup> Артур Шлезингер (1917-2007) – америкалик тарихчи, адиб. Жон ва Роберт Кеннеди ҳақида ёзилган “A thousand days: John F. Kennedy in the White House” ҳамда “Robert Kennedy and His Times” асарлари муаллифи. Машҳур Путитцер мукофотининг уч қарра совриндори.

<sup>30</sup> Генерал атторней (Генерал прокурор) – АҚШнинг Адлия вазирлиги раҳбари.

ларининг раҳбари Роберт Кеннеди масаласини ҳам ҳал қилиш зарур эди. Робертнинг ўзи Бостон шахрига кетиб, вақтини оиласига бағишламоқчи эди. Аммо бунга унинг отаси Жозеф ва рафиқаси Этель мутлақо қарши эдилар. Этель ўз эрини юқори мансаб эгаси бўлишини хоҳлар эди. Ўз овсини Жаклиндан фарқлироқ, унинг учун ўз вақтини оиласи билан сарф этадиган эр эмас, балки туну кун Оқ уйда ишлайдиган катта лавозимдаги шахс керак эди. Шунинг учун ҳам у Робертни администрациядан жой эгаллашини астойдил истарди. Жаклин Кеннеди эса ҳамиша тинч, сокин, сиёсатдан узоқ бўлган ҳаёт ҳақида орзу қилар эди. Бинобарин, унинг хўжайини дунёдаги энг банд ва энг кўп ишлайдиган шахслардан бири эди. Шундай ҳаёт тарзини Жоннинг ўзи ҳам истарди.

Отаси Жозеф президент этиб сайланган ўғлини администрация ичида барчага сўзи ўтадиган ёрдамчиси бўлиши тарафдори эди. Албатта, унинг ўзи қимматли маслаҳатларни ўғлидан аямайди, аммо Оқ уйдаги амалдорлар олдида қария Жозефнинг тили қисик бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам у Робертни бу лавозимга чиқиш тарафдори эди. Шунингдек, Робертнинг ўзи ҳам Оқ уйдаги исталган лавозимга ҳам муносиб, ҳам лойиқ эди. АҚШнинг энг ақлли уддабурон шахслари-ю, профессор олимлари ва тажрибали сиёсатчиларини чув тушириб акасини президент қилиб қўйган, айнан, Роберт бўлади. Ўз истеъдоди ва билими бўйича у администрациянинг барча вакилларида устун эди. Ҳаммага маълум эдики, агар Роберт бўлмаганида, Жон ҳатто сенатор ҳам бўлолмасди. Жон Кеннедининг барча мазҳаб, ёш, соғлиқ билан боғлиқ бўлган масалаларига Ро-

бертнинг зеҳни бўлмаганида, жавоб топиш ва сайловларни ютиб чиқиш мушкул эди. Шунинг учун буларнинг барчасига миннатдорчилик билдириш учун Жон укасига ушбу лавозимни тортиқ этиши лозим эди. Ҳар ҳолда Жозеф шундай фикрларди. Жоннинг ўзи ҳам шуни ич-ичидан хоҳларди, аммо Роберт сиёсатни тарк этиш ниятида эканлигини яхши биларди ва уни тушунишга ҳаракат қиларди. Тўғри, вақтида Роберт Мудофаа вазири бўлишни орзу қилганди, аммо энди сайловлардан толиқиб сиёсатдан буткул кетишни истарди.

Роберт ўз ниятида қанчалик қатъий бўлмасин, барибир, отасининг гапини икки қилолмасди. Кичик Кеннедилар учун отасининг эътибори ва ҳурмати ҳаммасидан устун эди. Отасини ранжитмаслик учун улар бор кучлари билан тирашиб курашардилар. Жозеф уларни болалигидан бир марта чиртмаган бўлса ҳам, фарзандлари унинг норозилик ва нафратга тўлган нигоҳидан қўрқишарди. Отасини хафа қилиш улар учун оғир гуноҳ эди.

Отасига янги лавозим бўйича рад жавобини берар экан, Роберт унинг юзида ўша нигоҳни пайқаганди...

Бир оз вақт ўтгач Жон Кеннеди ўз укаси Роберт Кеннедини Америка Қўшма Штатларининг янги Адлия вазири этиб тайинлайди, аммо унинг ўрни администратсияда президентдан кейин иккинчи эди.

Жон Кеннеди президент этиб сайланган кун Жозеф ўғилларига чин дилидан ўз миннатдорчилигини билдиради. Чунки унинг “Мен ҳам президент бўламан” орзуси ҳақиқатга айланганди. Шунча машаққат, шунча меҳнат ва узоқ йиллар..., буларнинг барчаси ўзини оқлади ва Кеннедилар Оқ уйга президент бўлиб кирадилар.

Инаугурация маросимидан сўнг Оқ уйда, Овал кабинетдаги<sup>31</sup> ўз курсисига ўтиргач, Жон узоқ ўйга толди. Ва ниҳоят барчаси тугади, ниҳоят у ғалаба қозонди ва ўз орзусига эришди. Болаликдаги ширин орзулар бугун реал эди. Отаси ва акасининг бошидан кечирганларини ва ўзининг Оқ уйга бўлган йўлини эсга олиб: “Мен президент бўлдим”, – деб айтди ва қалбининг тубидан келган улкан бир фахр туйғусини ҳис этди...

Шундай қилиб, қаҳрамонимизни қандай қилиб президент бўлганлигини кўриб чиқдик. Болаликдан озгин ва нимжон бўлган Жек ўз орзусига бўлган ишончи туфайли катта марраларга эришди. У уруш қаҳрамони, машҳур адиб, ёш обрўли сиёсатчи даражасига кўтарилсада, ўз олдига қўйган мақсад йўлидан ҳеч қайтмади. Ўз устида кўп ишлади, кўп ўқиди, машқ қилди, тажриба орттирди ва энг муҳими ўз оиласини ҳеч ҳам ёддан чиқармади. Кеннедининг президент бўлиб сайланишида кўпгина деталларга аҳамият қаратдик, аммо яна такрор ва такрор айтамызки, унинг ғалабаси – оиласида эди. Укасининг чексиз ёрдами ҳамда отонаси ва рафиқасининг ишончи унга сайловларда энг муҳим “кузир”ни тухфа этди. “Кеннедилар” сўзи АҚШда ғалаба маъносини англатса, ўша ғалаба ортида “оила” деган сўз туришини ушбу Катта оила бир неча бор исбот этдилар.

Энди Президент Жон Кеннеди ва унинг укаси Робертнинг кейинги ҳаёти ва улар олиб борган сиёсати тўғрисида батафсил фикр юритамиз.

---

<sup>31</sup> Овал кабинет (Oval Office) – АҚШ президентининг Оқ уйдаги ишчи кабинети.





*Тедди, Жек ва Бобби*



*Жон Кеннеди АҚШ президентлари ичида журналистика соҳасидаги энг нуфузли соврин Пулитцер мукофотига сазовор бўлган ягона президент.*



*Жон ўзининг чиқишларида уруш қаҳрамони эканлигини оммага кўп эслатарди ва шунинг учун ҳам ёнида урушдаги тўқнашувдан сўнг ишлатган эски қўлтиқтаёғини олиб юрарди.*



*1960 йилги президентлик теледебатлари. Кеннеди ва Никсон ўртасидаги дебатлар жаҳон теледебатлариغا асос солган.*



*Лавозимини тарк этайтган Президент Дуайт  
Эйзенхауэр ҳамда янги сайланган Жек Кеннеди.*



*ФҚБ асосчиси Эдгар Гувер ака-ука Кеннедилар  
қабулида*



*Марказий Разведка Агентлигининг собиқ раҳбари  
Аллен Даллес*



*Жон Кеннеди ҳамда АҚШнинг 42-президенти Билл  
Клинтон. 1963 йил 24 июлда ёш Билл Оқ уйга таши-  
риф буюради ва Президент билан учрашади.  
Айтишларича, Кеннеди ўшанда бўлгуси президент  
Клинтонга унинг ҳам президент бўлиш орзуси бор-  
лигини билиб, унга сайловларда омад тилаган экан.*



*Президент Билл Клинтон ҳамда Жон Кеннедининг ўғли*



*Клинтон ва Кеннедининг ўғли Оқ уйда марҳум президент қаршисида*

## ОҚ УЙ

“Оқ уй” деб ном олган бобимизда Президент Жон Кеннедининг давлат раҳбари сифатида Оқ уйда олиб борган фаолияти тўғрисида яқиндан танишамиз. Ўша вақтдаги жаҳон ва АҚШдаги тарихий вазият, раҳбарият даражасида муаммоларга ечим топиш жараёни, қарор қабул қилиш масъулияти бунинг жумласидандир.

Президент Кеннеди Оқ уйга янги администрация билан кириб келади. Унинг вакиллари янги-ча фикрлайдиган авлод ташкил қиларди. Уларнинг аксарият қисми сиёсатчи ёки ҳарбийлар эмас, балки зиёли инсонлар эди ва улар дунёга ўзгача нигоҳ билан назар соларди. Совет Иттифоқи билан ҳосил бўлган зиддиятни бу авлод хато деб ҳисобларди ва янги тартибни жорий этиш бўйича бош қотирарди. Агар эски администрация коммунизм билан курашиш масаласини кўтарган бўлса, янги авлод умуман зиддиятни йўқ қилишни режа қилади. Дунёнинг ҳар бир бурчагида улар талабни эмас, балки имкониятни излай бошлайдилар ва Америка тарихида мисли кўринмаган воқеалар ривожига сабабчи бўладилар.

Жон Кеннеди давлат тепасига келган вақт АҚШ сиёсий олами уч гуруҳга бўлинган эди. Ҳар бир гуруҳ АҚШ олдида турган муаммоларга ечим изларди. Чунончи, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг дунё икки қутбга ажралганди: бир томондан советлар бўлса, иккинчи томондан Америка бошлиқ демократлар. АҚШ ва Совет Иттифоқи ўртасида Совуқ уруш бошланиб, жаҳоннинг барча қисмларида уларнинг қарама-қаршилиги кузати-

лаётганди. Барча урушлар, зиддият ва муаммолар Вашингтон ва Кремль диалогига боғлиқ бўлиб қолганди. АҚШ ядро қуролига эга ва бу билан ўз муаммоларини ҳал этиши мумкин эди, аммо советларнинг ҳам ядро қуроли Америкага қарши туриб, унга катта зарар етказишга етарди. Икки давлат ўртасидаги энг катта муаммо – бу биринчи навбатда Германия ва Европа муаммоси эди. Биламизки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия икки қисмга ажралиб қолганди. Шу сабаб у Совуқ урушнинг марказига айланади, яъни бир миллат ҳудудида икки қарама-қарши давлатнинг қўшинлари жойлашади. Агар АҚШ ўз ядро қуроли орқали Совет Иттифоқига зарба берса, советлар АҚШга тегишли Ғарбий Германия ва бутун Европани босиб олишни режа қилганди. АҚШ ўз рақибини йўқ қилмоқчи, бунга унинг қудрати ўша замонларда етар эди, чунки ядро қурулининг сони рақибникига қараганда анча кўпроқ эди. Аммо зарба берса, уруш Ғарбий Европага кўчарди. Европада ядро қурулини ишлатиб бўлмас эди, чунки бунга биринчи навбатда НАТО бўйича иттифоқдош давлатлар йўл қўймасди, иккинчиси эса, агар Европа йўқ бўлиб кетса, унга қўшиб бутун Ғарб маданияти ва кадриятлари ҳам йўқ бўлиб кетар эди (бундай натижалар билан ғалаба қозонгандан кўра, умуман уруш бошламаслик Ғарб аҳлига маъқул эди). Агар қурулни рақиб ҳудудида қўлласаю, советлар Европани эгаллаб олса (тарихий маълумотларга қараганда, бунга уларни салоҳияти етарди), унда АҚШ яна танк, самолёт, ҳарбий кема ва пиёдалар ёрдамида уруш қилишга мажбур бўларди. Бундай урушда АҚШ Совет Иттифоқини мағлуб этиши



даргумон эди, чунки Германияни якка ўзи Москвадан Берлингача қувиб келган совет генерал, офицер ва аскарлари чиниқиб, пишиб урушнинг мутахассислари бўлиб кетишганди. Улкан тажриба туфайли Ер юзида уларни фронт жангида енгадиган армиянинг ўзи йўқ эди. АҚШ ҳаво ва денгизда кучли эди, аммо қуруқликда йирик пиёда қўшинлар соҳибига айланган советлардан ортда қоларди. Буни америкаликлар ҳам яхши билардилар, аммо вазиятга жим қараб ҳам туриб бўлмасди, чунки рақибга қанча вақт берилса, у шунча кучайиб бормоқда эди. Бу тупик ҳолатдан чиқиш учун таваккал қилиб уруш бошласа, унинг натижасида Европага катта талафот етарди. Жим қараб турса, советларнинг қудрати ошиб эртага уларнинг ҳам уйига бостириб келишлари эҳтимоли бор эди. Мисол учун, 1959 йили Америка қитъасида илк коммунистик давлат вужудга келади. Бу инқилобчи Фидель Кастро бошлиқ Куба давлати эди. Шунинг учун ҳам АҚШ, агар советларга қарши уруш бошлашни имкони бўлмаса, унда уни “жиловлаб туриш керак” қарорига келади ва бу “СССРни тийиб туриш” доктринаси номи билан тарихга киради. Яъни АҚШ бор эътиборини советларнинг кучи ортмаслигига қаратади ва шу орқали дунёдаги тартибни сақлаб қолишга интилади. Советлар янги марраларни забт этмасликлари учун уларни қўрқувда сақлаб туриш лозим эди, шунинг учун ҳам АҚШ қуролланиш пойгасига киришга мажбур бўлади. Қанча кўп ядро қуроли бўлса, рақиб ундан шунча қўрқади ва улар томондан ҳеч қандай ҳужум бўлмайди. Мана шу тарзда АҚШ ташқи сиёсати қурилган эди.

Юқорида айтилган уч гуруҳнинг биринчиси бу муътадил сиёсат тарафдорлари эди. Улар коммунизм билан курашишни фойдаси йўқ деб билар эди. Фашист Германияси ҳам коммунистларни йўқ қилиб юборишмоқчи бўлишди, аммо уддасидан чиқа олишмади ва бу билан уларнинг кучларини янада ошириб юборишди. Уларнинг фикрига кўра, коммунизм билан зиддиятга бориш нотўғри, чунки бу ядро урушини бошлаб бутун олам йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин эди.

Иккинчи гуруҳ бу ўта радикал қарашлар тарафдорлари эди. Уларни АҚШда “қирғийлар” деб аташади. Бу гуруҳ Совет давлатини тўлиқ йўқ қилиб юборишни режалаштирганди. Бунинг учун улар Учтинчи жаҳон уруши бошланишига ва керак бўлса ядро қуролларини ишга солишга ҳам тайёр эди.

Учинчи гуруҳ ядро урушини тўлиқ рад этарди, аммо советларнинг қудрати ошиб кетишига ҳам жим қараб турмаслик тарафдори эди. Айнан, улар “тийиб туриш” сиёсатини қўллаб-қувватларди, яъни рақиб билан дунёнинг барча минтақаларида кураш олиб бориб, кучайиб кетишини олдини олиб, АҚШнинг халқаро нуфузини янада ошириш ниятида эдилар. Янги сайланган Жон Кеннеди ҳам, айнан, ушбу учинчи гуруҳ қарашларига мансуб сиёсатчи эди.

Демак, Кеннедининг ташқи сиёсий қарашлари билан ҳам танишиб олдик. У жаҳон уруши бошланиши тарафдори эмасди<sup>32</sup>, аммо дунёда кечаётган жараёнларга ҳам кўл қовуштириб қараб туришни истамасди. У курашишни ва ўз давлатининг

---

<sup>32</sup> Ўша вақтлари Учтинчи жаҳон урушининг бошланиши хавфи катта эди.

эгаллаб турган позицияларини мустаҳкамлаб, обрўсига яна обрў қўшиш ниятида эди. Унинг Оқ уйдаги сиёсати ҳам ана шу тарзда давом этади, яъни сиёсий қарашлари унинг ички ва ташқи сиёсатда қабул қилган қарорлари ва қилган барча ишларида ўз аксини топади.

Кеннедининг олдида турган энг катта муаммолардан бири бу Куба эди. Ўзининг сайлов олди ташвиқот жараёнида Президент Дуайт Эйзенхауэр<sup>33</sup>ни Кубани йўқотишда танқид қилган Кеннеди, энди бу иш билан жиддий шуғулланиб, уни ҳал этиши лозим эди. АҚШ нима бўлса ҳам Кубадаги социалистик ҳукуматни ағдариши лозим эди, чунки бу Ғарбий ярим шарда ҳам коммунизмнинг тарқаб кетиш сабабини бир томондан тақозо этса, иккинчи томондан Совет давлатининг позицияси ва вазнини бу минтақада янада мустаҳкамларди. Бу Кеннеди олиб борган “СССРни тийиб туриш” сиёсатига буткул зид эди. Шунинг учун у Кубадаги социалистик ҳукуматни олиб ташлашга мўлжалланган режа туза бошлайди ва бу жаҳон тарихида Кочинос кўрфазидаги ҳарбий авантюра номи билан қолади.

Фидель Кастро 1959 йил 1 январь куни Кубада инқилоб амалга ошириб социалистик давлат барпо этганди. Инқилобнинг илк кунларидаёқ янги Куба Совет давлати томонидан тан олиниб, икки давлат ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилди.

---

<sup>33</sup> Дуайт Эйзенхауэр (1890-1969) – АҚШнинг 34-президенти (1953-1961), Иккинчи жаҳон урушида бирлашган Буюк Британия ва АҚШ ҳарбий кучларининг бош қўмондони, АҚШ армия генерали, НАТО кучларининг бош қўмондони, Колумбия университети ректори, машҳур “Европага салиб юриши” асари муаллифи.

Куба инқилоби Совет давлати учун бемисл имкониятлар калитини тақдим этарди, чунки унинг ортида бутун Америка қитъасини советлаштириш ва Иттифоқнинг азалий орзуси бўлган “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!” шиорини амалга ошириш имкони ётарди. Бундан ташқари, бу асосий рақиб АҚШга қарши яна бир ричагни берарди. Агар Ғарбий ярим шарда ўз иттифоқчиси бўлса, у ерга ўз қўшини ёки ядро қуролини жойлаштириши мумкин эди. Бу эса рақибни қўрқувда сақлаб туриш ва “ўзиникини” жорий этишга яхши замин яратарди.

Ҳаммага равшан эди, Совет давлати Кубадан энди воз кечмасди ва керак бўлса у учун урушга ҳам борарди. Кеннеди тўғридан-тўғри Кубага ҳужум қилолмас эди, агар бунинг иложи бўлганида Эйзенхауэрнинг ўзи ҳам аллақачон бу мавзуга нуқта қўярди. Кубага ҳужум Совет давлатига қилинган ҳужум билан баравар эди. Кичик бир Кубани деб жаҳон урушини бошлаш ниятида бўлмаган Кеннеди ҳийла ва махсус органлардан фойдаланишни лозим деб билади. Бунинг натижасида, Кеннеди ва Марказий Разведка Агентлиги раҳбари Аллен Даллес бошчилигида Кубага бостириб кириш ва Кастро ҳукуматини ағдариш махфий режаси ишлаб чиқилади.

Режага кўра, инқилобга қарши бўлганлардан<sup>34</sup> махсус гуруҳ тузилиб, улар Куба ҳудудига ҳарбий операция учун юборилади. Уларга Кубанинг собиқ

---

<sup>34</sup> Кубадаги инқилобни аҳолининг барча қатлами қўллаб-қувватламайди. Собиқ ҳукмрон элита, зодагонлар ва бадавлат кишилар қочиб кетиб АҚШ, Гватемала ва бошқа Марказий Америка давлатларига жойлашадилар ва Кастро тузумига қарши контринқилобни режалаштирадилар.

ҳукумати рамзлари туширилган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари кўмак бериб туриши керак эди<sup>35</sup>. Тўғри, контринқилобчилар сони кам бўлиши мумкин, аммо улар Кастро ҳукуматидан норози қатламни кўчага олиб чиқса, ўз мақсадларига эришардилар.

Кеннеди қарор қабул қилишдан олдин кўп ўйлайди ва оз мунча иккиланади. Администрация таркиби АҚШнинг энг кучли кадрларидан иборат эди, бундай мутахассислар адашиш эҳтимоли жуда оз, шунинг учун президент уларга кулоқ тутишга қарор қилади. Бунинг устига, Кеннеди Совет давлати раҳбари Н.Хрушчёвга қанақа президент бўлмоқчи эканлигини ҳам кўрсатиб қўймоқчи эди. Чунки ўша вақт Совет давлати ва АҚШ ўртасидаги адоват ўз чўққисига етганди. Кеннедидан аввалги президент Эйзенхауэр жаҳон миқёсидаги обрўли шахс эди. У урушда ғалаба қозонган генерал бўлиб, Совет давлатида ҳам катта ҳурматга сазовор киши эди<sup>36</sup>. Аммо энди давлат тепасига ёш раҳбар келганди, табиийки, Хрушчёв бу “болакайни” ҳурмат қилмасди. Шунинг учун Кеннеди ўзини қанақа эканлигини дунёга кўрсатиб қўйиши учун Эйзенхауэр ечимини топмаган Куба муаммосини ҳал этиши лозим эди. Бундай катта ғалаба унинг халқаро имижига ижобий таъсир этарди.

Шуларни инобатга олган ҳолда Кеннеди операцияни бошлаш тўғрисида буйруқ беради. Аммо кутилаётган натижаларнинг биронтаси амалга ошмайди ва Куба операцияси драматик

---

<sup>35</sup> АҚШ ўз самолётларини ишлатганда, бу халқаро агрессия деб топилиб, Совет давлати урушга аралашиб кетиши эҳтимоли катта эди.

<sup>36</sup> Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати учун Совет давлати уни ўзининг энг олий рағбати “Ғалаба” ордени билан тақдирлаган.

якун топади. АҚШнинг энг кучли кадрлари ва Марказий разведка агентлари барчаларининг режалари тўлиқ таназзулга учрайди. Дунёдаги энг кучли махсус хизмат органларидан бири СІА оддий ҳар кунлик табиий омилларни инобатга олишни унутади.

Биринчидан, Кубага ҳужум кечки вақт, қўққисдан амалга оширилиши керак эди, аммо контринқилобчилар соҳилга етмасидан олдин кучли артиллерия ҳужумига учрайдилар. Кастро аскарлари душман яқинлашаётганини олдиндан билиб уларни муносиб қарши оладилар. Бунинг устига, ўша тун тўлин ой чиққанди ва яқинлашаётган душман аниқ ва равшан нишонга айланганди.

Иккинчидан, контринқилобчиларга ҳаводан самолётлар мадад бўлиб туриши керак эди, аммо иккинчи гуруҳ операция бошланганидан кейин бир соатдан сўнг етиб келишади. Гуруҳлар ўртасида операциянинг аниқ вақти бўйича англашилмовчиликларга йўл қўйилганди.

Бунинг натижасида, контринқилобчиларнинг асосий қисми соҳилга етиб бормаси йўқ қилинади, етиб борганлари эса муқаррар ўлимга юз тутаяди. Кечиккан авиация нима қилишини билмай қолади. Бутун ҳарбий миссия оддий тўлин ой ва вақт тақсимоти омиллари туфайли чиппакка чиқади.

“Қирғийлар” гуруҳига мансуб ҳарбийлар дарҳол АҚШ авиациясини ишга солишни ва операцияни охиригача етказиб қўйишни президентдан талаб этишади, аммо Кеннеди АҚШ қуроли кучларини бунга жалб қилишга кўнмайди, чунки бунинг оқибатида Хрушчёв бошлиқ совет ҳарбийлари

урушга араллашиб, жаҳон уруши бошланиб кетиши эҳтимоли мавжуд эди.

Мағлубиятга учрагач, нима қилишни билмаётган Кеннеди ўз кадрларидан тўлиқ кўнгли қолади. Энди у уларга ишонмас эди. Шунинг учун ҳам Кеннеди вазият қандай бўлса, шундай қолдиришга топшириқ беради. АҚШ Кочинос кўрфазидаги бу жангда мағлуб бўлади, Кеннедининг обрўси мамлакатда ҳам, халқаро майдонда ҳам тушиб кетади. Америкаликлар Кеннедига “ёш ва узоқни билмайдиган шахс” деб таъриф бера бошлашади ва ҳатто собиқ Президент Эйзенхауэрнинг расми туширилган плакатлар билан: “Бизга Айк<sup>37</sup>ни қайтаринг!” деб митинглар уюштиришади.

Буларнинг барчаси Совет давлати ва Хрушчёвнинг позициясини янада кучайтиради. Фидель Кастро эса ғалабадан сўнг ўзини анча тетик ҳис этиб, АҚШ билан тенгма-тенг гаплаша бошлайди. Жон Кеннеди ўз президентлик даврининг учинчи ойида биринчи муваффақиятсизликка юз тутди, у ҳатто бундай шармандаликка чиндолмасдан бир кун “Ҳаммасини Линдон<sup>38</sup>га ташлаб, кетишни истаётганлигини” айтади. Бу президентликнинг илк қийинчиликлари эди ва Жон бу ишни орзу қилганига ҳам пушаймон бўлиб қолади.

У бунинг барчасида ўз администрациясини айблаб, ҳатто Марказий Разведка Агентлиги директори Аллен Даллесни ҳам ўз лавозимидан озод этади, бинобарин, кейинчалик бу қаҳрамонимизнинг

<sup>37</sup> Айк – Президент Эйзенхауэрнинг лақабларидан бири.

<sup>38</sup> Гап унинг Вице-президенти Линдон Жонсон ҳақида кетмоқда. АҚШда агар президент оламдан кўз юмса, импичментга учраса ёки соғлиги туфайли ўз вазифасини бажаролмаса, кейинги сайловларгача вице-президент унинг лавозимини эгаллаб туради.

ҳаёти ва сиёсати учун қимматга тушади. Масалага Катта оиланинг раҳбари Жозеф ҳам аралашади ва Жоннинг омадсизлигида Робертни айблади. Чунки Адлия вазири этиб тайинланган Бобби ўзининг ишлари билан банд бўлиб кетганди. У акаси ва Кубада бўлиб ўтган воқеалардан йироқ эди. Жозеф Боббини акасига мадад бўлмаганлиги ва ёнида туриб маслаҳат бермаганлиги учун у шармандаларча ютқазганлигини айтади. Дарҳақиқат, Роберт Кеннеди стратегик қарорлар қабул қилишда бутун бошли администрация ва ҳатто президентдан ҳам яхшироқ эди. Унинг бу операцияда йўқлиги сезиларли эди, албатта. Шунинг учун ҳам энди отасининг топшириғига биноан Роберт Кеннеди акасининг маслаҳатчиси, Президент Кенгашининг доимий аъзоси ва президентдан кейинги иккинчи шахсга айланади. Жон ҳам ҳар қандай қарор қабул қилишидан олдин у билан бамаслаҳат иш тутадиган бўлади.

Робертнинг биринчи маслаҳати бу Америка халқи олдида кечирим сўраш бўлади. Яъни америкаликлар Жон Кеннедидан норози бўлиб уни масхара қилишаётганди. Вазиятга шундай қараб туриб бўлмасди, шунинг учун ҳам Кеннеди пресс-конференция ташкил этиб, телевидение орқали бутун АҚШ аҳлидан йўл қўйилган кечириб бўлмас тарихий хато учун узр сўрайди (Роберт Кеннедининг сиёсий тактикаси ҳамиша шундай бўлган. У киши айби ва хатоларини яшириши керак эмас, балки улар ҳақида ўзи тан олиб гапириши керак деб биларди. Шунда у ёлғончи бўлиб бир кун уялиб қолмайди. Айбини вақтида тан олгани атрофдагиларнинг унга бўлган ҳурматини оширади.



Акасининг дин мазҳаби билан боғлиқ муаммо ҳам шундай ечим топганди, яъни Кеннедининг ўзи бу ҳақда гап очганди. Бу гап ҳам, айнан, шундай бўлади). Ўз нутқида “Ғалабанинг минглаб отаси бор, мағлубият эса етим” деган маъноли сўзлар билан, бўлиб ўтган нохушликларнинг барчасида якка ўзи айбдор эканлигини расман тан олади. Бундан администрация жазавага тушади, чунки АҚШ тарихида ҳали ҳеч қайси президент ўз халқидан узр сўрамаган эди. Аммо Кеннедининг ўзи бу ишдан енгил тортади ва отасининг “Эътибор берма, икки ҳафтадан сўнг улар сени энг тўғри қарор қабул қилганлигини айтишади” деган гапларини эсга олади. Ва шундай ҳам бўлади тез орада ҳукумат аъзолари ҳам, фуқаролар ҳам Кеннединг хатосини унутиб, уни мард инсон сифатида эътироф эта бошлайдилар. Робертнинг усули яна бир бор ўзини оқлайди, гарчанд, бу Жон учун жуда оғир бўлган бўлса ҳам, чунки ҳамманинг олдида ўз айбини тан олиш ҳазил иш эмасди.

Кеннеди айбини тан олсада, аммо энди унга катта шон-шуҳрат олиб келадиган муваффақият кераклигини яхши биларди. Нима бўлса ҳам омма эътиборини бошқа томонга қаратиши лозим эди. Асрлар мобайнида шундай бўлиб келган, яъни бир подшоҳ омадсизликка учраса, албатта, бирон бир уруш қилиб ўз обрўсини халқ олдида тиклаб олган. Кеннеди ўзини оқлаш мақсадида ҳарбийлардан эмас, олимлардан фойдаланади. У илм-фан қўшинларини космосга йўналтириб, фазони эгаллашда АҚШ учун янги марраларни забт этади.

Маълумки, АҚШ ва Совет давлати ўртасида космосни эгаллашда ҳам рақобат кечмоқда эди.

Совет олимлари бу борада ўз ҳамкасбларига қараганда анча илдамлаб кетишганди. Мисол учун, Иттифоқнинг биринчи сунъий йўлдоши 1957 йил 4 октябрь куни космосга кўтарилган бўлса, америкаликлар тўрт ойдан сўнг, 1958 йилнинг 1 февраль санасига бунга эришадилар. 1961 йил 12 апрель санасида инсоният тарихида яна бир оламшумул воқеа рўй беради. Совет космонавти Юрий Гагарин “Восток-1” фазо кемасида космосга кўтарилади ва одамзод тарихида буни амалга оширган биринчи шахсга айланади. Бу сенсацион воқеага америкаликлар ҳам муносиб жавоб қайтариши лозим эди. Кубада мағлубият аламини тортган Кеннеди космосни ҳам бой беришни истамасди. Агар АҚШ ҳам ўз астронавтини<sup>39</sup> космосга олиб чиқса, Кеннедининг барча хатолари халқнинг эсидан чиқарди. 1961 йил 5 май куни АҚШ астронавти Алан Шепард фазо кемаси орқали космосга кўтарилиб, уни забт этган биринчи америкалик инсонга айланади. Бу Кеннеди ва унинг администрацияси учун улкан ғалаба эди. Америка Кочинос кўрфазидаги омадсизликни ёддан чиқаради ва янги қаҳрамонларни қутлайди. АҚШ аҳли космосни забт этишни истарди ва Президент Кеннеди уларнинг кўз ўнгида бу ишларни амалга оширадиган шахс бўлиб гавдаланарди.

Космос Кеннеди сиёсатида алоҳида ўрин касб этарди. Чунки АҚШ бу соҳада советлардан ортда қолаётган эди ва Кеннеди ўз президентлик қасамёдида буни тўғирлашни ваъда қилганди. Сунъий йўлдош ва биринчи бўлиб инсонни фа-

---

<sup>39</sup> Эътибор беринг, Совет фазогирлари космонавт деб аталса, АҚШда уларни астронавт деб аташади.

зога олиб чиқиш лойиҳаларида ортда қолгандан сўнг, Кеннеди асосий эътиборни Ойни забт этишга қаратади. Шундай қилиб, Ойга парвоз қилишга мўлжалланган “Апполон” номли лойиҳа дунёга келади. Ушбу лойиҳанинг охири Ойга инсон парвози билан якунланиши лозим эди. Кеннеди бу улкан лойиҳани таниқли олим Вернер фон Браун<sup>40</sup>га топширади.

Фазони эгаллаш ҳақиқий кураш майдонига айланади. Агар советлар томондан бу курашни Сергей Королёв<sup>41</sup> бошқарган бўлса, АҚШда бу вазифа, айнан, фон Браунга юкланганди. Королёв икки маротаба Браунни ортда қолдиради, яъни сунъий йўлдош ва Гагариннинг парвози ортида, айнан, у турганди. Учинчи раунд Ой учун эди. Аммо 1964 йили совет ҳукумати раҳбарияти ўзгаради, Королёвни қўллаб-қувватлаган Н.Хрушчёвнинг ўрнига янги раҳбар Леонид Брежнев келади. Л.Брежнев космосга унчалик ҳам кўп эътибор бермайди. Бунинг устига, 1966 йили Королёв оламдан кўз юмади ва шу туфайли советлар космос соҳасидаги устунликни АҚШга бериб қўяди. АҚШда фон Браунга Кеннеди ҳукумати томонидан катта ишонч билдирилганди. Натижада, 1969 йилга келиб “Аполлон-11” номли фазо кемаси астронавтлари Ойга қадам қўйган илк инсонлар бўлади ва фон Браун охир-оқибат ўз орзусига эришади. Гарчанд,

---

<sup>40</sup> Вернер фон Браун (1912-1977) – физик-олим, космонавтиканинг асосчиларидан бири. Фашист Германияси даврида уруш учун керак бўлган “ФАУ-2” номли илк баллистик ракетани яратган ва урушдан сўнг ўз фаолиятини АҚШда давом эттирган. Уни Америка космонавтикасининг “отаси” деб ҳам аташади.

<sup>41</sup> Сергей Королёв (1907-966) – физик-олим, академик, совет космонавтикасининг асосчиси.

Кеннеди бу кунларни кўрмаган бўлса ҳам, аммо бу соҳада эришилган ютуқлар ҳамда “Апллоллон” лойиҳаси унинг саъй-ҳаракатлари орқали амалга оширилганлигини келажак унутмайди.

Космос соҳаси орқали обрўсини тиклаб олган Кеннеди энди нафақат фазода, балки Ер юзида ҳам янги марраларни забт этиш ҳақида бош қотира бошлайди.

Мана шундай ишлардан бири “Peace corps” лойиҳаси бўлиб, унга кўра, дунёдаги ночор давлатларга АҚШ томонидан моддий ёрдам берилади. Америкалик бўлган шифокор ва ҳамширалар, қурувчи ва ўқитувчилар ўзга юртларга бориб инсоният тинчлиги, маърифат ва соғлиқни сақлаш соҳаларида фаолият олиб боришади. Бу беғараз ёрдам Жон Кеннедининг халқаро имижини янада баландга кўтаради. Лойиҳа ҳозир ҳам ўз кучига эга эканлигини эътиборга олсак, кўпчилик учинчи дунё давлатлари<sup>42</sup>да ҳануз Кеннеди улуғланиб келинади.

Президент Кеннеди даврида инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилади. Жон Кеннедининг АҚШ президентлари ичида энг ҳурмат қилгани бу Авраам Линкольн<sup>43</sup> эди. Биламизки, Линкольн қора танли афроамерикаликларни қулликдан озод этиб, уларга оқ танлилар каби

---

<sup>42</sup> Учинчи дунё давлатлари деб аввалига Совуқ уруш вақтида АҚШ ва СССР қутбларига қўшилмаган давлатлар назарда тутилари. 1991 йилдан ушбу сиёсий термин қоқок бўлган давлатларга нисбатан ишлатила бошланди.

<sup>43</sup> Авраам Линкольн (1809-1865) – АҚШнинг 16-президенти (1861-1865), республикачилар партиясидан сайланган илк президент, қора танли қўлларни озод этган шахс, Америка халқининг Миллий қаҳрамони.

тенг ҳуқуқлар берилишини жорий этганди. Бинобарин, улар қулликдан озод бўлсада, тенгликни тўлиқ қўлга киритолмайдилар. Айниқса, жанубий штатларда ҳолат аянчли бўлиб ҳануз ўша эски мустабид даврни эслатарди. Қора танлилар оқ танлилар билан бир меҳмонхона, ресторан, мактаб, черков, шифохона ва ҳатто жамоат транспортларидан фойдалана олишмасди. Масала кундан кун жиддий тус ола бошлайди. Натижада, афроамерикаликлар ҳам бу камситишларга жим қараб турмасдан тенглик учун ўз курашини давом эттирадилар ва бу кураш Кеннеди даврида ўз авжига чиқади. Линкольнга тақлид қилган Кеннеди вазиятдан унумли фойдаланиш тарафдори эди. Агар у қора танлиларга тўлиқ тенглик ҳуқуқини тақдим этса, Линкольн каби АҚШ ва жаҳон тарихида инсониятга хизмат қилган арбоб сифатида қолар эди. Шу билан бирга Кеннедининг афроамерикаликларга қарши ҳеч қандай адовати ҳам йўқ эди. Маълумотларга қараганда, Кеннеди биринчи бўлиб президент хавфсизлик хизматига қора танли бўлган тан соқчини ишга олган экан. Ёнидаги тан соқчига қараб Америка аҳли Кеннеди қанақа президент бўлмоқчи эканлигини ва сиёсат бу борада қай томонга йўналишини осонликча тушуниб етади.

Кураш асосан Жоржия ва Миссисипи штатларида рўй беради. Бу ерларда Жеймс Мередит номили қора танли талабанинг кураши ҳайратомуз тус олади. Чунончи, Мередит Миссисипи университетига ҳужжат топшириб ўқишга киришга ҳаракат қилади, аммо бунга университет раҳбарияти ва талабалар қаршилиқ қиладилар. Шу вақтгача ушбу университетда қора танлилар ўқимаган

эди. Президент Жон Кеннеди Мередитни қўллаб-қувватлайди ва штат губернаторига бу борада керакли топшириқларни беради. Аммо Миссисипи губернатори Росс Барнет президентнинг буйруғини бажармайди ва айтилган вазифаларнинг барини тескарисини қилади. У қора танлиларга қарши бўлиб ўтаётган халқ чиқишларини тинчлантириш ўрнига, уларга бемалол йўл очиб беради ҳамда жараёнга раҳнамолик қилади. Орага Роберт Кеннеди ҳам Бош прокурор сифатида қўшилади, аммо губернатор унга ҳам “Хўп” деб, барибир, ўз билганидан қолмайди. Натижада, президент ушбу муаммони ҳал этиш учун армияни ишга солади. Бунақаси АҚШ тарихида илк бор рўй беради, шу вақтгача ички муаммоларни ечишда полициядан фойдаланишганди, аммо бу ҳолатда полицияни ишга солиб бўлмасди, чунки штат раҳбари вазиятни тўлиқ назорат қилаётганди. Шунинг учун президент ўз қўл остидаги қуроли кучлардан фойдаланади<sup>44</sup>. АҚШ Миллий гвардияси ўз ишини бошлаганда, Кеннеди ҳар сафаргидек телевидение орқали халққа мурожаат қилади. Ўз нутқида у: “АҚШ фуқаролари қонунларни муҳокама қилиб, уларга қўшилмаслиги мумкин, аммо уларни бажармаслик ва итоат этмасликка ҳаққилари йўқ” дея ўз хатти-ҳаракатларини оқлайди. Бошқача қилиб айтганда, Миссисипи штатида кичик фуқаролик уруши бўлиб ўтади ва бу президент томонидан бостирилади. Тўқнашувда ҳалок бўлганлардан ташқари, уч юз етмиш беш нафар киши жароҳат олади ҳамда икки юзга яқин

---

<sup>44</sup> Кўп давлатлар каби АҚШда ҳам президент қуроли кучлар олий бош қўмондони ҳисобланади.

қўзғолончилар кўлга олинади. Жеймс Мередит эса Миссисипи университетига ўқишга қабул қилинади<sup>45</sup>. Бу афроамерикаликларнинг тенгликка йўналган илк қадами эди. Кейинчалик бу саъй-ҳаракатлар ўзини оқлаб қора танлилар орзиқиб кутилган тенгликка муяссар бўладилар. Кеннеди ушбу биринчи қадам қанчалик муҳим эканлигини яхши биларди ва шунинг учун бир талаба учун армияни ишга солиб вазиятни ўнглайди. Тўғри, бу қурбонликни талаб этди, аммо бунинг натижасида қора танлилар ўзларига тегишли бўлган тенгликка сазовор бўлишди. Авраам Линкольн ислохотларидан кейин роппа-роса юз йил ўтиб улар ўша ваъда қилинган ҳуқуқларга эришдилар. Бу АҚШ ва жаҳон тарихида инсоният йўлида қилинган катта жасорат эди.

Шу вақтлари афроамерикаликлар тенглиги учун курашган ва уларнинг бу йўлда сардорига айланган Мартин Лютер Кинг<sup>46</sup> 1963 йил 28 август кuni Вашингтонда митинг уюштириб “Менинг орзуим бор” номли нутқ сўзлайди. Ушбу нутқ шунчалар таъсирли эдики, унга нафақат қора танлилар, балки оқ танлилар ҳам эргашиб, умумий тенглик, адолат ва бағрикенгликни талаб этишади. Кинг “бир кун қора танли болалар оқ танли болалар билан худди ака-ука, опа-сингиллардек қўл ушлашиб юришини орзу қиламан” сўзлари билан оломонни олдга бошлайди. 250 минг киши иштирокидаги митинг АҚШ тарихида инсон ҳуқуқлари йўлида қилинган

<sup>45</sup> Жеймс Мередит Миссисипи университетини сиёсатшунослик йўналиши бўйича тамомлайди. 2006 йили унинг шарафига университет ёнида ҳайкал ўрнатилади.

<sup>46</sup> Мартин Лютер Кинг (1929-1968) – америкалик сиёсий арбоб, Нобель мукофоти совриндори (1964й.).

энг катта ишлардан бири сифатида қолади. Президент Кеннеди Лютер Кингни қувватлайди ва Оқ уйда уни қабул қилади. Аммо тенгликка бўлган ишни охиригача етказишга Кеннеди улгурмайди. Бу ҳодиса кейинчалик Линдон Жонсон даврида юз беради. Лютер Кинг Бобби Кеннеди билан ҳам яхши муносабатда эди. 60-йилларнинг иккинчи ярмида улар инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат учун биргаликда кураш олиб боришади. Уларнинг сиёсий қарашлари ҳам, қисмати ҳам ўхшаш бўлиб чиқади...





*Оқ уй*



*Конгресс (Капитолий биноси)*



*Куба раҳбари Фидель Кастро*



*Жон Кеннеди ва тарихчи Артур Шлезингер (Кеннедилар ҳақида ёзилган машҳур “A thousand days: John F. Kennedy in the White House” ҳамда “Robert Kennedy and His Times” асарлари муаллифи)*



*Жаҳон космонавтикаси отаси Вернер фон Браун  
лойиҳаларни Президентга тақдим этмоқда*



*Америкаликлардан биринчи бўлиб фазога парвоз  
қилган астронавт Аллан Шепард мамлакат  
Президенти томонидан тақдирланмоқда*

## ҒАРБ ПРЕЗИДЕНТИ

Ушбу бобда Президент Жон Ф. Кеннедининг сиёсий фаоллиги юксалиб халқаро миқёсда раҳбар даражасига кўтарилишини кўриб чиқамиз. Бошқаларга ўхшамаган услублари орқали уни бутун Ғарбда ардоқлай бошлашади, бошқача қилиб айтганда, Кеннеди ҳам АҚШ, ҳам Ғарбий Европа мамлакатларининг лидерига айланади.

Кеннеди ўзининг бир минг ўттиз олти кунлик президентлик даврида Американинг энг буюк президентлари Жорж Вашингтон, Авраам Линкольн ва Франклин Рузвельтлардан кам иш қилмади. Шу қисқа вақт ичида у юртнинг барча соҳаларида керакли ва зарур бўлган ислохотларни амалга оширди. Хусусан, қуроли кучлардаги ўзгаришлар ижобий тус олди. Барчага маълумки, ядро қуроли яратилганидан сўнг АҚШнинг уруш олиб бориш стратегияси ҳам тўлиқ ўзгаради. Энди уруш олиб бориш учун миллионлаб аскарлар зарур эмасди, бир нечта бомба орқали бутун уруш тақдирини ҳал этиб қўйса бўларди. Мудофаа ишларига мўлжалланган давлат бюджетининг маблағи кўп сонли армияга эмас, балки АҚШ ядро захирасини бойитишга қаратилганди. Ҳарбий флот ва пиёда қўшинлари аввалги обрўсини тўлиқ йўқотган эди. Президент Дуайт Эйзенхауэр ўз ташқи сиёсатида “Ялпи қасос олиш” доктринасини қабул қилади. Унга кўра, фавқулодда вазият вақти Совет давлатини ядро қуроли орқали тўлиқ бомбардимон қилиш кўзда тутилганди. Асосий куч ядро қуроли экан, уни манзилга етказиб берувчи воситалар ҳам ривож топа бошлайди. Ушбу воситаларнинг

биринчиси авиация, яъни самолётлар бўлса, иккинчиси баллистик ракеталар эди. Шунинг учун ҳам Эйзенхауэр даврида ҳарбий саноат комплекси кучайиб авиация ва ракета соҳалари гуллаб яшнайди.

Ж.Кеннеди масалани ядро қуроли билан ечиш тарафдори эмасди. Юқорида келтирилганидек, у АҚШ сиёсий оламининг учинчи гуруҳига мансуб эди. У юртнинг позицияларини йўқотишни ёқламасди, аммо бунга ядро қуроли ва Учинчи жаҳон уруши орқали эришишни ҳам истамасди. Кеннеди мамлакатнинг халқаро имижини ва таъсир доирасининг кенгайиш жараёнини ядро қуролларисиз амалга ошириш ниятида эди. Шунинг учун ҳам у ташқи сиёсатда янги “Мослашувчан жавоб қайтариш” доктринасини қабул қилади. Ушбу доктринага кўра, АҚШ халқаро майдонда бўлиб ўтаётган ҳар бир катта-кичик таҳдидларга муносабат билдириши ва коммунизмни нима бўлса, олдинга силжиб кетишига йўл қўймаслиги керак эди. Яъни дунёдаги барча зиддият ва урушларга АҚШ аралашади ва Совет давлатининг вазни ортиб кетишига зинҳор йўл қўймайди. Бундай кичик зиддиятларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва ғалаба қозонишда ядро қуролини ишлатиб бўлмасди. Чунки бир неча юз кишини деб шаҳарларни вайрон қилиш мантиқсиз эди. Шунинг учун армия ва флот қайта тикланади. Мудофаа ишларида яна асосий эътибор инсон кучларига қаратилади. Денгиз пиёда кучлари аввалгидек АҚШ ҳарбийлари тимсолига айланади. Ўша

машхур 101-дивизия<sup>47</sup> эса янада ривож топа бошлайди. Армия сони яна бешта дивизияга ортади.

Бундан ташқари, Кеннедининг янги доктринаси “кичик урушларни” талаб этарди. Бунақа урушларга эса махсус қўшинлар зарур бўларди. Шунинг учун ҳам Кеннеди бошчилигида АҚШ Махсус қуролли кучлари (спецназ) ёки Green Berets (“Яшил беретлар”) бўлинмалари ташкил этилади. Ушбу бўлинмалар Кеннеди давридан бошлаб ҳозирги кунда қадар АҚШнинг барча уруш ва зиддиятларида иштирок этиб махсус вазифаларни бажариб келмоқда. “Яшил беретлар” АҚШда 101-дивизия каби юксак эътирофланади. Мана шу ислохотлар учун армия ва флот ҳозир ҳам Кеннедининг исми-ни улуғлаб ёд олишади.

“Мослашувчан жавоб қайтариш” доктринаси орқали АҚШ ташқи сиёсатда барча урушларга аралаша бошлайди, шу жумладан Конго, Вьетнам, Германиядаги тўқнашувларга ҳам. Барча қуролли тўқнашувлар кечаётган ҳудудларда бевосита ёки билвосита АҚШ ҳарбийлари жалб этилади. Доктрина самара бера бошлайди, АҚШнинг позициялари мустақамланади, натижада, Жон Кеннеди бутун Ғарб оламининг қаҳрамони ва лидерига айланади. Германияда бўлиб ўтган воқеалар ушбу сўзларимизнинг яққол исботидир.

---

<sup>47</sup> 101-дивизия – АҚШ ҳарбий десант кучлари. 1942 йили ташкил тошган. Иккинчи жаҳон урушидан бошлаб ҳозирги кунга қадар АҚШ олиб борган барча асосий урушларга жалб этилган. Дивизия Ғарбда ҳарбий фахр тимсоли ҳисобланади. Уни қайта тикланилишида Кеннеди администрациясида Бирлашган штаблар қўмитаси бошлиғи генерал Максвелл Тэйлорнинг ҳам ўрни катта, чунки, айнан, у Иккинчи жаҳон урушида ушбу дивизиянинг генерали бўлган эди.

Маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Германия ҳудудида икки давлат вужудга келганди. Бири АҚШ билан иттифоқдош Германия Федератив Республикаси (ГФР) бўлса, иккинчиси социалистик Германия Демократик Республикаси (ГДР) эди. Шарқий Германия ҳудудида жойлашган Берлин шаҳри ҳам икки қисмга бўлинганди. Шарқий Берлин ГДРга тегишли эди, Ғарбий Берлин эса ГДР ҳудудидаги ГФРнинг эксклави эди<sup>48</sup>. Ғарбий Берлинда ГФР каби яшаш шароитлари анча яхши эди. ГДРдан фарқлироқ Ғарбий Германияда инсонларда эртанги кунга умид ҳисси бор эди. Шунинг учун ҳам Шарқий Германия аҳолиси Ғарбга қочиб кетиш ҳолатлари кучаяди. Бу ҳолат, айниқса, икки Берлин ўртасида авж олади. Натижада, Совет давлати раҳбариятининг топшириғига биноан 1961 йили Шарқий Берлин аҳолисини Ғарбга қочиб кетмаслиги учун шаҳарнинг ўртасидан девор қурилади. Девор ҳарбийлар томонидан мустаҳкам қўриқлай бошланади ва ундан ошиб ўтганлар ўлим билан жазоланади. Кеннеди администрацияси бу ишларни АҚШ миллий манфаатлари учун таҳдид деб қабул қилади. Чунки ташқи сиёсат “Мослашувчан жавоб қайтариш” доктринасига асосланганди ва унга кўра, барча кичик муаммоларга ҳам муносабат билдирилиб, коммунизмнинг кудратини ошиб кетишига қаршилик қилиш лозим эди. Администрациядаги ҳарбий “қирғийлар” ГФРга НАТО доирасида ёрдам беришни президентга маслаҳат қиладилар. Аммо Жон Кеннеди Ғарбий Германия-

---

<sup>48</sup> Эксклав – бирон бир давлатнинг бошқа бир давлат ичида жойлашган ҳудуди. Анклав бунинг тескараси, яъни бирон бир давлат ичида жойлашган бошқа бир давлатнинг ҳудуди.

га нисбатан ҳеч қандай хавф йўқлиги ва ёрдам керакмаслигини таъкидлайди. Девор ГДР ҳудудида қурилаётган эди ва бунга уни ҳуқуқи бор эди. Чунки исталган давлат ўз ҳудудида девор ёки бошқа бир иншоот қуришга ҳақли. Кеннедининг жавобидан қоникмаган генераллар унга босим ўтказишга ҳаракат қилишади ва уни давлатни халқаро майдонда обрўсизлантиришда айблашади. Бунга президент ушбу девор аслида АҚШ мағлубияти эмас, балки ғалабаси эканлигини исботлаб беради. Одамлар социалистик давлатдан демократик ҳудудга қочаётганлиги социализм шунга арзишини англатарди. Агар у ерда яшаш шароитлари яхши бўлганида, улар ўз уйларини тарк этмаган бўларди. Бу яна бир бор коммунизмнинг асл баъшарасини очган далил эди. Мантиқан бу ҳодисада АҚШ ғалаба қозонган эди. Шундай қилиб, Кеннеди “қирғийлар”нинг “оғзини ёпиб қўяди”. Мана шу хислат Кеннедининг таҳсинга лойиқ характеридан далолат беради. Ҳа, балки у яхши президент бўлмагандир, балки шахс сифатида ҳам номуносибдир, аммо у урушни ўзларига касб қилиб олган генералларга қулоқ солмайди ва ҳар бир қадамда тинчлик масалалари устуворлигида дипломатия орқали ҳаракатланади. Дипломатия, яъни тинчликка йўналган восита, Кеннедининг сиёсий кредосига айланади. Халқаро миқёсдаги кўпчилик олимлар ҳам Президент Кеннедининг, айнан, шу хислатини алоҳида эътироф этишади. Чунончи, унинг президентлик даври Совуқ урушнинг энг кульминацион нуқтасига тўғри келганди, аммо у “қирғийлар”га йўл очиб бермади ва масалалар ечимида дипломатияни танлади. Гарчанд, бу баъ-



зи вазиятларда АҚШнинг миллий манфаатларига тўғри келмаган бўлсада, аммо зинҳор инсоният учун зарар қилмади. Кеннеди инсониятни сиёсатдан устун деб билди ва у даврида АҚШ кўпгина мағлубиятларга учради, аммо булар инсоният тинчлиги учун самарали бўлди. Агар “қирғийлар”га қулоқ тутганда, оддий бир кичик тўқнашувдан ҳам яна бир жаҳон уруши бошланиб кетиши мумкин эди. Кеннеди танлаган сиёсий йўналиш ўзини оқлади ва бу унинг имижига ижобий таъсир этди. Натижада, Кеннеди Ғарбнинг сардорига айланди.

Девор қурилишига эътибор бермагани билан Кеннеди Германия масаласини шундайлигича ҳам қолдирмайди. Чунки Совет давлати Германия билан тинчлик шартномасини имзолашини баён этади. Шу вақтгача бу содир бўлмаганлиги тўғрисида АҚШ ва Совет давлати ўз кучларини у ерда сақлаб турарди, аммо тинчлик ўрнатилса, АҚШ ҳам, Совет Иттифоқи ҳам Берлиндан чиқиб кетишига тўғри келарди. 1961 йили Вена шахридаги йиғилишда Совет раҳбари Никита Хрущёв шу тўғрисида Кеннедини огоҳлантиради, аммо Жон Ғарбий Берлин АҚШ учун Европада ҳаётий манфаат эканлигини ва у ердан кетиш бутун Ғарбий Европадан чиқиб кетишига олиб келиши ва АҚШ бунга зинҳор кўнмаслигини айтади. Хрущёв эса “агар уруш бошланса, Кеннеди охириги АҚШ президенти бўлиши мумкинлиги” билан ҳазиломуз таҳдид қилади. Вазият кескинлигини инобатга олиб Кеннеди Ғарбий Берлинга яна бир ярим минг нафар америкалик аскарларни сафарбар этади. Натижада, Хрущёв масалани бироз вақт ортга суради. У ўзининг “Деворга бўлган муҳаббатини” изҳор эт-

ган Шарқий Германияга уюштирган ташрифидан сўнг, Жон Кеннеди ҳам 1963 йили 26 июнь сана-сида Ғарбий Берлинга ташриф буюради. Бу ерда у ўзининг тарихий “Мен берлинликман” нутқини сўзлайди. Президентни бутун Берлин аҳолиси кутарди. Улар гўёки Кеннедида халоскорни кўрарди. АҚШнинг обрў ва қудрати ҳеч қачон бунчалик юқори бўлмаганди. Европада ҳали ҳеч қачон Америкалик раҳбарни бундай кутиб олишмаганди. Бу ташриф АҚШ тарихидаги энг сенсацион нуқта бўлиб ёдда қолади. Берлин кўчаларида одамлар тўхтовсиз: “Кеннеди, Кеннеди!” дея бақириварди. Улар ўз раҳбарларига қараганда ўзга юрт президентига кўпроқ ишонишарди. Уларнинг кўз ўнгида Кеннеди совет таҳдидидан халоскор сифатида келганди.

Бу пайтга келиб қаҳрамонимиз тарихий лидер сифатида шаклланиб бўлганди. Унинг Берлиндаги ишончли нутқи бундан далолат берарди. Ўзининг “Мен берлинликман” маърузасида Кеннеди шундай гапларни айтади: *“Қачонлардир civis Romanus sum”<sup>49</sup> ибораси чуқур фахр туйғусини англатарди. Бугун Ich bin ein Berliner (“Мен берлинликман”) сўзлари юксак ифтихор маъносини билдиради. Озодликнинг кўп машаққатлари бор ва демократия ҳам мукамал эмас, аммо биз ҳеч қачон девор қуриб ўз фуқароларимизга тўсқинлик қилмаганмиз. Озодлик – бу бутун тушунча, агар бир киши қул бўлса, бу ҳамманинг қарамлигидан далолат беради. Ҳамма озод бўлган кун бу шаҳар ҳам бирлашади. Барча озод*

---

<sup>49</sup> “Civis Romanus sum” – “Мен Рим фуқаросиман”. Қадимги Римнинг давлат шиорига айланган ибора. Ҳозирги кунда ҳам юксак фахр, ғурур-ифтихор маъноларини англатиб келади.

*инсонлар, қаерда яшашидан қатъий назар бугун Берлин фуқароларидир. Шунинг учун мен ҳам озод инсон сифатида улкан ғурур туйғуси билан дейман Ich bin ein Berliner!”*

Ж.Кеннедининг сўзларидан оломон жунбишга келади, Берлинда охирги бор бундай ҳолатлар III-рейх даврида Адольф Гитлернинг маърузалари вақти юз берарди.

“Мен берлинликман” ибораси қуйидаги сиёсий маънога эга эди. АҚШ президенти ўзини Берлин фуқаросиман деб берлинликлар билан бир эканлигини, улар бошига қандай кулфат ёғилса, бирга барини баҳам кўришини ва нима бўлганда ҳам уларни ташлаб қўймаслигини ифодаламоқчи эди. Бу немислар учун ҳеч қандай қўрқув йўқлиги, фавқулодда вазият вақти АҚШ уларни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилишга тайёр эканлигини англатарди. Бир вақтни ўзида бу Совет Иттифоқига йўналган дипломатик хабар эди, яъни агар улар Ғарбий Германияга таҳдид этсалар, АҚШ Германия учун ҳатто урушга боришга ҳам тайёрлигини ифодаловчи сўзлар эди. Бундан ташқари, мазкур нутқда Американинг либерал ғояларининг намунасини кўришимиз мумкин бўлади. Яъни уларга кўра, либераллар дунё ишлари ва бир-бирларига бефарқ эмаслар, бунинг учун улар кураш олиб боришга ҳам тайёрлар. Кеннедининг “Озодлик – бу бутун тушунча” сўзларида, айнан, мана шу қарашлар акс этганди. Ушбу ташрифдан сўнг демократик оламда АҚШнинг позициялари ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилади. Европалик ва америкаликларнинг ишончи Президент Кеннедига нисбатан шу даражага етадики, натижада, уни

мажозий маънода *Ғарб президенти* деб ҳам аташимиз мумкин бўлади.

Шундай қилиб, бизнинг қаҳрамонимиз нафақат ўз юрти, балки ўзга мамлакатларда ҳам юксак ҳурмат соҳибига айланади. Китобнинг кейинги бобида ушбу инсоннинг дунё миқёсидаги шахсга айланиши тўғрисида сўз олиб борамиз.



*Жон Кеннеди, Линдон Жонсон, Дуайт Эйзенхауэр ва  
Гарри Трумэн – АҚШнинг 35, 36, 34 ва  
33-президентлари.*



*1961 йил Берлин девори қурилиши*



1963 йил 26 июнь Ғарбий Берлин. “Ich bin ein Berliner!”

## ХАЛОСКОР

Президент Жон Кеннедининг сиёсий фаолиятидаги бошдан кечирган энг улкан иши бу 1962 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган Кариб инқирозидир. Ушбу тарихий воқеа ўн уч кун давом этиб (14-28 октябрь) Совуқ урушнинг энг юқори чўққиси ҳисобланади, чунки ушбу икки ҳафта ичида дунё Учинчи жаҳон уруши ёқасига келиб қолган эди.

Кариб инқирози ҳолатини ўрганар эканмиз, авваламбор, унинг келиб чиқиш илдизига аҳамият беришимиз лозим бўлади. Гап шундаки, 1959 йили АҚШ ўзининг НАТО ташкилоти бўйича иттифоқдоши Туркия худудига ўз ядро қуролларини олиб киради. Туркиядаги ракеталар билан Совет Иттифоқининг асосий шаҳарлари Москва ва Ленинград(ҳозирги Санкт-Петербург)ни бемалол мўлжалга олса бўларди. Ўз ўрнида Совет давлатининг ядро аслаҳалари АҚШ худудидан анча узоқда жойлашган ва улар Америкага тўғридан-тўғри таҳдид қила олишга имконияти камроқ эди. Бинобарин, 1959 йилги Куба социалистик инқилобидан сўнг советлар Ғарбий ярим шарда янги “ука”га эга бўлиб олишади. Эндиликда Куба совет ядро стратегиясининг ажралмас бир қисмига айланади. Москвада ҳам, Вашингтонда ҳам Кубага Америка шундайлигича озодликни бериб қўймаслигини яхши билишарди. Эртами-кечми АҚШ Кубани яна “ўзиники” қилиб олиши равшан эди. Бунга мисол ўша биз юқорида кўриб чиққан омадсиз Кочинос авантюраси бўлиши мумкин. Мағлубиятга учрашига қарамай, АҚШ яна бир бор Кубага ҳужум уюштиришни режалаштираётганди. Бундай ҳолатда Кубага мудофаа ишларида “сеҳрли таёқча” керак эди, чунки бу сафар ҳаммаси аввалгидек омадли кечишига ҳеч

ким кафолат бера олмасди. Совет Иттифоқининг бу борадаги таклифи Куба ҳукумати учун айна муддао бўлади.

1962 йил октябрь ойида Совет давлати “Анадирь” махфий операциясини амалга ошириб, Куба худудига қирқ иккита ядро ракетасини жойлаштиради. Ракеталар Куба соҳилларига очиқ майдонга ўрнатилиб, атайин кўзга ташланадиган қилиб қўйилганди (булардан асли мақсад АҚШни қўрқитиш ва ўз қудратини намойиш этиш эди, чунки, айнан, шундай сиёсий ўйинлар орқали давлатларнинг халқаро майдондаги позициялари ошиб боради). Куба устидан учиб ўтган “У-2” русумидаги жосус-самолётлар ракеталар жойлашган худудни расмга олиб Президент администрациясига юборади. Қўққисдан келган бу шум хабар бутун администрацияни хавотирга солиб қўяди, чунки рақиб ҳали ҳеч қачон АҚШга бунчалар яқин келмаганди. Кубадаги ракеталар билан АҚШнинг пойтахт-шаҳарлари бўлмиш Вашингтон ва Нью-Йоркни бомбардимон қилиш мумкин эди. Бу АҚШ миллий хавфсизлиги учун таҳдид бўлса, унга жавоб қайтариш бутун дунё учун хатарли эди. Чунки вазиятдан чиқиш учун АҚШ ҳимояланишга мажбур эди, бу эса ядро урушига олиб келиши эҳтимолидан йироқ эмасди.

АҚШнинг ядро салоҳияти Совет Иттифоқига қараганда анча кучлироқ эди, аммо Хрушчёв вазиятдан фойдаланган ҳолда рақибга босим уюштириб ўз позицияларини Ғарбий ярим шарда мустаҳкамлаб олмоқчи эди. Кубадаги ракеталар орқали АҚШни доимий қўрқувда сақлаб туриш имкони мавжуд эди.



Бундан ташқари, СИА хизмати маълумотларига қараганда, Куба томон йигирма бешта совет кемалари яқинлашиб келаётганди. Кемаларда нима борлигидан ҳеч кимни хабари йўқ эди, аммо катта эҳтимол билан уларда Кубадаги ядро ракеталарни активлаштиришга мўлжалланган ускуналар борлиги тахмин қиланаётганди. Кемаларга атом суви ости крейсорлари ҳамроҳлик қилаётганлиги масала жиддийлигидан далолат берарди.

Шу ҳолатда “қирғийлар” Кеннедидан масалани ҳарбий йўл билан ҳал этишни талаб этади. Яъни Кубага ҳужум қилиб ракеталарни йўқ қилиш сценарийсини ишлаб чиқиш вазифасига рухсат сўрашади. Аммо администрацияда президентнинг асосий маслаҳатчисига айланиб улгурган Роберт Кеннеди “бу хато йўл эканлигини, Иккинчи жаҳон урушида ҳам Япония Пёрл-Харборга ҳужум қилиб кейин жазоланганлигини” айтиб ўтади. Яъни ушбу ҳолатда қурол ишлатилса, бу ўз-ўзидан ҳеч кимга керак бўлмаган жаҳон ядро урушига сабабчи бўлар эди. Яхши билим соҳиблари бўлган ака-ука Кеннедилар вазиятдан чиқишда тарихга таяниб иш тутишни лозим деб билишади.

Жон Кеннеди телевидение орқали Америка халқи, Совет ҳукумати ва бутун дунёга мурожаат қилади. Ўз нутқида у “Кубадан отилган ҳар бир ракета Ғарбий ярим шардаги қайси давлатга йўналмасин, Совет давлати томондан АҚШга қилинган агрессия сифатида қабул қилиниши ва бунга АҚШ жавоб қайтариб Совет Иттифоқига ҳужум қилишини” айтиб ўтади. Шу билан бирга унинг мурожаатида “АҚШ бунақа босимга бардош бериши, таслим бўлмаслиги, бўйсунмаслиги

ва ўз мақсадларидан қайтмаслиги” мазмунидаги гаплар ҳам йўқ эмасди. Кеннедининг “АҚШ озодлик учун ҳамиша курашиб келган, аммо озодликни деб тинчликдан воз кечиш керак эмас, озодлик ва тинчлик яхлит тушунчадир” сўзларида унинг администрацияси масалага дипломатия орқали ёндашаётганлигини англатарди. Демак, ушбу инқироз вақтида Кеннеди бошидан тинчликни асосий мақсад деб билади ва нима бўлса ҳам ҳарбий можародан қочишга интилади. Бинобарин, унинг нутқида Совет Иттифоқига нисбатан таҳдид ҳам бор эди. Бу билан у ядро урушини ҳам сўнгги чора сифатида қабул қилганди.

Биргина мурожаат билан масала ҳал бўлиб қолмасди, шунинг учун ҳам тезроқ керакли бўлган қарорларни қабул қилиш шарт эди. Кубадаги ракеталарни дипломатия орқали олиб ташлаш йўли кўринмаётганди. Бунинг устига, улардан хавф ҳам келмаётганди. Агар улар ҳужумга тайёр бўлганида, аллақачон керакли манзилларга етиб борган бўларди. Шунинг учун Кеннеди бош эътиборни Кубага яқинлашаётган ҳарбий кемаларга қаратади ва уларни нима бўлса ҳам Кубага киритмасликка қатъий буйруқ беради. Администрация вакиллари Кубани ўраб олиб блокада қилишни таклиф қилади. Аммо халқаро ҳуқуққа кўра ҳаммага тегишли бўлган океанларда блокада тақиқланарди. Кеннеди буни блокада эмас “карантин” деб эълон қилишни таклиф этади. Карантинга ҳеч қайси халқаро ҳужжат қарши эмасди. Бир сўзни бошқаси билан алмаштириб Кеннеди бутун халқаро ҳуқуқ нормаларини четлаб ўтиб кетади. Бу ушбу нормалар системаси мўртлигидан ва йирик давлатлар

манфаатлари тўқнаш келганда баъзида ишламаслигидан далолат берарди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, АҚШ ташқи сиёсатда “СССРни тийиб туриш” доктринасига таянган ҳолда иш тутарди. Совет кемаларини Кубага ўтказиб юбориш ушбу доктринани бир тутам қоғоз парчасига айлантирарди. Чунки бу билан позицаялар йўқотиларди ва коммунизмнинг кучи ортарди. Айнан, шунинг учун ҳам Кеннеди кемаларни тўхтатишни буюради ва юзга яқин АҚШ ҳарбий кемаларини сафарбар этади, лекин бу АҚШ биринчи бўлиб ҳужум қилади дегани эмасди. Яъни АҚШ ўз кемалари билан советларнинг йўлини тўсади ва рақиб ҳужум қилмагунча кутиб туради. Нега деганда биргина отилган ўқ ҳам кетидан юзлаб ядро ракеталарининг кўтарилишига олиб келиши мумкин эди.

АҚШ кемалари советларнинг йўлини тўсишга чоғланган вақти, махсус хизмат орган вакиллари Кеннедига Совет Иттифоқи урушга тўлиқ тайёр эканлиги тўғрисида хабар беради, шунда у ҳам Олий бош қўмондон сифатида DEFCON<sup>50</sup>ни 2-даражага кўтаришга топшириқ беради. Бунинг натижасида Пентагон “қирғийлари”нинг даври келади ва бу уруш хавфини янада кучайтиради.

АҚШда ҳарбийлар урушни исташса, Совет давлатида Хрущёв нима хоҳлаётганлигини ҳеч ким билмасди. Кариб инқирозидан бир йилдан ошиқ

---

<sup>50</sup> DEFCON (Defence readiness condition) – АҚШ қуроли кучларининг ҳарбий тайёргарлик кўрсаткич даражаси. Беш даражадан иборат. DEFCON-5 тинчлик вақтидаги ҳар кунлик ҳолатдир, DEFCON-1 максимал тайёргарлик бўлиб фақат уруш вақти вужудга келади, бу ҳолатда ядро қуролини ишлатиш кўзда тутилади. DEFCON-2 ҳам мудофаанинг юқори кўрсаткичи бўлиб, у АҚШ тарихида фақат бир бор, айнан, Кариб инқирози вақти шу даражага чиққан.

вақт аввал Кеннеди ҳамда Хрушчëв Вена шаҳрида учрашгандилар. Ўшанда Хрушчëв анча дадил гапириб Кеннедига босим ўтказишга ҳам ҳаракат қилиб кўрганди. Мана энди бу ҳолатда вазият анча жиддий эди. Аммо Хрушчëв ўзи мустақил иш тутаётганлиги ёки у ҳам ҳарбийлар босими остида ҳаракатланаётганлигини билиб бўлмас эди.

Шунинг учун ҳам аввалига Роберт Кеннеди Совет давлатининг АҚШдаги элчиси А.Добринин билан учрашади. Лекин музокаралар вақти шу аён бўладики, Добринин ракеталар ҳақида ҳеч нима билмасди ёки ўзини билмасликка соларди. Шундан сўнг, Совет Иттифоқининг АҚШдаги элчихонасида Президент Кеннеди ҳамда Совет давлати ташқи ишлар вазири Громико<sup>51</sup> ўртасида ҳам учрашув бўлиб ўтади (Бу тарихий учрашув эди, чунки АҚШ президенти биринчи бор совет элчихонасига ташриф буюрганди). Аммо бунда ҳам натижа бўлмайди. Громико Кубада ракеталар йўқлигини таъкидлайди. Айрим маълумотларга қараганда, душманни ишончли алдаш мақсадида Кубадаги ракеталар ҳақида ҳатто элчихонага ҳам Москвадан хабар берилмаган экан.

Бундан ташқари, америкаликлар ушбу масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессиясида ҳам кўтариб чиқишади. Совет элчиси В.Зорин буни “туҳмат” деб атаса, АҚШ элчиси Эдлай Стивенсон

---

<sup>51</sup> Андрей Громико (1909-1989) – совет давлат арбоби, дипломат, Ташқи ишлар вазири (1957-1985), Совет давлати Олий Совет Президиуми раиси (1985-1988), иқтисод фанлари доктори. БМТнинг Хавфсизлик кенгашида 20 мартадан зиёд вето ҳуқуқидан фойдалангани учун “Мистер Нет” (“Mr. No”) лақабини олган, 28 йил давомида совет ташқи ишлари раҳбари сифатида ишлаган. “Бир кунлик урушдан кўра ўн йиллик музокаралар афзал” сўзлари унинг фаолиятидаги шиори бўлган.

фотосуратлар билан аниқ исботлар келтириб, бутун халқаро ҳамжамият орқали Совет давлати ва Кубага босим уюштиради. Натижада, халқаро майдонда Совет давлати ядро қуроли билан таҳдид қилаётган агрессор бўлиб қиёфаланади, бу эса масалани ижобий томонга ҳал этилишига маълум бир ҳисса қўшади.

Кеннеди дипломатияга катта умид билдираётган эди, аммо вазият шундай қалтис эдики, кичик бир салбий силжиш ҳам ташаббусни уруш истаётган ҳарбийлар қўлига бериб қўйиши мумкин эди. Вазиятга қараб учта муҳим қадам сценарийси ишлаб чиқилади. Биринчиси, АҚШ Совет давлатининг кемаларини тўхтатади. Улар ўртасида жанг бошланиши билан АҚШ иккинчи қадамга ўтади, яъни Кубадаги ракеталар самолётлар орқали йўқ қилинади ва АҚШ Куба ҳудудига бостириб киради. Бунга жавобан Совет давлати Ғарбий Берлинни эгаллайди. Кубадаги рус аскарларининг ўлими ҳамда Берлиннинг эгалланиши икки томондан ҳам урушга киришни талаб этади. Натижада, учинчи қадам ядро уруши бошланади.

Бу қўрқинчли сценарийни Совет давлатида ҳам, АҚШда ҳам истамаётган сиёсатчилар жуда кўп эди, аммо ҳар икки томоннинг агрессив ҳарбийлари раҳбариятни бунинг тескарисига ундашаётганди. Вазият шу даражага етадики, Кеннеди ҳатто Ричард Никсонни ҳам таклиф қилиб “агар у президент бўлганида, ушбу ҳолатда қандай иш тутишини” сўраб кўради.

Куба соҳиллари олдидаги кемалар тўқнашуви барчаси қандай ривож топишини аниқлаб берарди. Энди ҳаммаси флотга боғлиқ эди. Кеннеди

рақиб кемаларини тўхтатишни буюради, аммо ўқотишни фақат унинг рухсати билан амалга оширишни қатъиян талаб этади. Кемалар тўқнаш келганида нима юз беришини ҳеч ким билмасди. Шунинг учун ҳам, фавқулодда вазият учун оммавий эвакуация чоралари ҳам кўриб чиқиладиган бошланади. Агар ядро уруши бошланса, Президент ва унинг администрацияси бункерларда ўз фаолиятини олиб боришларига тўғри келарди. Аммо бахт устига совет кемалари карантин чизиғига етган вақт бирданига ортга буриладилар. Администрацияда “Хайрият, уруш бўлмади” деб ходимлар бир бирларини табриклашни бошлашади...

Совет давлатининг АҚШдаги жосуслари орқали администрацияга шахсан Хрушчёвдан нома келади. Унда советлар ҳам тинчликни истаётганлиги ҳамда АҚШ бундан буёғига ҳеч қачон Кубага ҳужум қилмаслиги эвазига Совет давлати ўз ракеталарини у ердан олиб чиқиб кетиши ваъда қилинганди. Бундан қувонган америкаликлар жавоб хати тайёрлаётган вақти, Совет давлатидан иккинчи нома келади. Унда юқоридагиларга қўшиб АҚШдан Туркиядаги “Юпитер” ракеталарини ҳам олиб чиқиш талаб этиларди. Администрация бунга рози бўлолмасди, чунки рақиб босими остида иш тутиш мағлубиятни англатарди, шунинг учун ҳам улар вазиятга ойдинлик киритишга ҳаракат қиладилар ва шундай хулосага келишади: биринчи хат шахсан Хрушчёвдан эди, иккинчиси бўлса, Кремлдаги уруш истовчи генераллардан. Шунда Кеннеди биринчи хатга жавоб ёзиб, иккинчисини инкор этишни таклиф этади. Чунки АҚШга кунига минглаб хатлар келарди, дипломатия томони-

дан уларнинг ҳар бирига жавоб қайтармаса ҳам бўлаверарди.

Томонлар энди муроасага келган вақт яна бир воқеа рўй бериб ҳаммасини остин-устин қилиб ташлайди. 1962 йили 26 октябрь куни Кариб инқироzi ўзининг кульминацион даражасига чиқади. Кубадаги ракеталар ҳолатини янада яхшироқ ўрганиш мақсадида АҚШ жосус-самолётлари яқин масофадан уларни суратга олиб, Мудофаа вазирлигига етказишга топшириқ олганди. Табиийки, устиларидан учиб ўтган самолётга кубаликлар ҳам жим қараб турмасди. Шундай ҳолатларнинг бирида Куба узра парвоз қилаётган АҚШ самолёти уриб туширилади, учувчи майор Андерсон эса ҳалок бўлади. Натижада, ҳарбийлар жазавага тушишади ва Кеннедидан дарҳол жавоб қайтариш ва уруш очишни талаб этишади. Бир вақтни ўзида Совет элчихонаси ҳам ушбу нохуш ҳодиса бир тасодиф эканлиги ва самолётни уриб туширишга буйруқ берилмаганлигини таъкидлайди. Айнан, шу вазиятда Кеннеди раҳбар сифатида ўз характерини намойиш этади.

Вазиятга ечим излаб ака-ука Кеннедилар машҳур Барбара Такмэннинг “Август замбараклари” асарига юзланадилар. Ушбу китобда Биринчи жаҳон уруши келиб чиқиши тарихи батафсил ёритилганди. Такмэнга кўра, уруш бошланишида томонлар бир-бирларидаги ички сиёсий вазиятдан яхши хабардор деб ўйлашарди ва бир томон иккинчиси уруш қилиш ниятида деб гумон қилиб жаҳон урушини бошлаб юборишади. Бинобарин, вазият кўринганидек унчалик ҳам кўрқинчли эмасди, аслида ҳолат анча яхши эди. Ҳар давлатнинг ички сиёсатида тинчликни истовчи сиёсатчилар етар-

лича эди, аммо душман олдидаги қўрқув ва ваҳима уларни урушга бошлайди, ваҳоланки, яна бир оз вақт сабр қилинганида ёки дипломатик воситалар ишга солинганида урушни олдини олса бўларди. Мана энди Совет давлати ва АҚШ янги бир уруш ёқасида туришганди. Вазият жиддий, бир учувчи ҳалок бўлган, Кубада ракеталар жангга шай, икки томон ҳам тотал уруш олиб боришга тайёр, аммо бу яна бир тарихий аҳмоқлик қилиш дегани эмасди. Икки томонда ҳам раҳбарият даражасида урушни хоҳламаётган ва тинчлик учун курашаётган инсонлар бор эди. Муҳими улар ёвузларга ўз сўзини ўтказиб бир-бирлари билан ҳамкорлик қилса, вазият ижобий томонга ўзгарарди.

Нега бизга тарих керак? Тарихий воқеалар улкан тажриба масканидир, биз ҳар кунлик ҳаётда тўқнаш келаётган муаммолар, албатта, ўтмишда ҳам кимдир бошидан кечирган. Тарихни пухта ўзлаштирсак, муаммоларга ечим ҳамда керакли бўлган хулосаларга келишимиз мумкин бўлади. Биз кўпинча тарихга юзланган вақтимиз “бошқача ҳам бўлиши мумкин эдику, нега шунча вариант турганида давлатлар, шахслар, айнан, шу йўлни танлашди?” деб савол берамиз. Аслида, бошқа вариантлар бизга маълум, ўша вақти эса вазият тўғирлаб бўлмас кўриниб баъзида мантиқсиз бўлган хатти-ҳаракатларга олиб келади. Агар мана шуларни инобатга олсак кунлик ҳаётимизда дуч келаётган муаммоларимизга ҳам ечим излаганимизда “бўлди, ҳаммаси тамом, ўзга чора йўқ” дейиш хато бўлади, чунки имкон ва вазиятни яхши томонга ўзгартириш вариантлари ҳамиша мавжуддир, тарих бунинг исботидир.



Кеннеди ҳам қалтис, охири кўринмаётган ва ҳаммаси урушга олиб бораётган вазиятда тарихга юзланиб вазиятни яна бир бор ижобий томонга ҳал этишга ҳаракат қилиб кўради. Албатта, урушни истовчи ҳарбийлар кўзида у кўрқоқ бўлиб кўринарди, аммо тинчлик учун бу керак эди. Чунки рақиб томондан Хрушчёв ҳам унинг ҳолатида бўлиши мумкин эди. Иккаласи ҳам босимга бардош беролмасдан ёвуз инсонларга йўл очиб берса, ҳаммаси тамом бўларди. Чунки ёвузлик ғалаба қозонишига керак бўлган ягона нарса – бу яхши инсонларнинг ҳаракатсизлигидир. Агар бир-бирлари билан келиша олса, иккиси ҳам ютиб чиқарди. Шунинг учун ҳам Хрушчёв томон яна бир қадам қўйилади.

Кариб инқироzi ҳал этилишида Бош прокурор Роберт Кеннеди алоҳида жонбозлик кўрсатади. Гарчанд, унинг иши ташқи ишларга боғлиқ бўлмасада, совет элчихонаси билан у орқали диалог олиб бориларди. Чунки бу ишни бажаришга администрацияда энг лойиқ кадр, айнан, у эди. Добринин билан яхши контакт ўрнатган Бобби охирги нажот қадами учун президент томонидан танланади. Энди унинг елкасида икки супердержавани тинчлантириш махсус миссияси ётарди. Администрация томонидан зинҳор Туркиядаги ракеталарни олиб чиқиш вариантыга рози бўлмаслик талаб этиларди. Чунки бугун ушбу талаб қабул қилинса, эртага рақиб Берлинни кейин яна бошқа худудларни талаб этиши мумкин эди. Машҳур афиналик раҳбар Перикл айтганидек “Душманга бир қадам ҳам ён бермаслик шарт, чунки бугун бир қадам ташлашга имкон берилса, мендан

қўрқяпти деб, эртага яна бошқа қадам ташлайди”. Бунни Кеннеди атрофидаги одамлар яхши билишарди ва принциплар учун нима бўлса ҳам Туркиядаги ракеталарни сақлаб қолиш ниятида эдилар (бинобарин, у ердаги ракеталар эскириб қолганди. АҚШ уларни янгилари билан алмаштиришни анча аввал режа қилганди). Бунинг устига, бу “тийиб туриш” сиёсатига ҳам тўғри келмасди. Кубанинг озодлиги сақланиб қолиниши ҳам катта йўқотиш эди. Бунга Туркияни ҳам қўшиб берса, АҚШ 1:2 ҳисобда мағлуб бўларди. Бу эса на АҚШ ташқи манфаатларига, на тарихий раҳбар бўлишни орзу қилган Кеннедининг хоҳиш-истакларига мос келарди.

Бобби Кеннеди унчалик ҳам музокараларга уста эмасди, аммо ундан бошқа бу вазифани бажарадиган инсон ҳам йўқ эди. Агар у юмшоқлик кўрсатса, рақиб АҚШни кучсиз деб ўзининг позицияларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди. Агар қаттиққўллик билан ёндашса, рақибни биринчи бўлиб ҳужум қилишга мажбур қилиши мумкин эди. Чунки Добринин билан учрашганда Роберт унга агар советлар 2 кун ичида Кубадан ракеталарини олиб чиқиб кетишга рози бўлмасалар, АҚШ 28 октябрь куни Кубага ҳужум қилишини айтиши лозим эди. Ўртада АҚШ учувчиси ҳалок бўлганди ва Кеннеди бунга жавоб беришга мажбур эди. Шунинг учун ҳам энди талабни Америка қўярди. Аммо агар Совет давлати рози бўлмаса, улар АҚШнинг 28 октябрга бўлган режаларидан хабар топарди ва бунга тайёргарлик кўриб ўзлари биринчи бўлиб ҳужум қилишлари эҳтимоли ҳам мавжуд эди. Бундай қалтис вазият ўта эҳтиёткорликни талаб этарди.

Вазиятни тенгма-тенг ҳал қилишга ишонма-

ган Кеннеди укасига ҳар эҳтимолга қарши яна бир “кузир”ни беради. Бу Туркия “кузири” эди. Яъни у ердаги ракеталар, барибир, эскириб қолганди, аммо советларни талаби билан уларни олиб чиқиш шармандалик ва қўрқоқликни англатарди. Шунинг учун президент уларни олти ойдан кейин олиб чиқишни ваъда қилади, аммо бу ҳақда ҳеч қайси оммавий ахборот воситаларида гапирилмаслиги талаб этилади. Яъни бу Кеннеди ҳамда Хрушчëв ўртасида махфий келишув бўлиб, уни ҳеч ким билмаслиги лозим эди. Вазият юмшагандан сўнг, дунё бу инқирозни унутганидан кейин АҚШ ўз ракеталарини Туркиядан олиб кетарди. Олти ой вақт оралиғи бу икки воқеани бир-бирига боғлиқ эмас қилиб кўрсатарди.

Бобби шундай ҳам қилади. Биринчи талабга кўнмаган Добрининга у махфий бўлган иккинчи таклифни ҳам айтади. Аммо Добринин бунинча нафақат Хрушчëв, балки бошқа совет раҳбарларига ҳам айтиш кераклигини таъкидлайди<sup>52</sup>. Шунда Роберт Кеннеди тинчлантириш керак бўлган раҳбарларнинг барчасига бу келишув ҳақида оғиз очиш мумкинлигини айтади. Фақат келишувни бир шарт бор эди, у махфий қолиб, бирон бир ОАВда бу ҳақида маълумот кетмаслиги керак эди. Добринин таклифни қабул қилади ва 28 октябрь куни Совет раҳбари Н.Хрушчëв радио орқали Президент Кеннедига мурожаат қилиб, советлар ҳам урушни истамаслигини ва тинчлик бебаҳо неъмат эканлигини таъкидлайди. Совет Иттифоқи АҚШ таклифини қабул қилади, яъни улар Куба

---

<sup>52</sup> Гап Совет ташқи сиёсатига таъсири кучли бўлган махсус органлар генераллари ҳамда сталинчилар ҳақида кетмоқда.

худудидан ўз ракеталарини олиб чиқади, АҚШ Кубага бошқа таҳдид солмайди ва олти ойдан сўнг ўз қурулларини Туркиядан олиб кетади. Тўғри, бу Кеннедининг мағлубияти эди, чунки у бир позиция учун икки муҳим қадамни йўқотганди, аммо бу жаҳон тарихида инсоният ва унинг тинчлиги йўлида қўйилган энг катта қадамлардан бири эди. Шунинг учун ҳам Жон Кеннедини дунёни ядро урушидан асраб қолгани учун *халоскор* деб аташади.

Бу воқеалардан сўнг президентнинг обрўси халқ ичида янада ортиб кетади ва унинг яна тўрт йилга сайланилишига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмайди. Аммо ушбу ҳаракати билан Кеннеди ўзига кўпгина душманларни ҳам орттириб олади. Сиёсат ва армияда айрим агрессив амалдорлар уни номуносиб инсон деб ҳисоблай бошлайди. Улар учун фақат давлат манфаати бор эди, шунинг учун ҳам энди улар давлатнинг манфаатларини устун деб билмайдиган “қўрқоқ раҳбарни” олиб ташлаш хулосасига келадилар...

Кариб инқирозидан сўнг юк ташувчи кемаларни назорат этувчи тизим ишлаб чиқилади, чунки Кубага ракеталар, айнан, шу турдаги кемалар орқали олиб келинганди. Давлатлар яна шундай ҳолат юз бермаслигининг олдини олиш учун бу соҳада ягона хавфсизлик тизимни тузишади. Ҳар қандай англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида Вашингтон ва Москва ўртасида тўғридан-тўғри телефон линияси жорий этилади. Энди муаммоларни жосуслар орқали эмас, балки раҳбарият даражасида бемалол кўриб чиқиш имкони бор эди. Бундан ташқари, шу ҳолат туфай-

ли бир йилдан сўнг Москва шаҳрида АҚШ, Буюк Британия ва Совет давлати ўртасида “Атмосферада, фазода ва сув остида ядро қуроллари синовини тақиқлаш тўғрисида” шартнома имзоланади. Аммо халқаро майдонда АҚШ ва Совет давлатига бўлган ишонч пасаяди, чунки ушбу 13 кун ичида дунё ядро уруши ёқасига келган вақт, муаммо фақат улар ўртасида кўриб чиқилганди. АҚШ томонидан НАТО бўйича иттифоқдош давлатларга ҳеч қандай маълумот берилмайди ва ҳатто алоқа ҳам ўрнатилмайди. Совет давлати ҳам бу ишда ҳеч қайси дўсти билан ҳисоботлашмайди. Бу билан улар учун барча ҳарбий блоклар шунчаки расмийтчилик учун керак эканлиги ва масала жиддий тус олганда бу икки давлат ўзларидан бошқа ҳеч кимни ўйламаслиги маълум бўлади. Уларнинг блоклари ичидаги тенглик номигагина эди ва бу билан аслида ўша вақтлардаги куч маркази фақат Совет Иттифоқи ва АҚШ эканлиги аён бўларди.

Жон Кеннеди ушбу ҳодисадан кейин ўзининг Америка халқига йўналган ҳисобот нутқида “Кариб денгизида ва бутун дунёда тинчликни абадий асраб-авайлашга” чорлайди ҳамда “Муаммолар инсонлар томонидан келиб чиқиши, демак, уларни тўғирлаш мумкин эканлиги” тўғрисида гапириб ўтади. Яъни Совет давлати ва АҚШ ўртасидаги адоват келиб чиқишига инсонлар сабабчи бўлганди, шундай экан бошқа бир инсонлар бу ҳолатни ўзгартириб, улар ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатиши мумкин эди. Советларни айблаш билан иш битмаслиги ва америкаликлар ўзларининг ҳам уларга бўлган ёндашувини кўриб чиқишига чорлаб, дунёда барча халқлар худди бир

давлатда яшагандек истиқомат қилишини таклиф этади. Аслида Совет давлатида ҳам, АҚШда ҳам инсонлар тинчлик деб яшарди, иккисида ҳам уруш қораланарди, бинобарин, ўзаро тушунмовчиликлар уларни бир-бирига душман қилиб қўйганди. Ваҳоланки, азалдан бу икки давлат ўртасида ҳеч қачон уруш бўлмаганди. Энди қайсидир томон аҳмоқлик қилиб қўйса, 24 соат ичида барча эришилган тараққиёт маҳсулотлари, инсонлар ҳаёти ва цивилизациялар йўқ бўлиб кетиши эҳтимоли мавжуд эди. Шунинг учун ҳам Кеннеди томонлар ўртасида фарқни эмас, балки ўхшашликни излаб, иккала тарафга ҳам маъқул келадиган тинчликни асраб қолишга чорлайди ва урғуни яна аввал ўз халқига қўяди, яъни ўзгани ўзига мослаштириш эмас, балки ўзи ўзгага интилишини таклиф қилади. Унинг давлат манфаатлари билан бир қаторда инсоният манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш сўзлари эса у нимани ўз олдига мақсад қилганлигини англатарди. Урушларга буткул чек қўйиш – мана уларнинг негизида нима ётарди.

Барчаси ижобий яқун топганидан сўнг Бобби акасини унинг қаҳрамони Авраам Линкольнга ўхшатиб “Линкольн билан бир қаторда туриш қанақа эканлигини” сўрайди. Шунда Жек бунга жавобан “бугун театрга боришини” айтиб ўтади<sup>55</sup>. Афсуски, маълум бир вақт ўтгач унинг шум нияти амалга ошади ва Жек ўзининг “театрига” раво-на бўлади. Натижада, АҚШ тарихида унинг исми, ҳақиқатдан ҳам, Линкольн билан бир қаторда кела

---

<sup>55</sup> Авраам Линкольн 1865 йили театрга отиб ўлдирилган. АҚШда “Линкольн” ва “театр” сўзлари бир-бирига яқин ва кўп ҳолатларда бирга ишлатиладиган сўзлар ҳисобланади.



*1962 йил октябрь. Президент Кеннеди ҳамда СССР  
Ташқи ишлар вазири А.Громико.*



*Жон Кеннеди ҳамда Совет давлати раҳбари  
Никита Хруишчёв*



*“Анадирь” операцияси бўйича Кубада жойлаштирилган ракеталар радиуси.*





*Вице-президент Линдон Жонсон ҳамда Бош прокурор Роберт Кеннеди – президентнинг асосий маслаҳатчилари.*



*Кариб инқирозига ечим излаб ака-ука Кеннедилар машҳур Барбара Такмэннинг “Август замбараклари” асарига юзланадилар.*

## XX АСР ЖУМБОҒИ

Биламизки, Америка Қўшма Штатларида ҳар бир президент фақат икки бор тўрт йилдан сайланиш ҳуқуқига эгадир (бунга истисно ҳолати фақат Иккинчи жаҳон уруши вақти юз бериб ўша вақтлардаги давлат раҳбари Франклин Рузвельт тўрт бор сайловларда иштирок этиб ғалаба қозонган). Қаҳрамонимиз ҳам 1963 йилнинг иккинчи ярмидаёқ келаси йилги сайловларга тайёргарлик ишларини бошлаб юборади. Шу вақтгача у шунчалик кўп оламшумул ишлар қилгандики, улар ёрдамида бемалол кейинги сайловларда ғалаба қозонарди. Шунга қарамасдан, у бирмабир ҳудудий штатларга ташриф буюриб ўз сайловчиларининг ишончини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Эндиги ташрифлар жанубий штатларга белгиланган эди ва Кеннеди уларнинг энг йириги Техасга ташриф буюради. Аммо, афсуски, ўша ташриф мобайнида у отиб ўлдирилади. Унинг ўлими нафақат АҚШда, балки бутун дунёда шов-шув бўлиб ҳозиргача бу ҳақида кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлиб келмоқда. Чунки ким ва нимага Кеннедини ўлдирганлиги номаълум, шу сабабли ушбу бобга XX аср жумбоғи деб ном беришга қарор қилдик.

1963 йил ёз ойига келиб қаҳрамонимиз ҳаётида бир мунча ўзгаришлар бўлиб ўтади. Биринчидан, у ўзининг энг катта айби ишқий саргузаштлар ва аёлига бўлган хиёнатидан халос бўлади. Шу вақтгача Кеннеди кўплаб аёллар билан учрашиб ўз турмушини хавф остига қўйганди. Голливуднинг машҳур актрисаси Мерлин Монро ва Жон Кеннеди ҳақида

ҳозирга қадар миш-мишлар юради. Бу ишларда ҳам Бобби акасининг ҳимоячисига айланганди, яъни вазиятни назорат қилиб, миш-мишларни ва аниқ исбот келтурувчи далилларни журналистлар қўлига тушиб қолмаслик ишларига жавобгар эди. Чунки акасининг шўхлиги нафақат унинг ўзига, балки бутун администрация обрўсига ҳам салбий путур етказарди. Жеки барчасидан хабардор эди, аммо эрига бўлган муҳаббати ва АҚШ Биринчи хоними бўлиш даражаси уни ҳаммасини ташлаб кетишдан ушлаб турарди. Ғарбда у гўзаллик намунасига айланганди: барча аёллар унга ҳавас қилар, у кийган кийимларни сотиб олар, у ёқтирган атир-упадан фойдаланар эди. Бинобарин, ташқаридан бахтли кўрингани билан Жеки, аслида, турмушидан норози эди.

Ўша йили ёз ойида Жек ҳамда Жеки фарзандидан жудо бўлишади. Чақалоқ Патрик туғилиши билан нобуд бўлади ва бу воқеа унинг ота-онасининг муносабатларини янада мустаҳкамлайди. Жек ўз аёлига кўп вақт сарфлаб унга ғамхўрлик қила бошлайди ва ўша мудҳиш Техас сафари вақти унга “Сен муносиб бўлган инсон бўламан” деган сўзларни айтади...

Эрининг ўлимидан сўнг Жаклин бир неча йил ўтиб грек миллиардери Аристотель Онассисга турмушга чиқади, аммо умрининг охиригача Жекнинг хаёллари билан яшайди. Жекининг бу қарорга келиши фарзандларининг хавфсизлиги билан боғлиқ эди, чунки эридан жудо бўлганидан сўнг у ҳатто ОАВ ходимларидан ҳам хавфсираб қолганди. Аммо кейинчалик у, барибир, Катта оилага қайтади ва Кеннедилар оиласининг мар-

казига айланади. Қайниси Эдвард акасининг болаларини тарбиялашда Жекига ёрдам беради ва кичик Жон билан Кэролайнга ота бўлишга ҳаракат қилади. Ҳамма нарса ўтгинчи, бироқ оила – абдий деган тушунча президентнинг болаларини тарбиялашда дастуруламал бўлади.

1963 йили Жон нафақат маънавий улғаяди, балки тарихий сиёсий шахс сифатида ҳам шаклланади. Юқорида кўриб чиққан миздек, ўша йили Берлинга бўлган сафари чоғида у чинакам лидер сифатида ўзини намоён этади ва Ғарб оламининг ҳақиқий йўлбошчисига айланади. Буларнинг натижасида, у келгуси сайловларни ҳам ютиб чиқишида ҳеч кимда шак-шубҳа қолмайди. FBI тахмин қилишича бу кетишда Кеннедилар АҚШ президентлик курсисига 2000 йилгача бўлишлари мумкин эди. Чунки Жондан кейин Роберт бор эди, ундан кейин эса энди шаклланаётган ёш ва ғайратли Эдвард. Уларни қўллаб-қувватлайдиган одамлар кўп эди, аммо Кеннедилар олиб бораётган сиёсатдан норози гуруҳлар ҳам етарлича эди. Агар ушбу гуруҳлар ҳеч нима қилмай қўл қовуштириб ўтирсалар 2000 йилгача ўз мақсадларига эришолмасди. Шунинг учун ҳам улар Кеннедиларни ўйиндан олиб ташлашга қарор қиладилар.

1963 йил 22 ноябрь куни Техас штатининг Даллас шаҳрида куннинг ярмида президент кортежи шаҳар марказига йўл олади. Одамлар билан гавжум кўчалар орқали Жон Кеннеди ўзининг навбатдаги маърузасига бораётган вақт бирдан ўқ овозлари эшитилади. Ўқлар мўлжалга аниқ бориб тегади, президент ёнида кетаётган Жаклин ўзини йўқотиб қўяди ва халқ ичида саросима кўтарилади.

Хавфсизлик ходимлари президентни дарҳол шифохонага етказишади, аммо кўп ўтмай соат 13:00 атрофида АҚШнинг 35-Президенти Жон Фицджеральд Кеннеди оламдан кўз юмади.

Ўша куниёқ хизмат сафари яқунланиб администрация вакиллари ортга, Вашингтонга қайтишади. Вазият жуда таҳликали эди, ким ва нимага Кеннеди ўлдирилганлигини ҳеч ким билмасди. Совуқ уруш кечаётган бир вақтда мамлакатни раҳбарсиз қолдириб бўлмасди. Бундан ташқари, давлат тўнтарилиши ҳақида ҳам гап-сўзлар юрганди. Шунинг учун ҳам, Вице-президент Линдон Бейнс Жонсон зудлик билан ўз янги лавозимига киришади (қонунга мувофиқ АҚШда ўлган президент ўрнини вице-президент эгаллайди). У ҳали Техас аэропортидаёқ самолёт бортида қасамёд қабул қилиб, АҚШнинг 36-президенти вазифасига киришади.

Кеннедининг ўлими Америка жамоатчилиги ҳамда бутун Ғарб олами учун трагедия эди. Унинг жанозасига бутун дунёдан юздан ортиқ президентлар, қироллар, давлат ва ҳукумат раҳбарлари ташриф буюрадилар, шу жумладан, Франция Президенти Шарль де Голль ва АҚШнинг собиқ президентлари Гарри Трумэн ҳамда Дуайт Эйзенхауэрлар. Уни сўнгги манзилга кўзатиш учун 250 мингдан зиёд аҳоли кўчаларга чиқиб дафн этиш маросимида иштирок этадилар. Жон Кеннеди Вашингтон штатидаги Арлингтон қабристонига қўйилади. Унинг шарафига қабри устига ўрнатилган мангу оловни аёли Жаклин ёқади. АҚШда ушбу кун мотам эълон қилинади.

Кеннедининг ўлимидан сўнг жиноятни фош

этиш мақсадида АҚШ Олий суд раиси Эрл Уоррен бошчилигида комиссия тузилади. Комиссияга Уоррендан ташқари, Марказий разведка собиқ рахбари Аллен Даллес, Жон Макклой в.б. ҳам аъзо бўлиб киришади. Тергов ишларини Эдгар Гувер рахбарлик қилаётган Федерал Қидирув Бюроси олиб боради. Терговга минглаб фуқаролар жалб этилади. Ўн ойдан зиёд вақт давом этган комиссия 26 жилдда ўз хулосаларини тақдим этади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, комиссияга келган хулосаларнинг аксарият қисми миллат хавфсизлиги нуқтаи назаридан эълон қилинмайди. Эълон қилинган ҳужжатларда комиссия қуйидагиларни эътироф этганди:

Президент Жон Кеннедига китоб омбори биносининг олтинчи қаватидан уч марта ўқ узишган. Ўқларнинг бири унинг бошига, иккинчиси елкасидан ўтиб машинанинг олди ўриндиғида кетаётган Техас губернатори Конналлини ҳам яралаган, учинчи ўқ эса мўлжалга тегмаган. Бунинг исботи ўша бинодан топилган Ли Харви Освальдга тегишли милтиқ ҳамда ўқ узилган жойда ерга тушган уч патрон гильзаси. Комиссиянинг фикрига кўра, Освальд марксист-ленинист бўлган. У Совет давлатида маълум бир вақт яшаб рус аёлига уйланган. Совет давлати ҳамда Куба тарафдори бўлганлиги ва шу сабабли Кеннедига шахсий адовати уйғонганлиги учун у бу ишни яққа ўзи қилган деган хулосага келинади. Отишмадан сўнг Освальд бинони тарк этишга улгуради, йўлда полиция офицери билан тўқнаш келади ва уни отиб ташлайди. Бир оз вақт ўтгач уни ҳибсга олишади ва президент ҳамда полиция офицерининг суиқасдида айблашади. Аммо Освальд буларнинг

биронтасини тан олмайди ва ўзини катта ўйин қурбони бўлганлигини таъкидлайди. Уни терговдан судга олиб кетишаётган вақти тунги клуб директори Жек Руби ўзининг Жаклин Кеннедига бўлган ҳурмати туфайли Освальдни отиб ташлайди ва Биринчи хоним учун қасос олади. Суд ташкил этилмай қолади ва ҳамма ишлар шундайлигича бости-бости қилинади. Судда нима бўлишини ҳеч ким билмасди, аммо иш унғача бормайди, чунки кимдир бу ҳодиса бўлишини истамасди. Натижада, Уоррен комиссияси Освальдни айбдор деб топиб ишни ёпади, аммо ҳозирги кунга қадар 70% дан зиёд Америка аҳолиси бу хулосага ишонмайди. Чунки комиссия кўп яққол далилларни инкор этар ва тўлиқ хулосаларни хавфсизлик нуқтаи назаридан 75 йилга, яъни 2039 йилгача махфий сақланишини жорий этганди. Ҳукуматнинг бундай қарори улкан шов-шувларга сабабчи бўлади ва Кеннедининг ўлими сабаби мустақил равишда такрор ва такрор кўриб чиқилиш ишларига олиб келади. Одамларнинг фикрича, бунинг ортида фитна яширинганди ва ҳукумат буни бекитишга ҳаракат қиларди. Озодлик ва ҳақиқатни талаб этишни хуш кўрадиган Америка халқи бу ҳолатга ўз норозилигини билдиради ва масаланинг тагига етишга интилади.

Комиссиянинг ноҳақлигини исботловчи далиллардан бири Абрахам Запрудер томонидан олинган ҳаваскор видео эди. Қарангки, президент кортежи ўққа учраган вақт Запрудер вазиятни видеога олаётган экан. Видео шуни исботлардики, ўқ фақат орқа томондан омбордан узилмаган, балки машинанинг олди томонидан ҳам отилган. Чунон-

чи, ўқларнинг бири олд томондан Кеннедининг бўйнига, яна бири бошига теккан. Бунинг устига, тергов вақти жароҳат олган Техас штати губернатори Конналли ҳам Кеннедига теккан ўқдан эмас, балки бошқа бир ўқдан яраланганлигини айтиб ўтади. Запрудер фильми ҳам буни исботлайди, яъни Кеннеди жароҳат олган вақт Конналлида ҳеч қандай ўзгариш йўқ эди. Буларнинг барчаси ўқлар сони учтадан ортиқ бўлганлигига ҳамда Харви Освальд ягона жиноятчи эмас, балки уюшган гуруҳнинг аъзоси эканлигидан далолат берарди. Хўп, агар Кеннедини Освальд якка ўзи эмас, бир гуруҳ жиноятчилар ўлдирган бўлса, ким у фитначилар деган савол вужудга келади ва нега давлат уларни бекитиб Освальдни барчасига айбдор деб кўрсатаётганди?

Бу саволга жавоб излаб америкаликлар фитнага асосланган турли хил хулосаларга келишади. Биринчиси, Кеннеди мафия томонидан ўлдирилганди. Яъни аввал айтганимиздек унинг сайлов олди ишларига мафия аралашиб қолади, аммо Кеннеди президент бўлганидан сўнг уларга ёрдам бермайди. Унинг укаси Роберт мамлакатдаги барча мафия сардорларига уруш очади ва бу қора оламда норозиликларга олиб келади. Трафиканте, Жанкана ва Марселло каби валинеъматлар норасмий каналлар орқали Кеннедиларга бирнеча бор таҳдид қилишади, аммо бари бесамар кетади. Шунинг учун ҳам улар келишган ҳолда Кеннедини ўлдиришган деган хулоса пайдо бўлади. Чунки агар улар бу ишни қилмаганда, Кеннедилар уларнинг тагига етиб қонун олдида жавобгарликка тортиши мумкин эди.



Бинобарин, бу фикр шу билан инкор этиладики, мафия қанчалик кучли бўлмасин, у Уоррен комиссиясига таъсир этолмасди ва жиноятни хавфсизлик назаридан яшариш ҳам мантиққа тўғри келмасди.

Иккинчи вариант, бу ишни Совет давлатининг махсус органи КГБ ҳамда Куба раҳбари Фидель Кастронинг диверсантлари амалга оширган дейишади. Чунки Совуқ уруш давом этаётганди, унда Совет Иттифоқи ва АҚШ рақиб эди. Шунинг учун ҳам Совет давлати рақибининг раҳбарини олиб ташлаб, ўзининг қудратини кўрсатиб қўйишни истаганди маънодаги фикр пайдо бўлади. Бундан ташқари, АҚШ Кубага ҳам қарши иш олиб бо-раётганди. Харви Освальдни марксист-ленинист бўлганлиги ва Совет Иттифоқида яшаганлиги уни совет жосуси, КГБ агенти бўлган деган хулосага олиб келарди. Аммо бу фикрни ҳам инкор этувчи исботлар етарлича, чунки Совет Иттифоқи АҚШ раҳбарини ўлдирган бўлса, бунга “қирғийлар” жим қараб турмасди. Уларни ушлаб турган шахс бу Кеннеди эди, унинг ўлимидан сўнг “қирғийлар”нинг даври бошланади, демак, агар ушбу ишни КГБ амалга оширганда, АҚШ дарҳол уруш очиб Совет Иттифоқидан қасос оларди. Бундан ташқари, Кеннеди ташқи сиёсатда советлар билан ҳамкорлик йўлини танлаганди, унинг вақтида икки давлат ўртасида алоқалар яхшиланганди. Кариб инқирозидан сўнг Кеннеди бутунлай Кубани тинч қўйишга қарор қилганди. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи ва Кастрога уни олиб ташлаш фойдадан кўра кўпроқ зиён етказарди.

Яна бир фикр бу АҚШ сиёсатидан норози куба-

лик эмигрантлар. Яъни инқилобдан сўнг Кубанинг кўпчилик фуқаролари АҚШга қочиб ўтишади. Кеннеди Кочинос кўрфазида омадсизликка учрайди, аммо Кубадан воз кечмайди. Махсус органлар Кубага янги хужум режаси “Мангуст” операциясини ишлаб чиқади. Бундан хабар топган Совет Иттифоқи Кубага ўз ядро қуролларини жойлаштиради ва Кариб инқироzi бошланади. Инқироз якунида Кеннеди Кубага қарши иш олиб бормасликка ваъда беради ва “Мангуст” операцияси ўз ниҳоясига етади. Бундан норози Кастро давлатига қарши бўлган кубалик эмигрантлар Кеннеди сиёсатдан четлаштирилса, янги президент ҳаммасини тўғирлайди деган хулосаларга келади. Чунки улар Кастрога ютиб Кубада ўзларининг ҳокимиятини яна тикламоқчи эдилар. Тергов натижаларига қараганда, Освальд ҳам ушбу эмигрантлар билан яхши алоқада бўлган экан. Демак, у ҳам жиноятнинг ижрочисига айланган. Аммо яна такрор айтмамизки, агар қотиллик эмигрантлар томонидан оширилганда, уларнинг кучи, барибир, АҚШ Олий суди ва FBIга етмасди, барчаси фош этилиб жиноят махфийлаштирилмасди.

Кейинги вариант бу улкан фитна фикри. Яъни Кеннеди аҳолининг ўрта қатламини ҳимоя қилиб, бадавлат кишиларга солиқ ҳажмини оширган эди. Шу билан бирга у хусусий секторга тегишли бўлган Федерал захира тизимини (ФРС/FRS)<sup>54</sup> давлат сек-

---

<sup>54</sup> Федерал резерв захираси – АҚШда Марказий банк вазифасини бажарувчи махсус хусусий ташкилот, 1913 йили ташкил топган. 12 бадавлат оилага тегишли 12 катта банкдан иборат. Доллар валютасини босиб чиқариш ҳам, айнан, ушбу ташкилот вазифасига киради. Бундан келиб чиқадики, долларни давлат эмас, балки 12 оилага тегишли хусусий ташкилот назорат қилади.

торига ўтказишга ҳаракат қилади. У буни қисман уддалайди ҳам (тахминан 10% га), аммо тўсатдан ҳалок бўлади ва у бошлаган ишни то ҳозирги кунга қадар ҳеч қайси АҚШ президенти давом эттиришга жазм этолмайди. Демак, бунинг натижасида, Кеннедини АҚШни пинҳона бошқарувчи кучлар, катта оилалар отиб ташлашган фикри туғилади. Чунки шу билан бирга Кеннеди ҳам шунақа бадавлат оилалар қаторида эди ва ўз президентлик даврида баъзи бир бой хонадонларга “йўл очиб бериб”, бошқа бировларининг тижоратига халақит берган ҳоллар ҳам учраганди. Аммо тарих конкрет ва аниқ фактларга асосланиб иш тутишни талаб этади, шунинг учун ҳам охири кўринмайдиган конспирологик назарияларни асосий сабаб қилиб кўрсатолмаймиз.

Шунга яқин фикрлардан яна бири Кеннеди аввал айтиб ўтилган WASPга тегишли бўлмаганлигидадир. Яъни АҚШни ҳар соҳаларида етакчи бўлган бу элита ўзига бегона бўлган раҳбарни олиб ташлаган деган фикрлар ҳам учраб туради. Қолаверса, 1962 йил Кеннеди пўлат қуйиш корпорациялари маҳсулотларининг нархи ошишига қаршилик қилганди ва бу билан бизнес оламида ўзига керак бўлмаган душманларни орттириб олади.

Аммо биз бунақа вариантларга кўп ҳам берилмасдан масаланинг негизи ва асосий сабабларига мантиқий таҳлил орқали ёндашишга ҳаракат қиламиз. Бунда бизга Нью-Орлеанс шаҳри округ прокурори Жим Гаррисон олиб борган тергов ишлари ёрдам беради.

1966-1969 йиллар мобайнида Гаррисон Кеннеди ўлими бўйича мустақил равишда тергов ишларини олиб боради. 1969 йили бўлиб ўтган суд жараёнида у суиқасдда, ҳақиқатдан ҳам, фитна борлигини ҳамда Уоррен комиссияси кўп жиҳатдан хато ишлаганлигини исботлаб беради. Гаррисон комиссия хулосасини инкор этиб, ўқлар сони учта эмас олтита бўлганлиги ҳамда ўқ узган қотиллар сони уч нафар бўлганлигини исботлаб берган. Комиссияга келадиган бўлсак, у унинг ишини буткул инкор этади. Чунки унинг таркибига Кеннеди ишдан олиб ташлаган Марказий разведка собиқ раҳбари Аллен Даллес ҳам нимагадир жалб этилганди. Бундан ташқари, FBI олиб борган тергов ишларида ҳам шубҳа бор, чунки Гувер Кеннедиларни унчалик ҳам ёқтирмасди. Гаррисон ўша кунги президент кортежи ҳам бошқа йўлдан борганлиги ва бу ишлар билан Даллас шаҳри мэри шуғулланганлиги тўғрисида гапириб ўтади. Қарангки, ўша вақтдаги Даллас мэри Эрли Кэбелл Марказий разведка собиқ раҳбари Аллен Даллеснинг ўринбосари генерал Чарльз Кэбеллнинг укаси бўлиб чиқади. У ҳам Даллес каби Кочинос авантюрасидан сўнг ишдан бўшатирилганди. Ўша Кочинос воқеасидан кейин Кеннедида CIAга нисбатан хусумат пайдо бўлади. Барча раҳбар кадрлар олиб ташланади. Келажакда Кеннеди ҳукумат ишларида бу ташкилотнинг ўрнини пасайтириш ниятида эди. Шунинг учун ҳам CIA ва Кеннеди ўртасида адоват ришталари ўрнатилади. 22 ноябрь куни ҳам негадир Президент хавфсизлиги учун жавобгар AQSH Махфий хизмати (United States Secret Service) ходимлари сони кескин қисқаради, демак,

ўз-ўзидан бунинг орқасида уларга таъсир ўтказа оладиган бошқа хизмат вакиллари турганлиги гумони янада ошади.

Гап шундаки, 1961 йил январь ойида Президент Дуайт Эйзенхауэр ўзининг хайрлашув нутқида АҚШда ҳарбий саноат комплексининг (ҲСК) қудрати ошиб кетганлиги тўғрисида фикр билдириб ўтади. Ҳарбий саноат комплекси мамлакатнинг барча соҳаларига кириб, унинг қарийиб 8 миллиондан ортиқ ходимлари бор эди. Авиация, флот, Пентагон, махсус хизматлар, ташқи давлатлардаги ҳарбий базалар, қурол-яроғ саноати – барчаси ҲСКнинг қисми эди. Вазият шу даражада эдики, ҲСК ҳукумат устидан ўрнатилган олий бир орган бўлиб қолганди. Эйзенхауэр бунинг таъсири жамиятга салбий бўлишини ҳамда ҲСК манфаатлари Америка демократияси билан бир эмаслигини таъкидлаб ҲСКни таҳдид деб эълон қилади. Ўша вақтлари Совуқ уруш авжига чиққанди, дунёнинг турли хил маконларида бўлиб ўтаётган можароларга АҚШ аралашарди ва ўз қўшинларини ушбу ҳудудларига сафарбар этарди. Уруш – бу бизнес дегани. Қанча кўп ва узоқ вақт уруш давом этса, шунча қурол-яроғ, техника, танк, самолёт, кийим-кечак ва бошқа керакли анжомлар ишлаб чиқарилади. Демак, шунча пул давлат бюджети томонидан ҳарбий саноатга ажратилади. Бундан ташқари, давом этаётган қуролланиш пойгаси ҳам кўпроқ ядро бомбаларини ишлаб чиқишни талаб этарди, бу яна маблағ дегани эди. Ҳарбий саноат 8 миллиондан кўп одамни иш билан таъминлар ва шу соҳадаги тадбиркорларнинг (яна ўша юқоридаги машҳур оилалар) бойлигига бой-

лик қўшар экан, уларга бунда тўхтамсиз уруш олиб бориш зарур эди. Чунки урушлар ниҳоясига етса, саноат ҳам тўхтарди. Шунинг учун АҚШ ташқи сиёсатда ўз халқи манфаатлари йўлида эмас, балки ҲСК манфаатлари учун бир восита бўлиб қолиш ҳоллари кўп учрарди. Уруш америкаликларга керак эмасди, аммо у ҲСК учун ҳаёт-мамот масаласи эди. Шунинг учун ҳам “қирғий”-генераллар администрацияга босим ўтказиб, давлатни уруш ўчоқлари томонга етакларди, ҳар бир раҳбар кадрга таъсир этиш ричагларидан фойдаланиб, ўз мақсадларини юрт манфаатлари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилишарди.

Президент Кеннеди уларга ён босиш ўрнига, муроасага келмасдан улар билан кураша бошлайди. Қуролланиш пойгаси рад этилиб, ядро қуролларининг ишлаб чиқилиши пасаяди, Кеннеди урушлардан бирма-бир воз кеча бошлайди. Кочиносдан сўнг Куба мавзуси бир-мунча вақтга ёпилади ва Кариб инқирозидан сўнг бу масалани Кеннеди бошқа кўриб чиқмаслигини айтади. Вьетнам масаласига келадиган бўлсак, Кеннеди “коммунизмни бу ҳудудда ривожланишига қарши эканлигини, аммо ғалаба вьетнамликларнинг ўзларига боғлиқ” эканлигини таъкидлаб ўтади. У 1965 йилга қадар Жанубий Вьетнамдан АҚШнинг барча ҳарбийларини олиб чиқиб кетиб, бу мавзунини ёпиш ниятида эди. Ўша вақтлари кўпчилик агар Вьетнамда коммунизм тўхтатиб қолинмаса, у бутун Жанубий-Шарқий Осиёни ўз ичига олиши ва ҳудудда коммунизм ютиб чиқишини тахмин қиларди. Бинобарин, Кеннеди бу масалага АҚШ аскарларини жалб этиш тарафдори эмас-

ди. Бунинг устига, Совет давлати билан ҳам алоқалар яхшиланганди. Агар унга қадар вазият ёмон бўлгани учун АҚШ у ерда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур бўлган бўлса, унинг даврида АҚШнинг минтақадаги масаласи Кеннедининг якка хоҳишига боғлиқ эди. У аввал бошиданоқ советлар билан космос соҳасида ҳамкорликни режа қилганди. Кариб инқирозидан кейин алоқалар янада ижобий тус олади. Қуролланиш пойгаси секинлашиб, Совуқ уруш якуни истиқболлари ҳам кўрина бошлайди. 1963 йил ёз фаслида ҳатто АҚШ Давлат котиби Дин Раск Кеннеди номидан Совет Иттифоқи Ташқи ишлар вазири Громикога юзланиб, президент Европадаги АҚШ қуролли кучлари сонини қисқартириш хусусида бош қотираётганлиги ва бу борада Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишини истаётганлигини айтади. Бу каби ривожланиш сценарийси ХСК учун мутлақо тўғри келмасди. Чунки Совуқ уруш интиҳоси ўз-ўзидан ХСКни фаолиятининг ҳам инқирозига олиб келарди. Айнан, шунинг учун ҳам, Гаррисоннинг фикрича, ҳарбий саноат комплекси Кеннедини олиб ташлайди. Аввалига, у ва унинг укаси Роберт совет жосуслари деган мишмишлар тарқатилади кейин барчаси пухта режалаштирилиб, Техасда суиқасд уюштирилади. Марказий разведка бу ишларда буюртмачи эмас, балки ижрочи сифатида иштирок этади. Гаррисон Кеннедидан кейин президент бўлган Линдон Жонсонни ҳам бу ишларга алоқадорликда айблаётди. Чунки президент бўлиши билан Жонсоннинг биринчи ишларидан бири бу Вьетнам уруши бўлади. Гарчанд, бир вақтлар Кеннедининг ви-

це-президенти бўлганлигига қарамай, у мутлақо тескари сиёсат олиб боради. Тахминга кўра, у ва ҲСК ўртасида келишув бўлган. Линдон президент бўлади ва ҲСК айтганларини бажаради, чунончи, уруш бошлайди. Кеннеди бу ишни қилмас экан, шу ишларни қиладиган шахс унинг ўрнига олиб кўйилади. Гаррисон бу билан АҚШ тарихида Кеннеди ўлдирилган кун, яъни 1963 йил 22 ноябрь санасида давлат тўнтарилиши рўй берган дея таъриф беради. Америка халқи сайлаган раҳбар куч билан олиб ташланиб, ўрнига бошга киши чиққанди, аммо барчаси бости-бости қилиниб, маълумотлар махфий сақланарди. ҲСК Уоррен комиссиясига таъсир этоларди, чунки унинг таркибида Аллен Даллес бор эди ҳамда материалларнинг 75 йилга махфий сақланиши ҳам буларнинг ортида қандайдир мафия ёки махфий жамиятлар эмас, балки давлат турганлигидан далолат берарди. Жаноб Гаррисон давлат ичидаги давлат, яъни ҲСК Марказий разведка орқали бу ишларни амалга оширган деган хулосаларга келади. Маълумотларни бундай узоқ вақтга чўзилиши кўзда тутилмаган Америка халқининг норозиликларининг олдини олиш учун бир восита эди. Нега деганда, давлат тўнтарилишидан хабар топган халқ масалага жим қараб турмасди.

Кеннедининг ўлиmidан сўнг “қирғийлар”нинг даври бошланади. 1965 йили бошланган Вьетнам уруши 1973 йилгача 8 йил давом этади. Бу минглаб самолёт, танк, вертолёт, қурол-яроғ ҳамда миллиардлаб доллар маблағи дегани эди. Чиндан ҳам, баъзилар учун уруш – бу пул дегани эди. Уруш бўлса, пул ҳам бўларди.



Гаррисоннинг Харви Освальд бўйича фикрларига тўхталадиган бўлсак, Освальд АҚШда ҳарбий хизматда бўлган ва кейинчалик СИАга ишга ўтган. Совет Иттифоқида бўлган вақт у махсус миссияни бажаради, яъни икки давлат ўртасидаги адвокатни кучайтиради. 1960 йили Совет Иттифоқи ҳамда АҚШ раҳбарлари ўртасида Парижда учрашув бўлиши керак эди. Бу учрашув муносабатларни илиқлашишига олиб келиши кутилаётганди. Аммо Совет Иттифоқи узра парвоз қилган “У-2” жосус-самолёти фош этилади, ваҳоланки, у парвоз қилаётган баландликни совет радиосигналлари ушлолмасди. Самолёт уриб туширилади, унинг пилоти Фрэнсис Гэри Пауэрс жосусликда айбланиб, Совет махсус колониясига жазони ўташ учун маҳкум қилинади. Олий даражадаги учрашув бекор қилинади, Совет давлати ва АҚШ муносабатлари салбий тус олади, натижада, Совуқ уруш янада кучаяди. Бу урушни хоҳловчиларга айни муддао эди. Гаррисон тахмин қилишича, советларга самолёт тўғрисидаги ахборотни Освальд етказган. Топшириқни бажаргач, яна ортига қайтган.

Кеннеди давлат тепасига келгач, советлар билан муносабатлар анча юмшайди, ўз сиёсатида у ҳамкорликка интиларди. Гарчанд, Кариб инқироzi ҳаммасини чигаллаштириб юборган бўлсада, лекин унинг оқибатида орадаги алоқалар яхшиланади. Совуқ урушни давом эттирмоқчи бўлганлар эса уни четлаштиришга қарор қилишади.

Тўғри, Жим Гаррисон судда мағлубиятга учрайди, аммо у Освальд ягона иштирокчи эмаслиги ҳамда бунинг ортида фитна яширинганлигини исбот қилиб беради. Гаррисондек бўлиб ўтаётган

воқеаларга бефарқ эмас инсонлар бор экан ҳақиқат яшайди. У қилган ишлар бўйича тадқиқотлар давом этади, натижада, махфий ҳужжатлар биринкетин эълон қилина бошланади. Уларнинг охиригиси 2017 йил Президент Дональд Трамп вақтида рўй беради, аммо, барибир, Кеннеди ўлимнинг асл сабаблари хавфсизлик нуқтаи назаридан 2039 йилгача махфий сақланиши зарур деб топилади.

Гаррисоннинг ҳам изланишларини тўлиқлигича ҳақиқат деб бўлмайди, чунки “нега Роберт Кеннеди ўша вақтлари Адлия вазири бўла туриб терговни давом эттирмаган?” деган савол вужудга келади. Нега у ҳам Уоррен комиссияси натижаларига ишонади. Айтишларича, Марказий разведка ҳақида гап очилганда, Роберт “СИА раҳбари Маккоун билан 22 ноябрь куни алоқага чиққанлиги ва у алдамаганлиги ҳамда СИА бу ишни қилмаганлиги” маънодаги гапларни айтган экан. Бу факт масалани янада чигаллаштиради. Айнан, шунинг учун ҳам Жон Кеннедининг вафоти XX асрнинг жумбоғи дейилади.




*Жек ва Жеки.*

*1963 йил 22 ноябрь Даллас (Техас). Сўнги лаҳзалар.*



*Уоррен комиссияси Кеннедига уюштирилган суиқасд  
бўйича тергов натижаларини Президент Линдон  
Жонсонга тақдим этмоқда.*



*Кеннедининг суиқасдида айбланган ва Уоррен комиссияси хулосаларига кўра, ягона қотил Ли Харви Освальд.*



*Линдон Жонсон Техас аэропортида қасамёд қабул қилиб президентлик лавозимига киришмоқда. Унинг ёнида аёли Леди Бёрд Жонсон ҳамда бева Жаклин Кеннеди.*



*Кеннедининг ўлими Америка жамоатчилиги ҳамда бутун Ғарб олами учун трагедия эди. Унинг жанозасига бутун дунёдан юздан ортиқ президентлар, қироллар, давлат ва ҳукумат раҳбарлари ташириф буюрадилар.*



*Нью-Орлеанс округ прокурори Жим Гаррисон*



*Америка мафия “оталари”дан бири Сэм Жанкана*



*Арлингтон Миллий қабристони (Вашингтон).  
Ака-ука Кеннедиларнинг қабри ва улар шарафига  
ўрнатилган мангу олов.*

## У ПРЕЗИДЕНТ БЎЛИШГА ЛОЙИҚ ЭДИ...

Ушбу бобда Президент Жон Кеннедининг укаси Роберт (Бобби) ҳақида гап боради. Зеро, унинг сиёсий қарашлари ва олиб борган фаолияти АҚШ ва жаҳон тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

Ака-ука Кеннедилар ҳақида энг яхши асарлар муаллифи Артур Шлезингер Боббининг ҳаёт йўлини уч қисмга бўлади – булар “Отасининг ўғли”, “Акасининг укаси” ва “Унинг ўзи”. Яъни ҳаётининг бир қисми, чунончи, болалиги отаси Жозефнинг чуқур таъсири остида кечади, кейинчалик кўриб чиққанамиздек у акасининг соясига айланади ва Жоннинг ўлиmidан сўнг мустақил сиёсатчи сифатида ўз фаолиятини олиб боради. Энди булар ҳақида батафсил сўз олиб борамиз.

Роберт Фрэнсис Кеннеди 20 ноябрь 1925 йил АҚШнинг Массачусетс штатида таваллуд топган. У Кеннедилар оиласида тўққиз фарзанддан еттинчиси эди. Ака-укалари ичида у энг маънавиятлиси бўлиб, ёшлигидан илоҳиёт ва лотин тилини ўзлаштиради. Бобби ҳаёти давомида ичкиликбозлик, фаҳш ва ҳаром нарсалардан узоқ эди. Унинг бундай тарбияланишида отасининг эмас, балки художўй онасининг роли катта эди. Оилада еттинчи фарзанд бўлгани учун Бобби отасининг эътиборини қозониш учун ҳаммадан ҳам кўп меҳнат қилишга мажбур эди. У ёшлигидан барча Кеннедилар каби “ҳаммадан ўзиб кетишга” ҳаракат қиларди, аммо мактабда у катта акалари каби машҳур эмасди. Отаси болаларини сиёсат оламига ва президентликка қизиқтиришига қарамай, Бобби бу нарсаларга унчалик ҳам ружу қўймаганди.

Болалигидан унда “Мен ҳам президент бўламан” орзуси яшамас эди, аксинча, уни кўпроқ диний ҳаёт тарзи қизиқтирарди.

Бобби 1946 йили АҚШ флотидаги хизматидан сўнг Виржиния ҳамда Гарвард университетларида таълим олади. У ҳам акалари каби ҳуқуқшунос бўлиб етишиб чиқади. Акаси Жон 36 ёшида турмуш қурган бўлса, Бобби уйланиш масалаларини узоққа чўзмайди ва акасидан олдин фарзандли бўлишга ҳам улгуради. Отасининг “Инсоннинг муваффақияти унинг топган давлати билан эмас, балки эга бўлган оиласи билан ўлчанади” сўзлари унинг турмушида дастуриламал бўлади. Роберт ўз вақтини кўпроқ оиласига бағишлашга ҳаракат қиларди. Юқоридаги бобларда кўриб чиққан имиздек, у бир неча бор амалидан воз кечиб, қолган умрини оиласи билан ўтказишни режалаштирганди. Сиёсатдан кўра унга оиласи: аёли Этель ва ўн бир нафар фарзанди муҳимроқ эди. Аммо Этель баъзида Робертни тушунмасди. У эрини юқори мансаб соҳиби бўлишини истарди ва бу жиҳатдан эрига қараганда у “кўпроқ Кеннеди эди”.

Ўқишни тамомлагач, Роберт ўз фаолиятини АҚШ Адлия вазирлигида бошлайди. Кейинчалик сенатор Жозеф Маккартига шогирд тушиб, маккартизм йўлида ишлай бошлайди. Шунинг учун ҳам ўз вақтида Жон Кеннеди ушбу ҳаракатга қарши муносабат билдиролмайди.

Роберт саёҳатни жуда севарди. Агар акалари Европада таҳсил олиб ўша ерларга саёҳат уюштиришган бўлса, Роберт Шарқ мамлакатларига ўз нигоҳини қаратади. У Ашхобод, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Бишкек, Олмаота, Москва



ва Ленинград шахарларига ташриф буюради. Самарқандда Регистон ҳамда Гур Амир мажмуалари унда алоҳида таассурот қолдиради. Тошкент давлат университетида (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) у бир профессорга “Нега сизлар Совет давлатининг камчиликларини танқид қилмайсизлар? Бизда АҚШда иккита партия бор, бири ҳокимият тепасига келганда, иккинчиси уни танқид қилиб жамиятдаги адолатни сақлаб туришга хизмат қилади” маънодаги гапларни айтиб ўтади. 50-йиллари ҳали жаноб Сталин тирик бўлган вақти бир партияли бўлган Совет давлатини танқид қилиш “давлатга хиёнат” деб кўриб чиқилишини, албатта, ёш Кеннеди билмас эди.

1952 йили акасини сенаторликка олиб чиққандан сўнг унинг обрўси сиёсий маслаҳатчи сифатида ошиб боради. Шунинг учун ҳам уни 1956 йилги президентлик сайловларида демократлар партиясидан номзод Эдлай Стивенсоннинг сайлов олди ташвиқот ишларига таклиф этишади. Аммо Стивенсон унга кўп ҳам қулоқ солмайди. Натижада, ўша йили демократлар мағлуб бўлишади ва Эйзенхауэр иккинчи бор президент этиб сайланади. Энг қизиғи, Роберт Стивенсондан хафа бўлиб, республикачиларнинг номзоди Эйзенхауэрга овоз берган экан.

Роберт 1960 йили аввал айтганимиздек акасининг президентлик сайлов олди ишларига раҳбар этиб тайинланади ва уни сайланишида салмоқли ҳисса қўшади. Сайлов вақти у ўз оиласининг қоидаларига риоя қилади, яъни акаси нима қарор қабул қилишидан қатъий назар Роберт уни ҳимоя қилиши керак эди, ҳатто Жек хато қилган бўлса

хам. Шунинг учун отаси Робертни Бош прокурор бўлишини асосий масала қилиб қўяди, чунки президент этиб сайланган Жекга ҳимоячи зарур эди. Шундай қилиб, Роберт Кеннеди 35 ёшида АҚШ адлия тизимига раҳбар этиб тайинланади.

Роберт ўз вазифасига киришар экан унинг олдида энг катта муаммо бу Федерал Қидирув Бюроси раҳбари Эдгар Гувер эди. Гувер Бобби туғилишидан бир йил аввал бу ташкилотга раҳбар бўлиб кўтарилганди. Президентлар ва Бош прокурорлар ўзгарарди, аммо Гувер ўз жойида қоларди. Бунинг сабаби унинг, ҳақиқатдан ҳам, яхши ишлаганлигида ҳамда барчага ўз таъсир ричагларига эга бўлганида эди. Аввалига, Гувер ҳамда Роберт ўртасида ҳам келишмовчиликлар бўлиб ўтади. Роберт ундан ФВЎнинг барча ишлари бўйича ҳисобот бериб боришини талаб этади ва бу Гуверга унчалик ҳам маъқул келмайди. Гувер Робертга қарши таъсир этадиган ҳеч қандай асосли исботи йўқ эди, чунки Роберт тўғри яшар эди, аммо унинг акаси Жонда “ушлаб олиш” мумкин бўлган айблар бор эди. АҚШ мафия оламининг “оталари”дан бири Сэм Жанкананинг хуштори Жуди Кэмбелл Оқ уйга тез-тез келиб президент билан ҳам алоқа ўрнатган эди. Керакли фотосуратларга эга бўлган Гувер ушбу фактни ака-ука Кеннедиларга қарши қўллайди ва уларнинг “оғзини ёпиб қўйишга” муваффақ бўлади. Бундан буёғига на Роберт, на президентнинг ўзи Гуверга ғинг деёлмас эди.

Аммо бир оз вақт ўтгач, Роберт Кеннеди ҳамда Эдгар Гувер алоқалари яхшиланади ва ҳатто Гувер Боббини ҳурмат қила бошлайди. Бунинг сабаби шундаки, Роберт ўз вазифасига киришиши билан

мамлакатдаги коррупция ва мафияга қарши уруш бошлайди. Бошлаганда ҳам кичик тўдаларга эмас, балки энг катта Траффиканте ва Жанканага ўхшаш мафиозиларнинг изига тушади. Бунга қадар Бош прокурорлар бу ишларга жазм эта олмас эди, чунки Америка мафия ва гангстерлари ҳақида ҳаммага маълум бўлган афсоналар кезиб юрарди ва ким улар билан ҳазиллашса жазоланарди. Гувер Боббининг бу қўрқмас фазилатини жасорат деб қабул қилади ва уни бу курашда қўллаб-қувватлайди. Гарчанд, Гувер юқоридаги мафия сардорлари билан ҳам ёмон алоқада эмасди. Чунки Куба раҳбари Фидель Кастрони олиб ташлаш учун мафияни ишлатиш варианты ҳам мавжуд эди ва бунда давлат қора олам вакиллари билан яқиндан ҳамкорлик қилар эди. Аммо Жон Кеннеди билан Америка тарихида янги давр бошланганлигини сезган Гувер Робертга кўшилиб мафияга тўлиқ яқун ясашни ўз олдиға мақсад этиб қўяди. Тергов ишлари ўзининг қизғин вақтиға етганда, Роберт Кеннеди уларни тўхтатишға мажбур бўлади. Бунға сабаб Жон Кеннедининг сайловларига мафия ҳам аралашган экан. Катта Кеннеди Жозеф ўғли ғалаба қозониши учун мафиядан ёрдам сўрайди. Мафия “агар Кеннеди сайланса, бизға йўл очиб беради” деб ўйлаб унга кўмаклашади. Энди Кеннедиларнинг бошқа бир вакили уларға уруш эълон қилганди. Бундай келишувлар бузилса, мафия қандай қасос олишини ҳамма яхши биларди. Бундан ташқари, тергов давом эттирилса, президентнинг ҳам обрўсига катта шикаст етарди. Энг қизиғи, бу келишув ҳақида Жоннинг ўзи ҳам билмас эди. Отаси билан суҳбатдан сўнг ака-ука Кеннедилар бунға амин

бўлишади. Мафияга қарши ишлар тўхтади. Қари тулки Гувер ушбу вазиятда Кеннедиларни тушунади, чунки бу у кўраётган биринчи президент эмасди.

Шу жойда шуни айтиб ўтиш керакки, АҚШда сиёсат, махфий жамиятлар, қора бозор, мафия ва махсус хизматлар бир бирига жуда боғлиқ ҳисобланади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, айнан, мана шу доиралар ким раҳбар бўлишини белгилаб беради.

Ўғиллари билан бўлган суҳбатдан кейин Жозеф сиёсатдан тўлиқ кетишга қарор қилади. Энди у ҳатто қимматли маслаҳатлари билан ҳам ўртоқлашмасди. Бир оз вақтдан сўнг инсультни ўтказгач, унинг ўнг томони фалаж бўлиб қолади. Ҳаракатлана ва гапира олмайдиган Жозеф ўзининг “тойчоғи” Жекнинг ўлимини қай тарзда қабул қилганини бир тасаввур этиб кўринг...

1961 йили апрель ойида бўлиб ўтган Кочинос кўрфазидаги омадсиз юришдан сўнг Роберт Кеннеди акасининг энг яқин маслаҳатчисига айланади. Баъзи бир маълумотларга қараганда, улар биргаликда президентлик қилишарди, яъни Робертнинг таъсири Жонга ўта кучли эди. Ҳеч бир масала Робертнинг фикри ва муносабатисиз ечим топмас эди.

Кочинос авантюрасининг кейинги ишлари бевосита Робертга боғлиқ эди. Чунки эндиги масала асир тушган аскарларни ва инқилоб вақтида Кубада қолиб кетган америкаликларни озод қилиш эди. Табиийки, ҳукумат аъзолари бу ишларни амалга оширолмас эди, чунки уларнинг биронтасига Фидель Кастро ишонмасди. Шунинг учун ҳам Роберт

адвокат Жеймс Донованга мурожаат қилиб, Кастро билан келишишни сўраб кўради. Ж.Донован юрист бўлишидан ташқари маҳоратли сиёсий музокарачи ҳам эди. 1962 йили Марказий Разведка Агентлиги билан ҳамкорликда у советларга асир тушган “У-2” самолёти учувчиси машҳур Гэри Пауэрсни совет жосуси полковник Рудольф Абельга алмашади. Бунинг учун у Шарқий Германия ҳудудига ўтиб, Совет Иттифоқининг КГБ агентлари билан музокара олиб боришига тўғри келади. Ишонтириш қобилиятига эга бўлган Донован охир-оқибат ўз мақсадига эришади ва алмашув ташкил этилади. Донованнинг уддабуронлиги билан нафақат Пауэрс, балки унга кўшиб америкалик талаба Фредерик Прайор ҳам озод этилади. Бунда Донованни геосиёсий масалаларни яхши тушуниши ва шунинг учун ГДР билан эмас, Совет Иттифоқи билан олиб борган музокаралари қўл келади. Чунки куч маркази Совет Иттифоқи эди ва ГДР у нима деса, барига “хўп” дейишга мажбур эди. Бу воқеадан сўнг Донованнинг обрўси социалистик маконда ҳам ошиб кетади. Айнан, шунинг учун ҳам Роберт уни Кубадаги ўхшаш ҳолатга жалб этади.

Фидель Кастро АҚШ ҳукуматидан ҳазар қилсада, аммо Донован билан алоқа ўрнатади ва ҳатто уни ҳурмат ҳам қила бошлайди. Донован: “Бу маҳбусларга бутун дунёда мандан бошқа харидор йўқ” деганидан сўнг Кастро айирбошловга рози бўлади. Шундай қилиб, Роберт Кеннеди бошчилигида Ж.Донован 1113 нафар асир тушганларни дори-дармон, озиқ-овқат ҳамда 53 миллион доллар эвазига алмашади. Айтишларича, шундан сўнг у яна бир неча бор Кастрога мурожаат этиб,

СІА агентларини ҳам озод этиш бўйича иш олиб борган экан.

Кариб инқироzi вақти ҳам Робертнинг ҳиссаси бекиёс эди. Ўша кунлари у советлар ва АҚШ ўртасидаги кўприкка айланади. Унинг КГБ агенти Георгий Большаков ва Совет Иттифоқи элчиси Добрининлар билан бўлган алоқалари охир-оқибат масалани ижобий якун топилишига олиб келади. Шундан сўнг Роберт Кеннеди Кариб инқирозига бағишланган ўзининг “Ўн уч кун: Куба инқирозии хотиралари” асарини ёзади ва асар ўша ҳодиса бўйича ёзилган энг ТОП-китоблар қаторидан ўрин эгаллайди. Орадан бир оз вақт ўтиб Совет давлати уни СССРга элчи бўлиб келишини ҳам илтимос қилиб кўришади. Айтишларича, Бобби ҳатто рус тилини ҳам ўрганишни бошлаган экан. Аммо Жон учун у Москвадан кўра кўпроқ Вашингтонда керак эди. “Қирғийлар” босимига қарши Бобби ишончли таянч воситаси эди. Энг муҳими у акасининг ҳимоячиси эди ва нима бўлганда ҳам уни ташлаб қўймасди.

Кариб инқирозии ижобий якун топганидан сўнг Бобби ўзининг оиласидан узоқлашиб кетганлигини ва 1964 йилги сайловлардан кейин батамом ҳаммасини йиғиштириб вақтини аёли ва фарзандлари билан ўтказишни режалаштиради. Аммо 1963 йили 22 ноябрь санасида Гувер унга телефон орқали қуйидаги хабарни етказади: “Сизга янгиликларим бор. Президентга ўқ узишган. Қўшимча маълумот топишим билан яна хабар бераман”. Ушбу қўнғироқдан сўнг Роберт барча ишлар, орзу-умидлар барбод бўлганлигини ҳис этади. Аммо бир оз вақт ўтгач, чуқур мулоҳазадан сўнг у энди

ҳаммаси бошланганлигини тушунади. У шундай-лигича енгилиб, вазиятни ташлаб кетиши керакмас эди, аксинча, акасининг бошлаган ишларини давом эттириш унинг бурчи эди. Шу ерда у яна бир бор характер кўрсатади ва ҳақиқий Кеннедиларга хос иш тутади. Яъни шунчаки мағлуб бўлиб ортга чекинмайди, балки такрор ва такрор курашга отланади. Энди унда ҳам Катта оилага қарғиш бўлиб теккан “Мен ҳам президент бўламан” орзуси яшар эди. Ҳа, энди Роберт Фрэнсис Кеннеди бор эътиборини Америка Қўшма Штатлари Президенти бўлишга қаратади.

Жекнинг ўлимидан сўнг Боббига энг оғир ботган масала бу Оқ уйнинг янги хўжайини Линдон Жонсон эди. Бобби ҳамда Линдоннинг алоқалари ҳамиша салбий бўлганди. Нега шундайлигини баъзида Линдоннинг ўзи ҳам тушунмасди. “Нега у мени хуш кўрмайди? Унинг акаси, келинойиси (Жаклин) ва ҳатто отаси ҳам мени яхши кўришади. Фақат у ёқтирмайди” маънодаги сўзларни Линдон кўп келтирарди. 1960 йили праймериз жараёнида Линдон ҳамда Жон Кеннеди бир-бирига рақиб бўлишганди, ўшанда Линдон ака-ука Кеннедиларнинг отасига ташланганди ва Роберт бундан чуқур таъсирланган эди. Айнан, шу воқеани Линдон асосий сабаб деб ўйларди. Аммо Роберт ҳам Линдонни нега ёқтирмаслигини билмасди. “У ҳамиша ёлғон гапирди, ёлғон ишлатиш керакмас бўлган вақти ҳам алдашга ҳаракат қилади”, – деб Роберт Линдонни ёлғончилиги учун унга тоқат қилолмаслигини баъзида сабаб қилиб кўрсатарди.

Кочинос кўрфазидаги воқеадан сўнг Роберт тўлиқ Линдоннинг ўрнини эгаллайди. Линдон

фақат номигагина вице-президент бўлиб турарди. У нима таклиф этмасин, барчаси Бобби томонидан рад этиларди, Жон эса уларнинг ўртасига тушиб тинчлантиришга ҳаракат қиларди. Жон ҳатто ҳазиллашиб: “Линдон бир кун президент бўлсангиз, укамни АҚШ фуқаролигидан маҳрум қилманг” деб ҳам айтган экан. Кейинги президентлик сайловларига тайёргарлик жараёнида администрацияда 1964 йилдаги сайловларда вице-президент этиб Роберт тайинланар экан деган миш-мишлар тарқаб кетади. Бу Линдоннинг жаҳлини янада оширади. Бу ҳақиқат бўлиши ҳам мумкин эди, чунки Робертнинг обрўси сиёсатда ҳам, халқ ичида ҳам улкан эди. Аммо акасининг ўлимидан кейин автоматик тарзда Линдон президент бўлади ва у Робертга бўлган босимини оширади. Роберт ҳам энди унга ходим сифатида бўйсунушга мажбур эди. Босимга бардош беролмаган Роберт ва ниҳоят буларнинг барчасидан воз кечиб кетишга қарор қилади. Аммо Линдон олиб бораётган сиёсатга ҳам жим қараб туролмасди. Чунки Линдон Жон Кеннедининг барча ишларининг тескарисини қилаётганди. Жон Вьетнамдаги урушни инкор этганди, аммо Линдон Жонсон у ерга АҚШ ҳарбийлар сонини кўпайтира бошлайди, натижада, 1965 йили АҚШ Шимолий Вьетнамга уруш эълон қилади. Роберт акасининг ўрнини эгаллаш, унинг ишларини давом эттириш ва Линдон қилаётган аҳмоқгарчиликларнинг олдини олиш ниятида эди. Шунинг учун ҳам энди унга қарши кураша бошлайди. Аммо Бош прокурор экан Роберт Жонсонга итоат этиши лозим эди. Айнан, шунинг учун ҳам у кетишга қарор қилади.



Бинобарин, Линдон унинг кетишини истамасди. У Боббининг администрацияда кераклигини таъкидлаб, янги сайловларда унга вице-президентликни таклиф этади. Лекин Бобби рози бўлмайди, чунки вице-президент бўлса, яна Жонсоннинг қўл остида ишлашга тўғри келарди.

1964 йилги президентлик сайловларида Президент Линдон Бэйнс Жонсон ҳамда унинг Вице-президенти Хюберт Хамфри (бу, айнан, ўша 1960 йили праймериз вақтида Ғарбий Виржиния штатида Жон Кеннеди билан рақобатлашган Хамфри эди) республикачилар номзоди Барри Голдуотер устидан ғалаба қозонишади. Голдуотер Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, генерал-майор лавозимида истеъфога чиққан ҳарбий эди. Аризона штатидан сенатор бўлиб у “қирғийлар” гуруҳига мансуб эди. Ўзининг сайлов олди дастурида у ташқи сиёсатда ядро қуролини ишлатиш тўғрисида ҳам гап очади ва, айнан, шу сабабли мағлубиятга учрайди. Линдон ўзи Жанубдан бўлишига қарамасдан жанубликларга қарши бўлган сиёсатни танлайди. У маълум бир соҳаларда Кеннедининг ишларини давом эттирарди (мисол учун, афроамерикаликлар, айнан, унинг даврида қонуний тенгликка эришганлар) ва шунинг учун ҳам Жанубда илк бор демократлар номзодига эмас, балки республикачилар номзоди Б.Голдуотерга овоз беришади. Аммо ядро урушига зинҳор ва зинҳор йўл қўйилмаслик ва тинчликни тарғиб қилган Жонсон ушбу сайловларда ғалабага эришади. 1960 йилга нисбатан янги администрация таркибида унчалик ҳам катта ўзгаришлар бўлмаган эди. Шунинг учун ҳам Кеннеди даврида

кўзда тутилган “Буюк жамият” дастурини<sup>55</sup> давом эттириш қийин бўлмайди. Бундан ташқари, Америка аҳли орасида ҳануз Кеннеди ислоҳотлари ҳукм сурадди ва Линдон янги мақсадлар билан чиқишга жазм этолмасди. Кеннедининг ишларини давом эттиришга рози бўлиб, у Жоннинг “Келинг бошлаймиз” ташаббусини “Келинг давом эттирамиз” дея сўз очади ва ижтимоий соҳада бошланган ишларни охиригача етказиб қўяди.

Ўша йили Роберт Кеннеди ҳам Сенатга бўлган сайловларда қатнашиб, Нью-Йорк штатидан сенатор этиб сайланади. Сенатор бўлгач, Роберт бор эътиборини Линдон Жонсон олиб бораётган сиёсатни танқид этишга ва ўзининг сиёсий имижини яратиб, Кеннедилар оилавий орзусига айланган “Президент бўлиш” мақсадига шахдам-шахдам қадам ташлай бошлайди.

Сенатдаги фаолиятида Роберт Кеннеди ўша вақтлари Америка аралашиб қолган барча урушларни қоралаб, Линдоннинг сиёсатига қарши иш олиб боради. Кеннедидан фарқлироқ Жонсон ташқи сиёсатда унчалик ҳам моҳир эмасди. Қолаверса, Кеннеди ёнидаги кўпгина зиёлилар ҳам янги президентни тарк этади ва АҚШ 1965 йилдан бошлаб Вьетнам, Лаос ҳамда Доминикан Республикасидаги можароларга аралашиб қолади. Барчасида коммунистлар асосий сабаб қилиб кўрсатилиб, уларни “тийиб туриш” учун бу урушлар олиб борилаётганлигини ҳукумат халққа тушунтиришга ҳаракат қилади. Ҳар қуролли

---

<sup>55</sup> Унга кўра, АҚШда қашшоқлик ва тенгсизлик тўлиқ барҳам топиши ҳамда медицина, таълим ва яшаш шароитлари яхшиланиши босқичма-босқич режалаштирилганди.

тўқнашувларда АҚШ аскарлари ҳалок бўларди ва бу халқнинг норозилигига олиб келади. Статистик маълумотларга қараганда, Вьетнам урушига 550 мингга яқин америкалик аскарлар жалб этилиб, улардан 58 минг нафари вафот этганлар. Роберт Кеннеди бу урушларга чек қўймоқчи эди, чунки унинг акаси буларни ҳеч ҳам истамаган ва аксинча, урушларга қарши бўлган тинч сиёсат тарафдори эди. Ўзининг тинчликка элтувчи чиқишлари билан Роберт Кеннеди миллат қаҳрамонига айланади. Инсонлар унда урушга яқун ясовчи шахсни кўришади. Унинг бу курашига Мартин Лютер Кинг ҳам қўшилади ва биргаликда улар Жон Кеннедининг ишларини давом эттиришга аҳд қиладилар. Аммо бир оз вақт ўтгач, аниқроғи, 1968 йили 4 апрелда Лютер Кинг отиб ўлдирилади. У ҳам Кеннеди каби сиёсатга жуда чуқур кирганди, шунинг учун ҳам катта ўйин қурбонига айланади. Унинг ўлими Жон Кеннединики каби ўтган асрнинг жумбоғи бўлиб қолмоқда.

Роберт Кеннеди нафақат Жонсонга, балки Рокфеллерларга қарши ҳам кураш олиб борарди. Сенатда бир масала бўйича қонун қабул қилинаётган вақти аксарият сенаторлар “бунга Рокфеллерлар қарши чиқади” деб қонун лойиҳасидан воз кечсалар, Роберт кулиб юбориб: “Нима деяпсизлар қанақа Рокфеллерлар? Ахир бизнинг юртимизда рокфеллерларни ҳар куни нонуштага ейишадику” деб ҳазил қилади. Чиндан ҳам, айтишларича, Бобби ҳар нонуштага “рокфеллер” печеньеларини севиб истеъмол қилган экан.

Унинг ушбу ҳаракатларини жасорат деб баҳолашимиз мумкин, чунки ўша вақтлари АҚШда

бунақа оилаларнинг таъсири шунчалик кучли эдики, ҳар ким ҳам уларга қарши иш олиб бора олмасди.

Робертнинг яна бир хислати у шеъриятни жуда ҳам севарди ва ҳатто 1967 йили туғилган кунига машҳур рус адиби Евтушенкони таклиф этади. Кейинчалик Евтушенко ака-ука Кеннедиларга бағишлаб поэма ҳам ёзади. Буюк шахсларнинг биографияларини ўқиш Боббининг севимли хоббиси эди, аммо китоблар бобида у, барибир, афсоналарни ёқтирарди. Айниқса, Гомернинг “Одиссея” асари унинг энг севимли китоби эди.

1968 йили Роберт ўз номзодини президент сайловларига қўяди. Унинг авторитети жуда улкан эди, шунинг учун ғалаба қозонишида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эди. Шунга қарамасдан, кўпчилик Боббига 1968 йилги сайловларда ўз номзодини қўймасдан 1972 йилни кутишни маслаҳат беришади, чунки амалдаги Президент Линдон Жонсон яна бир бор ўз номзодини қўйиши мумкин эди. Аммо агар 1968 йили Линдондан қўрққанлигидан сайловларда иштирок этмаса, у балки 1972 йили ютарди, лекин ўзлигини йўқотиб қўярди. Чунки жасурлик унинг асосий ҳаётий хислатларидан бири эди.

Бинобарин, унинг бахтига Линдон Жонсон иккинчи бор президентлик сайловларида иштирок этишдан воз кечади. Вьетнамда уруш бошлагани учун ғалаба қозонишга ишонмаган Линдон, Боббига ютқазиб қўйишдан қўрқар эди, балки, айнан, шу омил уни бу қарорга келишига сабабчи бўлгандир.

Праймериз вақтида Роберт демократлар партиясининг бошқа вакили Южин Маккартига ютқаза бошлайди, шунда у ўтмишга бир назар ташлаб Жекнинг сайлов олди ишларини ёдга олади. Жекнинг ғалабаси бу унинг оиласи эди. Яъни унинг онаси, ака-ука, опа-сингиллари у ҳақида тарғиб қилиб сайловчиларда ижобий таассурот қолдиришарди. Роберт бу усулни ўзининг сайловларида ҳам қўллайди. Унинг онаси Роуз Фицджеральд бу ўғлининг ҳам сайловларида асосий ролни ўйнайди. Шунини айтиб ўтиш керакки, Роуз жуда матонатли аёл эди<sup>56</sup>, ўғилларидан жудо бўлган бўлса ҳам, у эртанги кунга бўлган ишончини йўқотмасди. Эрининг омадсиз кунлари, хиёнат ва мусибатда ҳам у оиласини сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. У Катта оиланинг марказига айланади ва бир неча бор Жек ва Жаклиннинг турмушини асраб қолади.

Онасининг чиқишлари самара бериб, Кеннеди Южин Маккартини юта бошлайди. Натижада, АҚШнинг энг йирик штатларидан бири Калифорнияда у ишончли ғалабага эришади<sup>57</sup>. Бу эса праймериз нақд дегани эди. Республикачилар партиядан яна бир бор Ричард Никсон чиқаётган эди. Роберт уни мағлуб этишига ҳеч ким шубҳа қилмасди, чунки бир вақтлар, айнан, унинг саъй-ҳаракатлари туфайли акаси Никсонни ютганди.

Робертнинг ғалабаси яқинлашиши билан *фитначилар* ўз нигоҳларини унга қаратишади. Улар савол беришади “Роберт Кеннеди ким? Қирғийми

---

<sup>56</sup> Роуз Фицджеральд Кеннеди 1995 йили 94 ёшида оламдан кўз юмган, шу вақтгача у уч ўғли ва бир қизининг ўлимига гувоҳ бўлган.

<sup>57</sup> Ушбу штат Робертга умумий 538 овоздан 55 тасини тақдим этарди.

(уруш тарафдори), кабутарми (тинчлик тарафдори) ёки жўжами (кўрқоқ)<sup>58</sup>” Роберт ўз хатти-ҳаракатлари билан акасини эслатарди. У Вьетнамдаги урушни инкор этарди, демак, у ҳам акаси каби *фитначиларга* керакмас эди.

Бунинг натижасида, 1968 йили 6 июнь санасида Калифорния штати, Лос-Анжелес шаҳрининг «Ambassador» меҳмонхонасида Роберт Кеннеди отиб ташланади. Унинг ўлимида фаластинлик Сирхан Сирханни айблашади, чунки Роберт араб-исроил можаросида Исроил тарафдори эди. Аммо буларнинг барчаси тўқиб чиқилган чўпчак эканлиги очиқ ҳақиқат эди.

Ака-ука Кеннедиларнинг ўлими XX асрнинг энг катта жумбоқларидан бири бўлиб қолади, зеро, бу маълумотларни фош этилиши АҚШ миллий хавфсизлигига нима учундир тўғри келмайди. Энг қизиғи, юқорида гапириб ўтилган Нью-Орлеанс округ прокурори Жим Гаррисон Робертни ҳам умри шундай яқунланишини анча аввал тахмин қилган экан. Гаррисон бўйича бунинг ортида яна ўша ҳарбий саноат комплекси ва CIA турарди.

1968 йилги сайловлар мамлакат тарихида айрим ўзгаришларга олиб келади, хусусан, президент хавфсизлигига масъул Махфий хизмат органлари бундан буёғига президентликка номзодларни ҳам ўз ҳимоясига оладиган бўлади. Чунки Роберт Кеннедининг ғалабаси равшанлашаётган бир пайтда, Америка ўз бўлажак раҳбаридан айрилиб қолади, бу эса халқ демократиясига мутлақо

---

<sup>58</sup> Эътибор беринг, юқорида биз ўша даврдаги АҚШ сиёсий оламини уч гуруҳга бўлган эдик. Ушбу гуруҳларни мана шундай антиқа номлар билан ҳам аташади.

бегона эди. Агар фуқаролар ўз номзодига овоз беришдан маҳрум бўлсалар, қандай қилиб демократик устунларга риоя этиш мумкин деган савол вужудга келарди. Шунинг учун ҳам 1968 йилдан сўнг номзодлар ҳам хавфсизлик хизмати назоратига ўтадилар.

Ўша йилги сайловларда Робертнинг ўрнини эски қадрдонимиз амалдаги Вице-президент Хюберт Хамфри эгаллайди ва Никсонга қарши демократларни ҳимоя қилади. Тўғри, партия шу вақтга келиб сенатор бўлган Эдвард Кеннедининг номзодини ҳам олиб чиқишга ҳаракат қилади, аммо Тедди бунга ҳали тайёр эмасди. Азадор Катта оила ҳам ўзининг охирги ўғил фарзандини асраш ниятида сайловларга рози бўлолмасди. 1968 йилги сайлов натижаларига кўра, Ричард Никсон 43.4% овоз тўплаб АҚШнинг 37-президенти бўлади. Ва ниҳоят, у ҳам ўзининг биродари Кеннедига ўхшаш “Мен ҳам президент бўламан” орзусига эришади. Унинг президентлиги билан Америка тарихида янги саҳифа очилади, аммо бу бошқа бир ҳикоя...

АҚШнинг баъзи доираларига тўғри келмайдиган сиёсат ҳамда дунёда туб ўзгаришлар тарафдори бўлган Роберт Кеннеди эса ўлдирилади. Аммо унинг “Ҳар бир инсон бу оламда кимгадир керак” машҳур сўзлари АҚШда ҳали-ҳануз афоризм сифатида қўлланилиб келинади. У ҳам акаси каби Вашингтонда Арлингтон қабристонига Жон Кеннедининг ёнида дафн этилган. Гарчанд, Роберт президент бўлолмаган бўлсада, АҚШ тарихида уни тўрт машҳур инициалли президентлар: ТР (Теодор Рузвельт), ФДР (Франклин Делано Рузвельт), ЖФК

(Жон Фицджеральд Кеннеди), ЛБЖ (Линдон Бэйнс Жонсон)лар билан бир қаторда РФК, яъни Роберт Фрэнсис Кеннеди деб ёдда тутишади.

Бугун Вашингтонда Арлингтон қабристониди ака-ука Кеннедилар ёнма-ён ётишибди. Орзулар бу икки ака-укани шу ерларга етаклаб келди. Бири орзусига эришган бўлса, иккинчи акасининг изидан бориб, бутун қалби билан “Мен ҳам президент бўламан” дея унга интилди. Роберт акасига қараб “Мен ҳам” дея орзу қиларди. Гарчанд, бу орзу армонга айланган бўлсада, Роберт бунга жуда яқин келганди, сайловларда ҳеч қандай тўсиқлар йўқ эди. Афсуски, баъзи бир кўзда тугилмаган *омиллар* уни бундан махрум этишди. Шунинг учун ҳам кўпчилик тарихчилар унга таъриф беришганда “Президент бўлолмаган шахс” иборасини ишла-тишади, биз эса китобимизда уни *У президент бўлишга лойиқ эди* сўзлари билан номлашни жоиз деб топдик.





*АҚШ собиқ Бош прокурори Роберт (Бобби) Кеннеди*



*Мартин Лютер Кинг, Роберт Кеннеди ҳамда  
Линдон Жонсон*



*Маҳоратли музокарачи Жеймс Донован Президент Кеннеди қабулида.*



*Мудофаа вазири Роберт Макнамара ҳамда Президент Линдон Жонсон. Кеннедининг ўлимидан сўнг улар Вьетнамга уруш очишганди.*



*Лос Анжелес, "Ambassador" отели.  
Роберт Кеннедининг сўнги дақиқалари...  
У ғалабага жуда яқин эди...*

## ХОТИМА

Машхур Gallup ташкилотининг сўровнома натижаларига қараганда, америкаликларнинг энг сеvimли президенти бу қаҳрамонимиз Жон Ф. Кеннеди экан. Ҳатто оламга таниқли ва Кеннеди ҳавас қилган президентлар Жорж Вашингтон, Авраам Линкольн, Теодор Рузвельтлар ҳам бу сўровномада кейинги ўринларни эгаллашган. Бундан келиб чиқадики, Жон Кеннеди қисқа вақт (1036 кун) ичида ўз халқи учун кўп ишларни қилишга улгурган. У олиб борган сиёсат Америка тарихининг энг ёрқин зарварақларидан жой олган. Бундан ташқари, ушбу шахс кўп йиллар мобайнида АҚШга рақиб бўлган Совет давлати ҳудудида ҳам илиқ сўзлар билан ёдга олинадиган санокли президентлар қаторига кирган. Унинг Ғарб ва Шарқда лидер сифатида тан олинаши таҳсинга лойиқ, албатта.

Одамлар учун Кеннеди уч ўқ билан ўлмади. Бугун унинг шарафига халқаро аэропортлар, НАСА космик кемалари, ҳарбий базаларга Кеннеди номи берилди. Миллионлаб америкаликлар қалбида у сеvimли президент бўлиб яшаса, миллиардлаб инсонлар уни жаҳон урушини олдини олган ва тинчлик учун курашган шахс деб эсда тутишади. У олиб борган ва амалга оширишни истаган ишлар бугун ҳам давом этиб келмоқда. Зеро, озодлик,

тенглик ва тинчлик тушунчалари бор экан Кеннеди ўлмади. Эртанги кун яхши бўлишига ишонган ва умид қилган қалблар ушбу шахснинг тарихини унутмайди.

Китобимиз давомида Кеннедининг бутун ҳаёт йўлини кўриб чиқдик. Оддий, табиатан нимжон, ўқишда ҳам унчалик омади келмаган болакай ўз устида ишлаб уруш қаҳрамони, кучли билимдон ва доно сиёсатчи бўлиб етишди. Китобда унинг образини холисона очиб беришга ҳаракат қилдик, ютуқлари, яхши томонлари билан бир вақтни ўзида камчилик ва хатоларига ҳам эътибор қаратдик. Жон айрим нарсаларга отасининг пули ва танишлар орқали эришди. Турмушда уни идеал умр йўлдош деб бўлмади. Бунинг устига, ёшлигида ҳам ютуқлари жуда оз бўлган. Бинобарин, буларга қарамасдан, айнан, у президент бўлди. Америкада, хусусан унинг оиласида ҳам, бу мартабага муносиброқ кишилар кўп эди, аммо қарангки, унга президент бўлиш насиб этган экан. Бизнингча, бу орзуларга боғлиқ. Тўғри, хаёллар реал эмас, аммо инсон орзулар билан яшаб улар томон қадам ташласа, орзулар ҳақиқатга айлана бошлайди. Жон Кеннедининг ҳам президентлик йўли орзулар билан бошланиб, кучли ишонч ва умид билан амалга ошди.

Президентлик даврида у ташқи ва ички сиёсат масалаларида кўпгина ишларни амалга оширди. Космос соҳасидаги ютуқлар, инсон ҳуқуқлари, тенглик тушунчалари долзарб бўлган бўлса, Карриб инқирозига ечим ҳамда “Мен берлинликман” ҳодисалари тарихда ёрқин муҳрланиб қолди. Ҳаётининг сўнггида у Совет давлати ҳамда АҚШ

ўртасида кечаётган Совуқ урушни инкор этиб, ҳамкорликка интилаётганди. Вьетнам можароси рад этилиб, ташқи сиёсатда асосий урғу дипломатия, музокаралар ва масалани тинч йўл билан ҳал этиш воситаларига қаратилаётганди. Совуқ уруш ва умуман урушлар катта маблағни талаб этади. Бу маблағ орқали айрим одамларнинг рўзғори қайнайди, шунинг учун ҳам улар доимо бир баҳона билан зиддият яратиб, ўзларига қарши бўлганларни йўлдан олиб ташлашга интиладилар. Кеннедининг ўлим жумбоғи катта эҳтимол билан мана шу сабабларга яқиндир.

Жон ёшлигидан Қирол Артурга тақлид қиларди. Келажакда ҳам у Артур каби ўз Камелотини қуришга ҳаракат қилди ва афсонавий Қиролдек халқ тинчлиги ҳамда манфаатларини устун деб билди. Кеннеди Артур каби ўз ҳукмронлигининг энг юқори даврида улкан ишларни бажариб, кўп мақсадларни рўёбга чиқаролмасдан оламдан ўтиб кетди. Бугун Арлингтон Миллий қабристонинда унинг шарафига мангу олов ёнмоқда, ёнида эса акаси учун кўп меҳнат қилган ва унинг ишларини давом эттириш йўлида ҳалок бўлган шахс, яъни президентликка лойиқ бўлган укаси Бобби ётибди. “Мен президент бўламан” ва “мен ҳам президент бўламан” орзулари улардан келажак авлодга мерос бўлиб қолди.

Кеннедилар орзулари йўлида ҳалок бўлишди, аммо, айнан, ўша орзулар имкони йўқ нарсаларни амалга ошишига, мислсиз хаёлларни чин бўлишига олиб келди ва кўплаб инсонларнинг ҳаётига далда бўлди. Кеннедилар қийинчиликларга дуч келганда, уларни муаммо эмас, балки янги имконият

деб қабул қилишарди, улар одамларга эртанги кун бугунгидан-да яхши бўлишига ишонч тақдим этдилар, шунинг учун ҳам уларни бугун бутун дунёда эъзозлашади. Шундай экан, китобхон, орзу қилинг, орзу қилганда ҳам улкан орзуларни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйинг. Яратганнинг иродаси, яхши ният, ишонч, ҳаракат ва меҳнат, албатта, Сизни орзуларингиз рўёбига олиб келади.

*2015-2021 йиллар.*

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. John F. Kennedy. Inagural speech. 1961.
2. John F. Kennedy. American University speech. 1962.
3. John F. Kennedy. Ich bin ein Berliner (I am a Berliner). 1963.
4. Arthur Schlesinger Jr. A thousand days: John F. Kennedy in the White House. New York: "Houghton Mifflin Company". 1967.
5. Arthur Schlesinger Jr. Robert Kennedy and His Times. New York: "Houghton Mifflin Company". 1978.
6. А.Громько. 1036 дней президента Кеннеди. Москва: «Мысль». 1969г.
7. А.Громько, А.Кокошкин. Братья Кеннеди. Москва: «Мысль». 1985г.
8. Robert F. Kennedy. Thirteen days: A memoir of the Cuban Missile Crisis. New York: "W. W. Norton & Company Inc". 1971.
9. Jim Garrison. On the trail of assassins. 1992.
10. Johnson H. The bay of Pigs. 1964.
11. Nicholas Labinski. Evolution of a President: John F. Kennedy and Berlin. 2011.
12. Graham T. Allison. Essence of Decision: Explaining the Cuban Missile Crisis. 1971.
13. Martin Luther King Jr. I have a dream. 1963.
14. Г.Киссинджер. Дипломатия. Москва: «Ладомир». 1997г.
15. Э.Иванян. История США. Москва: «Дрофа». 2004г.
16. Р.Иванов. Дуайт Эйзенхауэр. Москва: «Мысль». 1983г.
17. [jfklibrary.org](http://jfklibrary.org)
18. [life.com](http://life.com)
19. [time.com](http://time.com)
20. [biography.com](http://biography.com)



*Сиёсий-тарихий нашр*

**ИСЛОМХОН ГАФАРОВ**

# **ЖОН ФИЦЖЕРАЛЬД КЕННЕДИ**

*Муҳаррир:*

**Шахзода Ҳақимова**

*Техник муҳаррир:*

**Файзулло Азизов**

*Дизайнер:*

**Василий Бурцев**

“Muharrir nashriyoti”

6068



Теришга 2022 йил 11 январда берилди.

Босишга 2022 йил 14 мартда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32 «PT Serif» гарнитурасида  
офсет босма усулида офсет қоғозиди босилди.

5 шарт. б.т. 8,15 ҳисоб нашр. таб.

Адади 300 нусха. 20-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.  
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзеи,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: [muharrir@list.ru](mailto:muharrir@list.ru)